

3751

А-98

189930



МАҲМУД АҲМЕДОВ

ҲОЖИ АБДУЛАЗИЗ РАСУЛОВ



8421
А-98

МАҲМУД АҲМЕДОВ

8421

ҲОЖИ АБДУЛАЗИЗ РАСУЛОВ


(1852—1936)

(ҚИСҚА ОЧЕРК)

*Ўзбекистон Маориф вазирлиги
тасдиқлаган*

«УЎҚИТУВЧИ» НАШРИЕТИ

Тошкент — 1974



8421


Ўзбек ва тожик халқининг етук санъаткорларидан бири — бастакор, созанда, ҳофиз Ҳожи Абдулазиз Расуловнинг музика маданиятимиз ривожигаги ижодий фаолияти ва қўшган баракали ҳиссаси халқимизнинг музика тарихи саҳифаларида ўчмас из қолдирди.

Мазкур китобча устоз санъаткор Ҳожи Абдулазиз ҳаётидаги айрим воқеалар ҳақида, унинг устозлари, замондош дўсту биродарлари, олим ва шоирлар билан учрашувлари ҳамда улар билан бўлган муносабати ҳақида ҳикоя қилади.

МУНДАРИЖА

Боталик йиллари	3
Музика машғулотлари	9
Абдулазиз ва Боруҳи Қалхак	16
Абдулазизнинг саёҳати	24
Ҳожи Абдулазиз Бухорода	30
Аҳмад Доини ва Ҳожи Абдулазиз	41
Ҳожи Абдулазиз Қосимбой тўйида	51
Улуғ Октябрь революциясидан кейин	60
Гулузорим	67
Бозургоний	75
Ушшоқ	80
Дала куйлари	93
Гадои	94

Шаймақом донишмандлари, устозларим — Ўзбекистон халқ ҳофизи *Усто Шоди Азизов*, Тожикистон халқ ҳофизи *Бобоқул Файзуллоев* ва ажойиб чолғучи *Муҳаммаджон Мўминов* хотираларига бағишланади.



* * * * *

БОЛАЛИҚ ЙИЛЛАРИ

Ҳожи Абдулазиз 1852 йилда Самарқанд шаҳрида туғилди, унинг отаси Абдурасул жуда ёшлигида ўз укаси Абдулфайз билан биргаликда Тожикистоннинг тоғлиқ райони — Қоратегиндан келиб, Самарқандда туриб қолганди.

Маълумки, у вақтларда Абдурасул сингари ўнлаб ва юзлаб тоғлиқ тожикларни Самарқанддан бошқа шаҳар ва районларда ҳам учратиш мумкин эди. Тоғлиқ жойларнинг тез-тез ўзгариб турадиган иқлим шароити аҳоли яшаши учун ҳар доим ҳам қулай эмасди; қутилмаганда жала қуйилиши, қаттиқ селдан кейин уй-жой, экин, қўй-қўзиларнинг сув тошқини остида қолиб

кейтиши каби табиий офатлар тоғликларни кўп қийин аҳволларга солиб қўярди. Бундан ташқари, куз тамом бўлиши билан тоғ йўлларини қалин қор босиб қоларди, бундай ҳолларда қорлар эриб йўллар очилгунча, бозор у ёқда турсин, яқин қўшни қишлоққа бориш ҳам амри маҳол эди.

Бундай оғир шароит тоғлик районлардаги кўпгина камбағалларни воҳага тушиб тирикчилик ўтказишга мажбур қиларди. Дарвоз, Матчоҳ, Қоратеги сингари тоғлик районлардан шаҳарларга келган кишилар учта, тўртта бўлишиб, арра, болта, пона кўтариб, шаҳар ва қишлоқларда ўтин ёриш, мардикорлик қилиш, ходимлик ва бошқа юмушларни бажариш билан кун кечирардилар. Одатда бу кишилар ҳаётга, одамларга катта ишонч билан қарардилар, улар соддадиллиги, меҳнатсеварлиги, қора меҳнатдан жирканмасликлари туфайли ҳамма билан қовушиб кета берардилар. Барваста, қора кўз, қора қош, қирра бурун, жасоратли тожик йигитлар пахта хирмонларида оғир пахта тойини орқалаб, лиқиллаб турган энсиз ингичка тахта норвондан юқорига ботирлик билан тикка чиқиб бориб, ҳаммани ҳайратда қолдирардилар.

Бу кишиларнинг баъзилари оиласининг қишловида етарли маблағ тўплагандан кейин, бола-чақасига зарур буюмларни сотиб олиб яна тоққа чиқиб кетар, баъзилари эса бошпанасиз бўлгани учун шаҳарларда қолиб, масжид-мадрасаларни супуриб-сидириб, бойлар эшигида ёллашиб ишлаб қийинчилик билан кун кечириб юрарди. Бошқа бирлари бирор устага шогирд тушиб ҳунар ўрганаар, секин-аста ўқиб илм олар ва уйлик-жойлик ҳам бўлиб қоларди.

Кўпгина ҳамқишлоқлари қатори Абдурасул ҳам укаси билан Самарқандда ҳар хил оғир ишларни бажариб юришга мажбур бўлди, у машаққатли ҳаёт кечирарди.

Кунларнинг бирида бу мулоим табиат, хушсуҳбат, очиқ чеҳрали меҳнаткаш йигит—Абдурасул бир кекса камбағал косиб чолга ёқиб қолади. Косиб уни уйига олиб бориб меҳмон қилади ва ўзининг қариб қолганлигини, бори-йўғи битта қизи берлигини, ўғли йўқлигини, агарда истаса уни шогирд қилиб олиб, ўз касбини ўргатмоқчи эканлигини айтади.

Абдурасул косиб отанинг таклифини севинч билан қабул қилиб, укаси билан чолнинг уйида ҳаёт кечири бошлайди, унинг тўқувчилик касбини ўрганади. Косиб ота севимли қизи Марямни ҳоли етганича кичкина тўй қилиб Абдурасулга никоҳлаб беради ва бир йил ўтар-ўтмас вафот этади.

Абдурасул укаси ва хотинининг ёрдами билан марҳум косибнинг тўқувчилик дуконини бир оз кенгайтириб озроқ пул орттиради, қайнатасининг шаҳар чеккасидаги ҳовлисини сотиб, шаҳар бозори яқинидаги Қўкмасжид маҳалласидан кичик бир ҳовлини сотиб олади.

Орадан икки йил ўтгандан кейин Абдурасул ўғил кўради. Унга Абдулазиз деб от қўяди, кейин яна бир қиз кўради.

Абдурасул ўғли Абдулазизнинг келажак тақдири тўғрисида, унинг тўқ ва тинч яшашини таъминлаш устида бош қотирарди ва бу йўлда ҳеч нарсани аямасди. Абдулазиз 6—7 ёшга кириб, тўқувчилик дўкони ичида у-бу нарсаларни олиб беришга қурбон етадиган «дастёр» бўлганида, отаси уни бир қанча совға-салом билан эски бошланғич мактаб домласига «Ўштин сизиники, суяғи бизиники», дея ялиниб-ёлвориб ўқинишга беради.

Абдулазиз тез вақт ичида араб тилидаги бир неча дуоларни, кейин «Ҳафтияк» ни ёд олади. У тожик тилида ёзилган «Чоркитоб» ни бошқа мактабдошларидан анча олдин ёдлаб олади. Зеҳни ўткир ва зийрак Абдулазиз саккиз-ўн йиллик дарсларини тўрт йилда пухта билиб олади. Буни кўрган домласи ўзининг кўлидан келгани шу эканлигини, болага бундан ортиқ ўргатадиган ҳеч нарсаси йўқлигини отасига айтиб, болани мадрасада ўқитишга маслаҳат беради.

Шундан кейин Абдурасул ўғлини Самарқанддаги мадрасалардан бирига беради. Беш йил давомида Абдулазиз мадрасада араб тилида ёзилган «Муззий», «Занжоний» китобларини, Абдурахмон Жомийнинг «Шаҳри мулло» номли китобини ўқиб ўзлаштиради.

У мана шу даврда, яъни 17—18 яшарлигида Умар Ҳайём, Хўжа Ҳофиз, Шайх Саъдий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Бедил ва бошқа атоқли шоирларнинг асарлари билан таниша бошлайди.

Шундай қилиб, Абдулазиз, ўзининг дилига яқин бўлган шеърӣ асарларни бемалол ўқиб тушунадиган бўлгач, отасига лозим бўлган маълумотни олганлигини ва қолган диний таълимларни ҳар қачон ҳам ўрганиши мумкинлигини айтиб мадрасада ўқинишни тўхтатади. Абдулазиз мадрасада бошқа мулававччалардек фақат қози ёки муфтий бўлиш учунгина ўқимади, албатта.

Абдулазизнинг зийраклиги, ҳар нарсани билишга қизиқиши, айниқса музика машғулотларига бўлган зўр эҳтисоси ибтидоӣ мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ сезила бошлади. Унинг отаси ҳовлисидаги кичкина бостирмада жойлашган тўқувчилик дўконида ишлаб туриб, юрти Қоратегинини, қариндош-уруғларини эслаб қўшиқлар айтарди. Отаси бу қўшиқларда кўпинча юртининг хушманзара тоғларини, доим яшнаб турадиган ям-яшил арчазорларини, шовуллаб оқувчи тоғ дарёсининг сўлим соҳилларини куйлар эди. Мана шу мунгли қўшиқларни 8—9 яшар Абдулазиз кечалари чурқ этмасдан эшитиб ўтирарди.

Болани музикага қизиқтирган асосий нарса, бир томондан, отасининг қўшиқлари бўлса, иккинчи томондан, болаларнинг энг яқин дўсти қўғирчоқбозларнинг ўйинлари эди. Борди-ю Қўкмасжид маҳалласидан қўғирчоқбозларнинг сурнайчи ёки доирачилар тўдаси ўтадиган бўлса, Абдулазиз эшик берк бўлса, туйнукдан чиқиб кетарди.

Кунларнинг бирида, Абдулазиз ибтидоий мактабда ўқиб юрган чоғида кўчада сурнай овози эшитилганда қўлидаги китобларни бир чеккага иргитиб, ота-онасининг «ҳай-ҳай»ига қарамасдан, чопқиллаганича кўчага чиқиб кетади.

Кўча болага лиқ тўлганди. Улар олдида бир сурнайчи сурнайчи, бир доирачи доирасини ва шинамгина кийинган 12—13 яшар бола бўйинга осибдиқ кичик барабанини рез қилиб чалиб борарди. Қорни қаннайган, чўтир, кулча юзли, қора соқол сурнайчи доирада чалинаётган усулга маҳлиё бўлиб борарди. У дағал бўз кўйлаги устидан оқ, қизил ва кўк каштали белбоғ боғлаб олганди. Белбоғининг ўнг томонида пичоқ, қайчи, бигиз солинган чарм қин, чап томонида эса сурнайнинг иккига букланган гилофи ва сурнай найчалари солинган халтача осилиб турарди. Кийими пичага солинган қўғирчоқлар кенг қилиб тикилган кўйлагини халтага ўхшатиб осилтирган эди. Семиз сурнайчи сурнай чалганида кўзларини гоҳ юмар, гоҳ очар, бошини ўнгга, баъзида чапга қийшайтириб, муқом қилгандай бўларди. Икки лунжи мудом дум-думалоқ бўлиб, оғзида иккита ёнғоқ бордай қавариб турарди.

Сурнайчи билан ёнма-ён бораётган доирачи ҳам думалоқ-кина, лекип ранги сариқ ва касалманд киши эди. Аммо шунга қарамасдан у барваста ва бақувват қўллари билан доирани ёриб юборгудай бўлиб чаларди. У йўл-йўлакай болаларга қараб гоҳ мўйловини, гоҳ қулогини қимирлатар, кўзларини ғилай қилиб, хилма-хил қилиқлари билан уларни кулдирадди.

Эгпида йўл-йўл нақшли тўн, фаранг кўйлак, сариқ этик, бошига Шаҳрисабзнинг ироқи дўпписини кийган ногорачи бола ўзига ҳавас билан қараб кетаётган болаларга «бирорталарнинг ҳам менга ўхшаб чала билмайсизлар» дегандек, мағрур қадам ташлаб борарди.

Қўғирчоқбозлар Қўкмасжид кўчасидан бир оз юрганларидан кейин ўнга, Тепакўрғон рўпарасидаги кўчага бурилиб, бир ҳовли олдида тўхтадилар ва тинмасдан чалишда давом этдилар. Уларни томоша кўриш учун йўл-йўлакай эргашиб борган йигирматача бола қуршаб олган эди. Болаларнинг айримлари қўғирчоқбозлар келаётганлиги тўғрисида ҳовли эгасига аллақачон хабар етказган эдилар. Шу сабабдан ҳам тўйхонага алоқадор 4—5 киши дарвоза олдида қўғирчоқбозларнинг келишини кутиб турарди.

Ниҳоят, қўғирчоқбозлар саҳни кенг ҳовлидаги тўртбурчак япалоқ гишдан солинган супа устига ўтирадилар. Болалар эса супадан наstdа, қўғирчоқ ўйини кўрсатиладиган жой рўпарасида ярим айлана шаклида ўтириб, томоша бошланишини сабрсизлик билан кутишади.

Қўғирчоқбозлар янги туғилган чақалоқнинг соғ-саломатлиги, узоқ умр кўриши, бахтли, ота-онаси сингари серфарзанд бўлиши, ака-ука, ота-оналарига меҳрибон бўлишини тилаб фотиҳа ўқидилар ва томоша кўрсатишга ҳозирланадилар. Сурнайчи кўйлаги

ичидаги қўғирчоқларни чиқариб, уларнинг кўйлакча, қалпоқчаларини тўғрилайди, сўнгра қизил матодан тикилган чодирдан қўғирчоқлар учун саҳна ясайди.

Қўғирчоқбозлар ўз томошаларини доира чалиш билан бошлайдилар. Бу — томошанинг бошланишига шоднён руҳ бағишлайди.

Сўн «Уфар» куйи чалинади. Чодирдан қилинган саҳнада япалоқ юзли, мўйлови шопдай, бошига чарм телпакча кийган Качал Полвон кўринади, у қўшиқ айтиб ўйинга тушади. Унинг қўшиқ ва ўйинидаги шўхлик, хушчақчақлик кайфияти томошабинлар руҳини янада кўтариб юборади. Качал Полвон бир танноз аёлни учратганини сўзлаб, таннознинг нозланиб юришига тақлид қилиб иккита ўйин кўрсатади. Шу орада у яна «Миёнхона» куйида ўйинга тушади. Кейин судхўр образидаги Қоровой деган ит Качал Полвонни тишлайди, шу аснода «Чарх» куйи чалиниб туради. Шундан кейин «Дучўбайи паррон» куйида «судхўр» ўйинга тушади, охири у Качал Полвон билан муштлашади. Судхўр енгилади.

Доиранинг саволларига сурнайчи тили остига қўйилган сапил ёрдамида қўғирчоқларга хос хилма-хил чийилдоқ овоз билан қўғирчоқлар номидан жавоб қайтариб туради.

Хуллас, болалар ва катталар Качал Полвон билан судхўрнинг муштлашишларини бир неча марталаб кўрган ва эшитган бўлсалар-да, бу гал ҳам жуда завқланиб кулишарди. Айниқса, бошига рўмол ва яхтак ёпиниб олган, том усти ва болохона пешайвонида ўтирган хотин-қизлар кулгидан ўзларини тўхтатолмасдилар. Ўйин давомида доирачи найда, ногорачи бола эса доирада «Сарбозча», «Гирён қазоқ» ва «Лум-лум мамажон» сингари куйларни чалиб турадилар. Бу куйларни Абдулазиз ҳам катталарга хос мароқ билан тинглайди.

Қўғирчоқ ўйини тугайди. Сурнайчи қўғирчоқларини йиғиштириб яна кўйлаги ичига солади ва терларини артиб бир пиёла чой ичганидан кейин, сурнайда ўйин куйларини чалади. Ногорачи бола белини бойлаб, енгларини шимариб ўйинга тушади. У шу қадар эпчиллик билан ўйнардик, томда томоша қилиб турган ман-ман деган ўйинчи қизлар ҳам унга тан берардилар. Чой ичиб ҳордиқ чиқараётган сурнайчи Абдулазизни имлаб ёнига чақиради. Чунки у томоша бошлангандан буён унга эҳтирос ва ҳавас билан қараб ўтирганди. У Абдулазизга дастурхондан қандолат, печак қанд ва майиз аралаш бир ҳовуч ширинлик узатади:

— Сен машқларни яхши кўрасанми?

— Ҳа, амаки, жуда-ям яхши кўраман.

— Қанақа куйлар чалдик, номини айта оласанми?

Абдулазиз икки-уч куйнинг номини янглишмасдан айтиб, сурнайчини ҳайратда қолдиради. Сурнайчи унга янада кўпроқ қизиқиб:

— Неча ёшга кирдинг? — деганда, Абдулазиз унга «тўққиз» га деб жавоб қайтаради. Шунда қўғирчоқлар томошаси ҳам тугай деб қолганди. Тўй эгаси томоша кўрсатганларга дўппи, бел-

боғ, ноп, мева-чева солинган тугунларни улашгандан кейин, яна узундап-узоқ фотиҳа ўқилади.

Сурнайчи қайтишда алча йўлгача Абдулазиз билан сўзлашиб боради. У Абдулазизнинг отаси кимлигини, касбини ва қаерда туришини суриштириб билгандан кейин:

— Ҳоҳ, аттанга, лаънати қашшоқлик. Золим амирнинг бандиси бўлмаганимда инсонлардек ҳаёт кечирардим. Ўғил кўрсам бўйи сенинг бўйингга тенг бўларди, тўй кўрардим, ёнимга кирарди. Ўнгта ноним иккита бўларди.— дея хўрсиниб-хўрсиниб Абдулазизнинг бошини силади. Улар Кўкмасжидга яқин келганларида:

— Мен ҳаммом орқасидаги ҳужрада тураман, яккаман, келиб тур, — дейди ва бошқа шериклари билан ҳам хайрлашиб ҳаммом томонга бурилади. Сурнайчи икки қўлини орқага қўйгани ҳолда йўл бўйи сурнай чалишни жуда ёшлигидан ўрганганлигини, Эрондан Бухорога олиб келиб сотилган қул ота-боболарини, отаси жуда қашшоқлашиб қолганида уни сурнай ва ногора чалувчи бир устоз-меҳтарга сотганлигини, кейин амир одамлари томонидан зўрлик билан сарбозликка олинганлигини, охири сарбозликдан қочиб Самарқандга келганлигини ва ҳаётидаги шунга ўхшаш бошқа муҳим манзараларни эслаб борарди.

Абдулазиз уйига кириши биланоқ, ота-онасига ўзининг қўғирчоқ ўйинларини кўрганлиги, сурнайчи билан танишганлиги ва бундан кейин унинг уйига ногора, сурнай эшитгани бориб турмоқчи эканлигини айтиб беради. Шунда отаси:

— Азизжон, мен сени мадрасада ўқитмоқчиман. Шунинг учун «сурна-ю карнай, доира-ю думбарак эшитаман» деб, овора бўлиб юрма, деб насиҳат қилади. Абдулазиз отасининг сўзини чурқ этмай эшитиб ўтиради ва «бари бир сурнайчининг уйига бориб, сурнай чалишни эшитаман» деган фикрни кўнглидан ўтказиб қўяди.

Шундан кейин Абдулазиз сурнайчининг уйига тез-тез бориб турадиган бўлади. Ундан хилма-хил куйларни, енгил машқларни сурнай ва ногора ижросида эшитиб дилига жойлайди.

Аста-секин у мадрасадаги ўртоқларининг қўлларидаги баёз, девонлардап кўнглига яқин шеърларни ёзиб олиб, эшитган куйларига солиб айтадиган ҳам бўлади. Отаси эса Абдулазизни сапъатдан узоқлаштириш учун турли хил чораларни излайди, кези келганда ўғлининг кўнглини огритади ҳам. Аммо булардан ҳеч қандай фойда чиқмайди. Абдулазиз сурнайчининг уйига бориб, янги-янги куйларни эшитиб, ўрганишда давом эта беради.

МУЗИКА МАШҒУЛОТЛАРИ

Абдулазиз 15—16 ёшга кирганда отасининг моддий аҳволи, оилани боқиши анча қийинлашиб қолади.

Самарқанд шаҳрида ана шу даврда фожиаи ҳодисалар рўй беради. Чор аскарлари генерал Қауфман бошчилигида Самарқандга юриш бошлаганида шаҳар муллолари ғазавот эълон қиладилар, амир сарбозлари билан Самарқанд аҳолиси ўртасида қонли тўқнашувлар бўлади, қанчадан-қанча одамлар, муллаваччалар ўлдирилади. Умуман, ҳаёт кечириш ниҳоят огирлашади.

Бозорларда ҳеч ким кўринмасди, олди-сотти шаҳардан узоқ чорраҳаларда яширинча бўларди. Кийим-кечак ҳеч кимни қизиқтирмас, ҳамма овқат тўплаш ғамида эди. Абдурасулнинг дўконига тўқилган ва кунлик рўзғор тебратишга аранг етиб турган матога ҳам ҳеч ким қарамай қўяди. Хуллас, камбағалларнинг кун кечириши тобора огирлаша борди...

Абдурасул бошига тушган қийинчиликларни ўйлай-ўйлай касал бўлиб ётиб қолди.

Бир куни айлани ярим кечада Абдулазиз киши қалбини эзадиган жуда синиқ бир оҳангда айтилаётган қўшиқ садосидан уйғониб кетади. Қўшиқни отаси ярим овозда хиргойи қилиб айтаётган эди. Абдулазиз уйғоқлигини сездирмай, қўшиқни бирпас эшитиб ётади ва сўнгра ўрнидан туриб:

— Дада, бу қўшиқни мен сиздан сира эшитмагандим-ку, — деди. Шунда у ўғлини уйғотиб қўйганлигидан хижолат бўлиб:

— Сени уйғотиб қўйдимми, қўзим, дард зўрайганда ҳар нарсга эсга келар экан, болам, — деди.

Абдулазиз дадасидан қўшиқни яна бир бор айтиб беришни ялиниб сўрайди.

— Хўп қўзим, кўнгли чўккан ғарибларнинг қўшиғини эшит, бўлмаса, — дейди отаси ва ярим овоз билан бўғилиб-бўғилиб куйлайди, бироқ қўшиқ жуда тўғри оҳанг билан юракдан чиқариб айтилаётганди:

Ой чархо фалаки,
Маро ба Балх оварди.
Ҳой кулоби будум,
Маро ба Балх оварди.

Ой, Кулоби будум,
 Оби ширин меҳурдум.
 Ой, сар гашта маро,
 Ба оби талх оварди.
 Ой, лаънат ба касе,
 Ки аз ватан канда шавад,
 Афтад ба ғарибию
 Ба кас банда шавад.
 Ҳой, ин мурдаи сад сола
 Магар зинда шавад.
 (Ой, фалакнинг гардиши,
 Мени Балхга келтирди.
 Ҳей, мен Кулоблик эдим,
 Мени Балхга келтирди.
 Ой, мен ўз Кулобимда,
 Ширин сувлар ичардим.
 Ой, бошимни айлантирди,
 Аччиқ сувга келтирди.
 Ой, лаънатлар бўлсин,
 Ватанидан ажралганга.
 Ғариблик қўлига тушиб,
 Банди, ё қул бўлганга.
 Ҳой, магар юз йил ўтса ҳам
 Кетмас қалбнинг яраси).*

Қўшиқ тугаганда Абдурасулнинг кўзи жиққа ёшга тўлганди. Абдулазиз отасини нима қилиб тинчитишни билмасдан:

— Дада, иссиқ чой келтирайми? — дейди. Отаси бош қимирлатиб, «ҳа» деган ишорапи қилади. Абдулазиз иссиқ чой тўла чойнакни олиб келиб отасининг олдига қўяди ва ундан бир пиёла қуйиб беради. Отаси чойни қалтираб-қалтираб ичар экан шундай дейди:

— Ўғлим, бу қўшиқда ўз ватанидан айрилиб бошқаларга қарам бўлганлар тақдири куйланади. Энди сенинг ватанинг Самарқанд бўлди. Чунки шу ерда туғилдинг, ўсдинг, оқ сут берган онанг — Самарқандлик, шунинг учун сен ўз мураббийларингга содиқ бўлишинг керак, токи мен гўримда тинч ётайин. Билишимча сен машқу-навони яхши кўриб қолгансан, унга муҳаббатинг баланд, мабодо шу йўлдан борадиган бўлсанг майли, бора қол, нима ҳам дердим мен сендан розиман.

Отаси энтикиб - энтикиб йўталади ва сўзида яна давом этади:

— Ўғлим, мен санъаткор бўлган эмасман, лекин уни жонув дилимдан ҳам севаман. Қўп санъаткорларни кўрдим, эшитдим ва давраларида бўлдим, чунки санъат аввало ғарибларнинг йўлдоши. Бой ва амалдорлар унинг қадрига етмайдилар, доим санъатчини камситадилар, санъатдан баҳра ҳам олмайдилар, уни

* Тожиқчадан таржима авторники.

тушунмайдилар ҳам, санъатчиларни обрў олиш учунгина тўй-хашамларига чақириб турадилар. Яхши санъаткор бўламан десанг, ўзингга ўхшаган ғариблар қадрига етадиган ҳақиқий устозлар таълимини ол, уларни ҳурмат ва иззат қил, қариган чоғларида ёрдам бер! Яна шуни эсингда тутгинки, санъат ҳақида гап эмас; у чуқур билимни талаб қилади, айёрлик, молпарастликни ёқтирмайди, жуда тез кўкларга кўтаради, лекин очкўзлик қилсанг ёки мағрурлансанг қайтадан ерга уради. Қолганларини ўзинг тушуниб оларсан, чунки ҳаётинг энди бошланаётир.

Абдурасулнинг аҳволи оғирлашиб, зўрға нафас олади, ҳолдан кета бошлайди ва ёстиғига ёнбошлаб: — Онанг билан синглинг ва амакингни чақириб келсанг бўларди, — дейди. Абдулазиз зудлик билан, олдин онасини, кейин амакисини чақириб келади.

Амакиси хонага кириши биланоқ, Абдурасулнинг оёғини ушлаб кўради. Икки оёқ музлай бошлаганди... Буни онаси ҳам сезади ва эрининг бошини ушлайди, кўзда ёш кўринади. Абдурасулнинг кўкара бошлаган лаблари пичирлаб:

Ой, лаънат ба касе, ки

Аз Ватаи канда шавад,

мисраларини такрорлайди.

Амакиси Абдулазизни бошқа маҳаллада турадиган табиб Мулло Зухурни олиб келишга юборади. Кўп ўтмай Абдулазиз табиб билан етиб келади. Аммо вақт ўтган, отаси кўз юмган эди...

* * *

Отасининг вафотидан кейин уй-рузғор ташвиши Абдулазиз бошига тушади. Лекин саводхон, хушхат Абдулазизга иш топилиши узоққа чўзилмайди. Уни Самарқанд шаҳри даҳаларидан бирида жойлашган Хаймар деган жойдаги солиқ тўпловчи маҳкама солиқ қоғозларини кўчирувчи мирзо қилиб олади. Бу ерда Абдулазиз ўзи қатори мирзолик қилиб юрган саводхон йигитлар билан танишади, кўп ўтмай яқин дўстлар орттиради, уларнинг шеърхонлик кечаларида иштирок этади.

Абдулазиз шеърхонлик мажлисларида жуда кўп шеърларни ёддан билиш қобилияти билан ҳамсуҳбатларини маҳлиё қилганди. (Абдулазизнинг шогирдлари унинг минг байтдан ортиқ шеърни ёдда сақлаб юрганлигини айтадилар). Ўтиришларда у бирор муносабат билан ёки бирор шахсга қараб айтилиши лозим бўлган икки-уч байтни жуда тезлик билан тўқиб, шу заҳотиёқ жавоб қайтарарди.

Мана шу хилдаги мажлисларнинг бирида йиғилган мирзалар анча маҳалгача шеърхонлик қилганларидан кейин, давралари айни қизган бир пайтда ўтирганлардан бири:

— Қани энди, Хўжа Ҳофиз, Мирзо Бедил, Қамоли Хўжандий, Ибни Яминнинг бу дилакаш шеърлари оҳангга солиниб, мақомига келтирилиб айтилса... аттанг, даврамизга битта ҳофиз

етишмаслигини қарашг-а, деб афсусланади. Шунда бошқа бир мирзо, Дегрезлик маҳалласидаги дуторчи Раҳматхўжа кавушдўзни дутори билан олиб келишни гарданига олади. Ўтирганлар уни дуторчининг уйига жўнатадилар. Бироқ орадан кўп ўтмай, бу мирзо меҳмонхонага хомуш кириб келиб:

— Раҳматхўжа ака «Э. қўшиқ ёки куйнинг нималигини билмаган сафсатабозларингнинг суҳбатиди нима барака топардим. Бор, бошимни оғритма, ука» деб уйдан чиқариб юборди, — дейди.

Ўтирганлардан бири димоғдорлик билан шундай дейди:

— Вай-буй, бори-йўри бир созанда экан, бунчалик поз қилмаса энди.

— Оғайни, нози ўтадими қилади-да, — деб жавоб беради бошқаси, — деворда осиглик дуторни қўли билан кўрсатиб, — мана иккита илғичка ип тортилган қуруқ ёғоч осиглик турибди, сен уни қўлингга олиб бирор ёқимли садо чиқар-чи?

— Оҳ, нимасини айтасан, агарда шу даврада буни чала оладиган уста созанда бўлгандами, бу дутор нималар демасди, биз унда шу хилда шумшайиб ўтирармидик, бу дутор ҳар биримизнинг дардимизга малҳам бўлган бўларди.

Шунда Абдулазиз атрофга қарайди-да Бобир ғазалларидан бир-икки парчани ўқиб ҳамманинг эътиборини ўзига тортади:

Даврен ғамин барбод қил, ишрат уйин обод қил,

Хону кўнгилни шод қил, овози чангу, най била.

Мутрибни, уни ҳар киши гўш қилур,

Жонила кўнгулни зару мадҳуш қилур,

Мақсуд надурки, элни ёд этганда,

Ул доврада бизни фаромуш қилур.

Абдулазизнинг эсига шоир Мажлисийнинг мана шу мисралари ҳам келади ва чиройли қилиб ўқиб беради:

Менинг олдимда чанг бўлди дуто ҳам,

Қилур волиш менинг ҳолимга еб ғам.

Фигон айлар рубоби ёд қилур,

Ураб кўксигаю фарёд қилур.

Ўз этиб бўйинини бечора танбур,

Менинг ҳолимга йиғлар нолишин кўр.

Қуяр ҳолимга уду ҳам мусиқор,

Бўлиб дардимга қонуи кўксин йиртар.

Кел эй ровий кетур уйинга каркаф (маф)

Мугалнийлар билан чангу, уду даф

Даврадагилар бараварига Абдулазизга тасанно айтадилар.

Абдулазиз илгари санъатга шунчаки бир ҳаваскор сифатида ва истишн жуда мушкул бўлган бир иш деб қараган бўлса, энди бу ёшида санъатнинг ҳар бир инсон учун ҳаводай зарур эканлигига тўла ишонч ҳосил қилганди.

Бу мажлис Абдулазизда чуқур таассурот қолдирди. Ана шу кечадан бошлаб у бирор чоғу асбобида чалишни ўрганишни

қаттиқ аҳд қилиб қўйди, лекин бу аҳдини даврада ўтирган дўстларидан сир сақлади.

* *

*

Орадан бир ойча ўтгандан кейин Абдулазиз билан Мирзо Меҳтар учрашди. Бу киши аслида Абдулазиз биринчи бор қўғирчоқбозлар ўйинида кўрган сурнайчи бўлиб, улар шу пайтгача ота-ўғилдек қалин бўлиб кетгандилар. Мирзо Меҳтар Абдулазиз ишлайдиган жойга келиб ишдан қолдирганлиги учун узор сўрайди:

— Азизжон, узор, ишинг енгиллашган бўлса Норқулнинг самоварига бориб чой-пой ичиб ҳордиқ чиқарардик, — дейди.

Абдулазиз «Хўп бўлади, отажон» деб қоғоз, қалам, сиёҳдонларини йиғиштиради ва Мирзо Меҳтар билан самоварга йўл олади.

Норқулнинг самовари шаҳарнинг энг марказий қисмларидан бири — Чорраҳада жойлашган бўлиб, ҳар галгидай гавжум эди. Норқул самоварчи ўрта бўйли, серсоқол, ҳушқомат, кулча юз, ёши олтмишга яқинлашган бўлса ҳам юзлари ажинсиз; истараси иссиқ киши эди. Унинг эғнида оқ сурп яхтак, оёғида махси килиш, белида иккита шоҳи белбоғ боғланган эди. Самоварчи Мирзо Меҳтар билан Абдулазизни илиқ кутиб олиб, тўрдаги холироқ жойни кўрсатади. Унинг Меҳтарга қилган ҳазил-омуз гаплари, патнисда пулотн нон, белаза пухот (пухат шўрак) қандолат, новвот келтириб қўйиши, уларнинг эскидан қадрдон эканликларидан далолат берарди. Меҳтар Абдулазизни самоварчига таништиради ва самоварда ўтирганларга бирма-бир кўз ташлаб чиққандан кейин:

— Норқулжон, Ҳожи Раҳимберди чиқадиларми? — деб сўрайди.

— «Шўрво тайёр бўлгунча чиқаман» — дебдилар.

Бир чойнак чой ичилгани ҳам йўқ эдики, Ҳожи Раҳимберди чойхонага кириб келади. Меҳтар унинг қаршисига бориб қўлидаги танбурини олгач ёнидан жой кўрсатади. Аслида Мирзо Меҳтар Ҳожи Раҳимбердидан ўн ёшлар чамаси катта бўлса ҳам, лекин доим унга таъзим қилар, илиқ кўришар ва ҳурмат-иззатни жойига қўярди. Меҳтар барча ёшу қарига, танишу нотанишга баб-баравар шундай хушмуомала эди. Норқул самоварчи меҳмонлар олдига келиб кўришгач:

— Уста Раҳимберди, бир жуфт машқ эшитгунимизча шўрва ҳам тайёр бўлади, — дейди.

Ҳожи Раҳимберди танбурини созлаётганида самовардаги чойхўрлар чойнак-пиёла, нону патнисларни кўтариб, созандага яқинроқ жойга кўча бошлайдилар. Танбуричи мақом йўллари-дан Муҳаммаси наво ва Таржен Навони чалади, унинг забардаст мақомдонлиги кўриниб турарди.

Қайпатма шўрва ичилгандан кейин танбурнавозлик анча вақт давом этади. Намози шом бўлай деганда Ҳожи Раҳимбер-

дига қўшилиб Меҳтар билан Абдулазиз ҳам самовардан чиқадилар. Улар йўлда ҳангомалашиб бораётганларида Меҳтар Абдулазизни танбурчига таништиради:

— Бу йигит кўп саводхон, исму шарифлари Абдулазизжон, Расул саллабофнинг ўғиллари бўладилар.

— Кўп яхши, кўп яхши.

— Иккаламиз сизни кўриш учун кўндан бери муштоқ эдик.

— Хўш, хизмат?

Бу йигитнинг хонанда-ю созандаликка иштиёқлари баланд, зеҳнлари ўткир, кўп газалларни ёд биладилар, қўллари усулга ҳам тушуб қолган. Танбур ўрганиш учун онда-сонда ёнингизга бориб турсалар...

Ҳожи Раҳимберди Мирзо Меҳтарнинг мақсадини тушуниб...

— Бажонг дил, доим уйдаман, вақт топиб келиб турсинлар, — дейди ва хайрлашиб уйига кетади.

Абдулазиз хурсанд бўлганлигидан уйига қандай кириб келганлиги ва онасининг олдига дастурхон ва овқат келтириб қўйганлигини ҳам сезмай қолган эди. Қулоғида ҳамон Ҳожи Раҳимберди танбурнинг пардалари ҳамда ноҳун остида таралган дилрабо наво оҳанглари жараглар, ҳаёлини эса бу ажойиб танбурчидан турли куйларни тез-тез эшитиб туриш, унинг қўлида тилга кириб жолланадиган чолғу асбоби сирасорининг тагига етиб устози каби чала олиш, ёқимли куйлар билан кишиларга завқ бахш этишга муяссар бўла олиш сингарини ширин орзулар банд қилган эди.

Абдулазиз эртасигаёқ Ҳожи Раҳимбердининг уйига боради.

Ҳожи Раҳимберди Чорраҳада, Норқул самоварчининг яқинидаги кичкина, лекин шипамгина ҳовличада истиқомат қиларди. Абдулазиз олди покиза қилиб супурилган ва сув сепилган икки тавақали, ўймакор дарвозани тақиллатиши билан уйдан ўнгун бир яшар бир бола чиқади. Абдулазиз ундан Ҳожи Раҳимбердининг уйда бор-йўқлигини сўрайди.

— Ҳа, ҳа, уйдалар, марҳамат! Қани, меҳмонхонага киринг, мен ҳозир отамни чақириб чиқаман, — деб ичкари ҳовлига кириб кетади бола.

Дам ўтмай Ҳожи Раҳимберди ичкари ҳовлидан чиқиб, меҳмонхонага киради. Абдулазиз билан сўрашгандан кейин, унинг бирорта чолғу асбоби билан ҳам машғул бўлган-бўлмаганлигини суриштиради, кейин бевосита танбур тўғрисида сўз бошлайди. У, танбур сўзининг хилма-хил маъноларини, бу асбобнинг Ироқ, Ҳиндистон, Қашқар ва Ўрта Осиё халқларининг кўпчилигида борлигини, ҳажми ҳар хил катта-кичикликда бўлишини, қанақа ёғочлардан ясаллишини, чолғу асбоблари ичида мақом йўлларини янглишсиз бир текисда олиб борадиган энг дилрабо бир асбоб эканлигини завқ-шавқ билан гапирди, кейин у шипга осиглиқ икки танбурнинг биттасини олиб Абдулазизга унинг пардаларини кўрсатади, сўнгра пардаларида чертиш йўлларини ўргата бошлайди.

Мана шу зайлда бошланган ҳақиқий ва системали музика машғулотлари уч йилга яқин давом этади. Абдулазиз дастлаб устозидан сингил рақс куйлари, лапарлар, турли чолғу йўллари, мақомнинг мушкilot қисми — гардун, тарже, мухаммас сингари ҳажми кичик куйларни ўргатади, уларнинг усулини ўзлаштиради. Бу хилдаги машғулотлар икки йилга яқин давом этганди. Шу давр ичида у айрим халқ терма қўшиқларини, давра қўшиқларини ҳам айта бошлайди. Секин-аста у устозига эргашиб тўй-томошаларга, чойхоналарга чиқиб туради. Ниҳоят, устоз ва шогирд биргалашиб қўш танбурда чолғу куйларини, ҳофизларга ашула, қўшиқ йўлларини чалиб жўр бўладилар.

Ҳожи Раҳимберди уч йилдан кейин, яъни ўз вафотидан бир ой олдин Абдулазизнинг мустақил чолғучи бўлганлигига, машқ йўлларидаги бир нечасини беками кўст, шохобчалари билан тўғри усулда мустақил чала билишига ишонч ҳосил қилгач, бир қанча созанда-ю хонадалар даврасида унга фотиҳа беради.

Шундай қилиб, Абдулазиз йигирма ёшлигидаёқ моҳир созанда, чолғучи сифатида танила бошлади.



Абдулазиз солиқ тўплаш маҳкамасидаги ишларидан бўш вақтларида Норқулнинг чойхонасига тез-тез чиқиб туради. Унинг бир танбури доимо чойхонада осиглиқ бўлиб, истаган пайтида чиқиб уни чалар, баъзида қўшиқлар ҳам айтарди. Одамлар Абдулазизни тўй-базмларга таклиф қилишар, меҳмондорчиликка чақиришарди.

Бир кун Абдулазиз танбурини ғилофидан чиқариб машқ бошлаганида чойхонага ўрта бўйли, қирра бурун, кичкина мўйловли киши кириб келади. Бошига ироқи дўппи кийган, устидан каштали шоҳи қийиқ боғлаб олган бу одам Оқилхон номли таниқли дуторчи эди. Унинг ота-боболари ҳам дутор ясайдиган уста ва маҳоратли дуторчи созандалардан бўлган. Шунинг учун ҳам у бирор янги санъаткор, айниқса ўзига ўхшаган чолғучи овозасини эшитса, дарҳол у билан танишиб дўстлашишга ошиқар эди.

Оқилхон Абдулазиз тўғрисида Норқул, Ҳожи Раҳимберди, Мирзо Меҳтар ва бошқалардан эшитган бўлса ҳамки, шахсан танишишга улгурмаган эди. Бугун у бу ерга, атайин Абдулазиз билан учрашгани келганди.

Оқилхон ўтирганларга салом бериб, тўғри Норқул самоварчи ёнига боради ва у билан узоқ ҳол-аҳвол сўрашади. Норқул уни бошлаб Абдулазиз ўтирган жойга келади.

Абдулазиз билан Оқилхон мулойим кўришиб танишадилар.

Норқул самоварчи дутор келтириб, Оқилхон қулига тутқазади. Биринчи бор учрашган икки чолғучи — дуторчи Оқилхон ва танбурчи Абдулазиз ўз чолғу асбобларининг соз-носозлигини бир бор қараб чиққанларидан сўнг бирин-кетин беш-олтитадан

машқ қилишади. Машқлар тугагандан кейин Оқилхон Абдулазизга:

— Мана, бу дутор билан танбур иккаламизни таништириб ҳам қўйди. Энди бизнинг самоварга бориб турсангиз кўп яхши бўларди. Агарда вақтингиз бўлса, сизни янаги жума куни кутамиз, — деб хайрлашиб, самовардан чиқиб кетади.

Жуда кўп чолғучи-машшоқларни кўрган ва улар билан бирга кўй чалган Оқилхон, ҳар бир созанданинг чолғу навосини эшитиш биланок унинг истеъдоди, маҳорати, диди ва санъатига баҳо бера оларди. Бу учрашув Абдулазиз ҳақидаги мақтовларга сннов бўлди. Оқилхон бу илк мулоқотдаёқ Абдулазизнинг санъатга зўр қобилияти борлигига ишонч ҳосил қилган эди. Акс ҳолда у, самоварга атайлаб келмаган бўларди. Оқилхоннинг Абдулазизга бўлган иштиёқини Норқул самоварчи ҳам пайқаган эди, шу сабабдан Абдулазиз кечга яқин уйига кетмоқчи бўлганда:

— Оқилхон аканнинг самовари ҳам жуда обод, кўркем, аҳли саз йиғиладиган жой, бориб турсалар ёмон бўлмасди, — деб яна бир бор уқтирди.

Хуллас, Абдулазиз мусиқа садолари янграб турадиган хушовоз ҳофиз ва машшоқлар давра­сидан ўзига муносиб ўрин топиб дўст, биродар ва ўртоқлар орттира бошлайди.

АБДУЛАЗИЗ ВА БОРУХИ ҚАЛҲАҚ

Ўзининг дастлабки ижрочилик қадамини халқ оғзаки музика ижоди ва сўнгра классик музика мақоми билан бошлаган Абдулазиз — бутун ҳаёти давомида мана шу битмас-туганмас мерос билан машғул бўлди. Ёш ҳофизнинг мусиқа бобидаги ранг-баранг фаолиятига назар ташласак, баландпарвоз безаклар, ўринсиз жимжимадорлик, маантиқсиз, суяқ мазмунли шеърлар, биргина меҳмонхона базмлари ва тор доираларгагина яроқли сохта сўз ўйинлари билан «ясалган» сийқабанд қўшиқлар, айниқса мистик асарлар унга мутлақо ёт эканлигини кўрамиз.

Лекин шунч ҳам эслатиб ўтиш керакки, ҳофиз санъатга дастлабки қадамларини қўяётган даврда, XIX асрнинг иккинчи ярмида диний-мистик адабиёт музика санъатига ҳам анча таъсир ўтказиб турар эди. Фарғона «катта ашула»ларининг айрим қисмларидан диний-мистик шеърлар ўрин олган эди. Хонақо­ларда, зикрларда Аҳмад Яссавийнинг диний-реакцион мазмундаги шеърларига куйлар басталанарди. Абдулазиз яшаган Самарқанддаги бир қанча хонақолардан бундай мистик муно­жотлар эшитилиб турарди... Улардаги мотивлар навқирон кучларни узлатга бошлаб, одамлар қалбидаги куч ва қудратни бўғиб сўнди­рарди.

Бўлажак машҳур ҳофиз, созанда ва бастакор Абдулазиз бу мистик йўлнинг ҳақиқий халқ ижоди йўлига зид эканлигини ўз вақтида англаб олган эди. Абдулазиз руҳонийларнинг муно-

фиқлигини билар, улар томонидан уюштириладиган мудҳиш ва қабиҳ ҳаракатнинг шоҳиди бўлган эди.

Абдулазиз Норқул самоварида Оқилхон билан танишгандан сўнг бир ҳафта ўтгач, Оқилхон аканинг Хўжа Аҳрор намозгоҳи яқинидаги самоварига боради.

Хўжа Аҳрор намозгоҳи шаҳарнинг жанубида, тўрт чақирим узоқликда жойлашган йирик ибодатхоналардан бири эди. Бу намозгоҳ шайх Убайдулло Хўжа Аҳрор қабри олдида қурилган катта намозгоҳ ҳисобланарди. Бу намозгоҳ хилма-хил бўёқли ажойиб нақшлари, ҳашаматли кўриниши, салобатли пештоқи ва бошқа шунга ўхшаш манзаралар билан динга сифинувчилар диққатини ўзига қанчалик жалб қилмасин бари бир юзлаб, минглаб кишиларни бошпанасиз қолдирган, очлик ва яланғочликка маҳкум қилган, кишилар бошига қаншоқлик келтирган, заҳарли ҳодисалари билан инсонлар бошини айлантирган бир жой эди. Мадрасанинг чап ва орқа томонидаги катта қабристонда шайхлар ва уларнинг муридлари дафи этилган эди.

Абдулазиз мақбаранинг кенг намозгоҳи саҳнида ўша давр учун одат бўлган жума намозини кўп қатори ўқигандан кейин хонақони кириб кўради.

Бу қоп-қора бинонинг сирли ичи, хонага кирган ҳар қандай кишини ўзининг салобати билан итоаткорликка ҳамда тиз чўкишга мажбур этаётгандай туюларди. Хонаи ичиндаги «тиқ» этган овоз метиндек қаттиқ ва қалип деворларга бориб етгач, акс-садо бериб, янада зўрай ва анча маҳалгача эшитилиб турар, сўнгра секин-аста тинча бошларди.


Хонақога дастлаб қўлидаги тасбеҳини айлантира-айлантира шайх ва унинг ўнга яқин муриди киради. Узоқ-яқиндан келганлар эса, аввал икки чети пишиқ гишт билан одам бўйи кўтарилган йўлкадан юриб, қатор ўтирган йиртиқ-ямоқ кийимли гадолар олдида ҳар хил «пазр-пиёзлари»ни ташлардилар, ундан кейин қабристонга бориб зиёрат қилишгач, хонақога кирардилар.

Хонақога кирганлар ўртада айлана шаклида ўтириб, ҳалқа шаклини ясайдилар, ҳалқадан ташқарида ўтирган ҳофизларнинг бири шайхнинг имоси билан ҳалқага яқин келади, қўлини юзига пахса қилиб, мунгли оҳангларда ҳар хил мистик шеърларни баланд авжлардан бошлаб айтадилар.

Бир чеккада уларни эшитиб турган Абдулазиз: «Эссиз шундай баланд овоз, эссиз мақомнинг дилрабо куйлари» деб ичида таассуф билдиради. Сўнгра ҳалқадагилар ҳофизнинг хониш усулига тушшиб, «ҳа-ҳа» деб бошларини гоҳ пастга, гоҳ ўнга ва чалга тебрата бошлайдилар.

Бу — зикр тушиниш деб аталади.

Зикр тушиниш янада авжига чиқади. Динга кўр-кўрона ишонган музикачилар томонидан яратилган ҳазин куйлар, нажотсизлик мотивлари одамларни порлоқ келажакка, ёрқин ҳаётга эмас, зўравонлар, бойлар, зolim ҳукмронларга қарши курашга эмас, балки уларга янада кўпроқ итоатда бўлишга чақирар эди.



Абдулазиз нафратланиб кесди: ҳалқадагиларнинг айримлари титрар, бўзарар, кўкарар, қақшар, ҳар томонга лапанглаб ҳолдан кетар ва сулайиб қоларди. Бу манзара Абдулазиз назарида ҳаракатга кирган мурдаларнинг баҳайбат ва мудҳиш рақси бўлиб туюлади.

Абдулазиз тезда хонақодан чиқади ва шу замон Оқилхон самовари томон йўл олади.

Оқилхон ака самовари хушманзара катта ариқ бўйига жойлашганди. Самовар атрофидаги чинорлар ва шохларини қуйи солиб турган мажнун толлар соясида шировазлар, нонвойлар, қозон кабобпазлар, тандир кабобпазлар хушбўй таомларини кўз-кўз қилиб харидорлар кўзини ўйнатардилар. Пулдор ейди кабобни, пулсиз кабоб тутинини.

Абдулазиз самовар атрофидаги овқат бозорига суқлана-суқлана қараб самовар ичкарасига киради-да, бир чеккага бориб ўтиради. Самовардагилар бир-бирларига, таниш-билишларига бозордаги бир кунлик саргузаштларини бир ёлгонга ўн ёлгон қўшиб лоф айтишади. Бири эшак савдосида муттаҳам бир далоладан панд еганини эсласа, бошқа бири сув устида талашиб, миробни бир уришда етти думалатганини гапирди.

Оқилхон ака самоварида бурчакда ёлғиз бир ўзи ўтирган Абдулазизни кўриб қолиб, шу заҳоти унинг олдига келади ва уни шарақлаб қайнаб турган самоварлар орқасига, кўрпачалар солиғлик озода жойга ўтқазади, олдига лаълида иссиқ нон, ширинликлар ва бир чойнак чой қўйиб:

— Бамайлихотир ўтира беринг, самовардаги ғалаговур бор йўғи бир соатлик гап, ундап кейин тиниб-тинчиб қолади, ёзилиб суҳбатлашамиз, — деб бошқа чойхўрлар олдига кетади.

Абдулазизнинг баъзи дўстлари уни мирзолик қилганлиги учун, мирзо деб чақирардилар. Оқилхон ака ҳам Мирзо Меҳтардан эшитиши бўйича уни мирзо деб атай бошлаган эди.

Ниҳоят, чойхўрлар ҳам сийраклаша бошлайди. Оқилхон ака Абдулазиз олдига тез-тез келиб, «зерикмаяпсизми?», деб қўярди. Унинг иши бир оз озайгач, Абдулазиз ёнига келиб ўтиради. Биринки пиёла чой ичилгандан кейин, тўрдаги деворга суяб қўйилган танбурни олиб Абдулазизга узатаркан:

— Бу танбур ота-бувамдан қолган табаррук. Бекаму кўст ишланган, яхши садо беради. Энди сиздан шу танбурда биринкита машқ эшитсак соз бўларди, — дейди.

Абдулазиз бир бор машқ қилгандан кейин ҳақиқатан ҳам асил танбур эканлигига ишонч ҳосил қилади. Абдулазиз иккинчи машқни эндигина бошламоқчи бўлиб турганида чойхонага узун бўйли бир киши кириб, тўғри Абдулазиз ўтирган жойга қараб юра бошлайди. У узун, йўл-йўл зангори духоба камзул, шим, бошига пилтаси чиқиб тўзиган қора духоба дўши, оёғига ранги ўчиб оқаринқираб қолган махси-калиш кийиб олган эди. Оқилхон ака Абдулазизга: — Бу киши Борухи Қалхак бўладилар, эркин

ўтириб чалаберинг, ўзларни ҳам яхши ҳофизлардан, — деб шивирлади ва кейин:

— Э, э, ака Борух, хизир йўқлагандай келиб қолганингизни қаранг! Қани тўрга чиқинг! — деб унга жой кўрсатади.

Ака Борух танбур чалаётган Абдулазизни қўли билан кўрсатиб, «Жим туринг» ишорасини қилади ва ўзи индамасдан бошини ерга қаратган ҳолда танбурдаги машқни эшитиб ўтиради. Машқ тугагандан кейин бошини кўтариб:

— Баракалло! — Ҳай-ҳай, бисёр яхши, Оқилхон! — дейди.

— Лаббай, ака Борух!

— Эшитяпсизми, нохунтиллолар қаторига яна бир нохунтилло қўшилибди-ку!

Ака Борух Бухорода ўсганлиги учун музикага доир ибораларнинг кўпчилиги қисмини Бухоро шеvasида гапирарди. Бухоролик чолғучилар одатда мақомни фақатгина танбур жўрлигида чалганлар ва шу сабабдан у жойда танбурчилар жуда кўплаб тарбияланар эди. Улар орасидаги энг машҳур танбурчилар, айниқса Бухоро Шашмақоми мушқилот йўлини мукаммал биладиган Ота Ғиёс Ғаниев сингарилар танбурни кўрсаткич бармоқларига металл нохунак киймасдан, ўсиқ тирноқлар билан чаларди. Мана шу хилдаги тирноқ ёрдами билан танбур симларини тилга киритиб чертадиган яккаю-ягона танбурчиларни нохунтилло, яъни «тирноғи олтин» ё бўлмаса «олтин тирноқли» деб юритардилар. Ака Борух ҳам Абдулазизни ана шу машҳур танбурчиларга ўхшатиб «Нохунтилло» деган эди.

Ака Борухнинг бу хилдаги таърифидан хурсанд бўлган Оқилхон ака:

— Ўзим ҳам бу мирзони яқиндагина учратдим. Учратдим-у шу заҳотиёқ самоваримизга келишларини сўрадим.

— Бисёр яхши бўлибди-да, ана энди машқу навога маст бўлиб ўтирса бўлади, — дейди ака Борух. Сўнгра у бирпас жим қолади, нималарнидир пичирлаб бошини кўтаради:

— Қани Мирзо, мақом йўлларида бирорта машқ эшитмай-мизми, — деб илтимос қилади.

Оқилхон ака Абдулазизга боши билан «чалинг» ишорасини қилади. Абдулазиз иккиланиб туради. Ака Борух яна бир хил вазиятда «Бошланг, акоси айналсун!» деб такрор илтимос қилади. Шундан кейин Абдулазиз «Муҳаммаси Рост» куйини чала бошлайди. Ака Борух бирпас эшитгандан кейин, олдидаги патнисини ширинликларини дастурхонга тўкиб қўлига олади ва шу чалинаётган «Муҳаммаси Рост» куйининг усулини бармоқ учига чертиб туради. Абдулазиз унинг бу мураккаб усулни ҳеч адашмасдан бурро-бурро ва бир текисда чалаётганлигидан ҳайратда қолади. «Танбурчининг ҳассаси усул» деганларидек, Абдулазиз куйни тобора завқ-шавқ билан чалишда давом этади. Куй тугалланиши билан Ака Борух бошқа бир усулга ўтади, сўнгра шоир шамси Табризнинг шеъри билан айтиладиган «Уфари Рост» қўшиғини айта бошлайди.

Назди арбоби ҳунар мойи имон адаб аст,
Ложарам пешан мардони сухандон адаб аст.
Одамизоде агар бездаб аст одам нест,
Фарқи мобайни бани одаму ҳайвон адаб аст.

Кардам аз ақл саволе, ки бигу имон чист?
Ақл бар гуши дилам гуфт, ки имон адаб аст.

(Илму ҳунар арбобларига қилинадиган энг яхши
совга ахлоқдир,
Демак, илм арбобларига ҳам ахлоқ даркордир.
Ахлоқсиз киши инсон эмас,
Чунки инсон билан ҳайвоннинг фарқи ахлоқдир.

Ақлимга мен «имон нима?» деб қилдим савол,
Ақл эса «Имон — бу ахлоқдир» деб қилди жавоб)*.

Ака Борух «Уфори Рост» ни жуда баланд пардалардан,
яъни танбурнинг ўн еттинчи билан йигирманчи пардаси орали-
гида айтиладиган жойдан бошлаган эди. Бундай баланд ва
кучли овозин Абдулазиз биринчи марта эшитганлиги учун
бўлса керак, Ака Борухга ҳайрат билан қараб қолади.

Қўшиқ тугагандан кейин Ака Борух Абдулазизга мамнун
бўлиб қарайди:

— Устозингиз ким?

— Ҳожи Раҳимберди.

— Ҳа, ҳа, ҳа. У киши устозода. Бухоролик мақомдон танбур-
чи Тиллохондан таълим олган. Насиб бўлса энди учрашиб тура-
миз, — деб ўрнидан туради ва тўғри эшикка қараб кета бош-
лайди. Ўтирган шинавандалардан бири:

— Ака Борух, яна битта эшитмадик-да, — деганида у
қайираллиб ҳам қарамай:

— Шакарнинг ози ширин! — деганича чиқиб кетади.

Ака Борухни кузатиб келган Оқилхон ака Абдулазиз ёни-
га келиб ўтиргач бир лаҳза сукутга чўмади. Сўнг:

— Ака Борухни, — дейди Оқилхон, — яҳудийлар орасида
Борухи Калхак деб юритишади. У асли Бухорода туғилган.
Баланд овози билан ёшлигидаёқ ҳаммани ҳайратда қолдирган.
Улғайгандан кейин унинг гоятда баланд овозли ашулачи сифа-
тидаги шухрати амир Музаффархонга бориб етади. Амир уш
олдига чақиртириб, «Сени суфи қилиб тайинласа бўларкан,
бу баланд овозинг билан Бухоро шаҳридаги барча номозхон-
ларни бир зумдаёқ оёққа турғизардинг» деб мажбуран ислом
диниға киргизади. Муллолар йиғилишиб уни бўйро устига ўт-
қазишади, қўлиға қуръон тутқазиб мусулмон динидан қайтмас-
ликка қасам ичкизишади. Шундай қилиб, Ака Борух 3—4 йил
мусулмон бўлиб юрса ҳамки, лекин хаёлида қачон бўлса ҳам,

* Тожиқчадан таржима авториники.

ўз динига қайтиш пиятида эди. У Амир хизматида хўрланади, онласи хароб бўлгач саройдан қочади, уни тутиб зиндонга ташлайдилар, сўнгра яхудий аҳолисининг моддий ёрдами билан катта пул эвазига қутқарилиб, охири Самарқандга қочиб келади. Мана бир-икки йилдан буён бола-чақаси ғамини горта-торта кўкнор ичадиган бўлиб қолди. Бироқ, ўзи тенги йўқ ҳофиз, ашулани жуда ширалик қилиб айтади,— деб оғир хўрсиниб қўяди, Оқилхон ака.

Кейин, у орадаги ғамгин кайфиятни йўқотиш мақсадида дуторда 4 — 5 та машқ қилади, бу машқлар орасида ғамгини ҳам, кўтаринки руҳдаги шўх куйлар ҳам бор эди.

Абдулазиз Оқилхон аканинг дутор чалишидан мол бўлиб:

— Оқилхон ака, менга ҳам бирорта дутор топиб берсангиз, ўрганардим,— дейди. Оқилхон ака қўлидаги дуторини шу заҳотиёқ узатади:

— Мана Мирзо, шу дуторни ола қолинг! Уйда яна бошқаси бор.

Лекин Абдулазиз, айтган гапига пушаймон қилиб, нима дейшини билмай қолади. Чунки Оқилхон ака билан иккинчи бор учрашиши эди, шу сабабдан у кишининг ҳазилкашлигиниям, кинояғўйлигиниям ёки мардлигиниям тушунмасдан, хижолат чекиб ишдамай ўтирганида, Оқилхон ака жиддийлашиб:

— Мирзожон, чолғу асбоби тўғри келган ҳар кишига ҳам совға қилина бермайди, унинг қадрига етадиган, ундан бирор ёқимли садо чиқариб, одамлар кўнглини хушнуд қилишга қурби етадиган ҳамда шу асбобни хор қилмайдиган кишига, яъни санъатнинг сизга ўхшаган заршуносларига ҳадя қилинади. Ола беринг, тортинманг Мирзо! Сиз учун бу совға, совға ўрнида ўтмас ҳамки, Оқилхон акангиздан бир ёдгорлик сифатида қоларку,— дейди.

Абдулазиз шундагина Оқилхон аканинг бундай муомилаши ҳар қандай кишига қилмаслигини, одамларнинг фарқига боришини, бу совға самимий дўстлик ифодаси эканини англади.

Чойхонада ўтирган чойхўрлар, айниқса, Оқилхон аканинг одатини яхши биладиган кишилар ҳам бирин-кетин: «Ола қолинг... Оқилхон акани хафа қилманг!»— дейишади. Абдулазиз дуторни олиб, кўндан-кўн миннатдорлик билдиради.

* * *

*

Самарқанднинг шарқи жанубидаги Сўзангарон (Игначилар) ва Дегрезон (Қозон қуювчилар) маҳаллаларининг номи у ерда яшовчиларнинг касбини кўрсатиб турарди.

Бу маҳаллалар Омон Кўтон тоғининг икки чақирим баландликдаги Тахта Қарача довопида Китоб, Шаҳрисабз, Ғузор, Қарши, Термезга борадиган катта ва серқатнов йўлнинг икки четида жойлашганди. Бу йўл устида косибларнинг хилма-хил паст-

баландликда солинган қатор дўконлари бўлиб, йўловчилар ўзларига лозим бўлган буюмни харид қилишарди.

Қўпинча кечки пайтларда бу дўконлардан хилма-хил ашула, қўшиқ ва машқу наволар эшитилиб турарди. Айниқса дегрез (қозон қуювчи косиб-уста) Хушкомил укаси уста Муқим билан танбур, дуторда журнавозлик қилиб ўтирардилар. Хушкомил дегрез эса Ҳожи Абдулазизнинг 1965 йилда вафот этган погирди, дуторчи Қори Сирож Юсуповнинг бобоси эди.

Хушкомил билан Уста Муқим олдига Ҳожи Раҳимберди танбурчи, дутор чалувчи Эшон Раҳматхўжа кавшдўз ҳам тез-тез келиб туришар, баъзида улар халқ орасида кенг маълум бўлган хилма-хил терма, йирик формали чолғу куйлари ва мақомнинг айрим йўллари ҳамда баъзи бир ашула ва қўшиқ йўлларини қўшилишиб чалишарди.

Ҳожи Раҳимберди ҳаётигида Абдулазиз устаси билан икки-уч марта келиб уларнинг қўшилишиб чалишларини эшитганди. Айниқса, ўша пайтларда Эшон Раҳматхўжа дутор чалганда ҳатто елкасини ҳам қимирлатмаслиги ва куйларни ниҳоят ўйноқ қилиб снгил чалиши билан Абдулазизни ўзига мафтун қилган эди.

Абдулазиз Оқилхон аканинг дуторини олган куннинг эртасигаёқ Эшон Раҳматхўжа олдига боради. Ҳар қандай киши ҳам дидига ёқа бермайдиган зиқна дуторчи, одати бўйича Абдулазизни ҳам совуққина қарши олади. Абдулазиз Раҳматхўжанинг қўполлик билан қарши олишини биларди ва нима бўлса ҳам, унинг қалбига йўл топиш, таълим олиш йўлида бардош бериш кераклигини кўнглига тугиб келганди. Абдулазиз одоб билан шундай дейди:

— Устоз, мана шу дуторни сизга кўрсатгани келган эдим.

Раҳматхўжа созанда бўлгани учун учраган ҳар бир чолғу асбобни, айниқса дуторни бир марта бўлса ҳам қўлига олиб чалиб кўрмаса кўнгли тинчимасди. Шунинг учун авзойини сал ўзгартриб:

— Қани, кўрсат-чи! Бу Оқилхон самоварчининг дуторигу, — дейди дуторни қўлига олиб, суқлана-суқлана қарагандан кейин.

— Ҳа, худди шундай. Менга ўрганиш учун бердилар.

— Яхши дутор. Яна синдириб қўйма.

У дутор косахонаси, дастаси, бўғузига ўрнатилган суяк нақшлари, пардаларида гулдор қилиб ётқизиб терилган ва ярқираб турган садафларга қайта-қайта қараганидан кейин, — Оқилхоннинг раҳматлик отаси бу дуторда чалганида ўликларни ҳам тилга киргизарди, — деб чуқур нафас олиб қўяди.

Абдулазиз Раҳматхўжанинг бир оз бўшашиб шаштидан қайта-қайта кўриб мақсадини айтди.

— Устоз, мен олдинлари ҳам танбурда сал-пал чалиб юргандим, энди дутор чалишни ҳам ўргансам деб, олдингизга келиб эдим.

— Сен илгарилари Ҳожи Раҳимберди устоздан таълим олардинг шекилли?

— Шундай устоз. У кишидан уч йил таълим олдим.

— Раҳматлик, баҳоси йўқ устоз эди. Майли, устознинг ҳурмати учун келиб турарсан.

— Ташаккур, устоз, ташаккур!

— Шуни билиб қўйки, мен унақа ҳар хил тўйларда, масхара-бозлар даврасида майда чақа тўплаш учун чалинадиган бачкана куйларни ёқтирмайман ва чалмайман. Устознинг мақомдон бўлган, сен ҳам дуторда мақом йўллариини ўрганиб келиб чалсанг, кам-кўстини кўрсатаман. Яна шуни эсингда сақлаки, шу пайтгача бирор чолғучи мақомни дуторда чалгани йўқ ва чалолмайди ҳам. Агарда сен бу ишга астойдил бел боғласанг, биласанми, қанақа янгилик яратган бўлардинг. Бизлар, афсуски, қариб қолдик, созандалар мақомни танбурдан бошқа асбобда, яъни масалан дуторда чалса бузилади дейишади. Бўлмагур гап. Моҳир созанда ҳамма асбобларда ҳам яхши чала беради. Гап билимда ва моҳирликда. Сенда иштиёқ зўрга ўхшайди, бир уннаб кўрчи, зора эп-лаб кетсанг, демоқчиман-да.

Абдулазиз Раҳматхўжанинг маслаҳатини тушуниб:

— «Хўп бўлади, устоз. Айтганингиздай уннаб кўраман, — дейди.

Шундан кейин Раҳматхўжа дуторни қўлига олиб созлайди. Куйларни йўлига қараб қўштор, яккатор созида чалиш кераклигини айтади, чалганда ўнг қўл бармоқларини дутор қопқоғига тегизмасликни кўрсатади, кўз сузиб, елка учириб ҳуда-беҳуда ярашмаган қилиқлар қилмасликни уқтиради, ўзини синоҳ тутуш, фақат лозим бўлганида чалиш кераклиги каби бир қанча қимматли маслаҳатлар бергач, Абдулазизни тапқарига кузатиб қўяди.

Абдулазиз танбурчи Ҳожи Раҳимберди ва дуторчи Раҳматхўжа билан ўтказган бир неча йиллик машғулотири туфайли бир талай ўзбек, тожик халқ куйларини бекам-кўст чаладиган ва ўз замонасида кенг тарқалган хилма-хил характерли ашула, қўшиқ ва ялаларининг кўпчилиги қисмини жозибадор ва таъсирли қилиб айтадиган бўлди.

Энди у ёш ҳаваскор ёки устози кетидан эргашиб юриб дутор чаладиган ёки қўшилиб ашула айтадиган шогирд эмас, балки тўғри усул, кетма-кет келадиган ҳар турли шохобчалари билан тўла формада чалиш ва айтишга қурби етадиган ижрочи даражасига етган эди.

Уннаб атоқли хонанда-ю созандаларга эга бўлган Самарқанддек шаҳри азим унга тан бера бошлаган эди. Тўй-томоша ёки бирор йигин ўтказадиган ҳар бир киши даврада Абдулазиз бўлишини орзу қиларди.

Умуман, ҳар бир даврада, ҳамманинг оғзида янги чиққан ёш дуторчи ва ҳофиз Абдулазиз овоза бўлганди. Шунда у тахминан йигирма беш ёшларда эди.

АБДУЛАЗИЗНИНГ САЁҲАТИ

1880 йил қиш фасли. Шу қишнинг совуқ кунларидан бирида ҳашаматли меҳмонхонада Самарқанднинг бир неча эшон, уламо ва бойлари, мансабдорлари яна бир неча ҳафтадан кейин бўладиган сафар режасини тузиб ўтирардилар. Улар орасида 15-20 киши Маккага — ҳажга боришга тайёргарлик маслаҳатини қилар ва ҳожи деган номни олиб шўҳрат қозонишни ўйларди. Даврага Абдулазизни ҳам чақиртиришган бўлиб, уни сафарда ашула, дутор ва танбур билан хурсанд қилиб юриши учун ўзлари билан саёҳат қилишга қистайдилар ва уни зўрга кўндирадилар.

Абдулазиз бу саёҳатдан мутлақо бошқа мақсадни кўзларди, у зўр эҳтирос билан ўқиган «Минг бир кеча» эртакларида ажойиб саргузаштлар тасвирланган араб мамлакатларининг ўзига хос ҳаёти, табиат манзараси, у ердаги қадимги шаҳарлар, ёдгорликларни кўришни, йўл-йўлакай Хўжа Ҳофиз, Умар Ҳайём, Жомий, Мирзо Бедил сингари улў сиймолар тугилиб ўсган ўлкаларда бўлишни, уларнинг ғазал ва рубойлари, дoston ва мухаммасларига басталанган ашула ва қўшиқларни, ҳар турли чолғу асбоблари овозини эшитишни, бу ашула, қўшиқ, чолғу кўйларининг ижрочиларини яқиндан кўришни, умуман бу ўлкаларининг музика маданияти билан танишиш ва ундан баҳраманд бўлишни орзу қиларди.

Хуллас, Абдулазиз боришга рози бўлиб йўлга тайёргарлик кўра бошлайди. Боришдан олдин, у Оқилхон ака, Норқул самоварчи, устози Раҳматхўжа ва бошқа кўнгилга яқин кишилар билан қайта-қайта маслаҳат қилади, оиласи учун керакли заруриятларни тайёрлаб уларни хотиржам қилади.

Рўза ойн қишнинг қаҳратон кунларига тўғри келди. Бунақа қаттиқ ва айниқса камбағаллар бошига кўп кулфатлар келтирган қишнинг чоллар бу яқин йилларда бўлганлигини эслай олмасдилар. Қор бир неча кун сурункасига устма-уст ёғиб тор кўчаларда ғарам-ғарам уюлганди. Усти сомон лой билан сувалган томлар кунига 2—3 марта қуралар, қорлар от, эшак арава, ғалтак ва замбарларда ташилиб туради.

Абдулазиз отасидан қолган хароба кулбанинг томини кураб настига тунади-да, кейин ҳовли ўртасида ўйланиб қолади. У дутор машқига қизиқиб, қарийб бир ойдан буён Мирзо Меҳтар олдига бормай кўйганди. Белбоғига ҳар хил совға-саломлар тугиб уни-кига йўл олади.

Абдулазиз Қўқмасжид кўчаси йўлакларининг бирига чиқади ва катта арава йўлини кесиб ўтиб, тўғри ҳаммомга боради. Бу ҳаммом чуқур ер остига солинган бўлиб, иссиқхона, совуқхона ва яна бошқа ҳар хил хоналарга эга бўлиб, у, гўлаҳда ёқиладиган янтоқ, гўзапоя ва шунга ўхшашлар билан иситиларди.

Абдулазиз чуқур зинапоядан тушиб ҳаммомга киради. Унг томондаги баланд сўрига қий-қизил туркман гиламлари, духоба ва атлас кўрпачалар солинган. Ўртада сандал, атрофида ҳам-

момдан чиққан бойваччалар шалғомдай қип-қизарган юз-бўйинларидаги терларни артишиб, ҳаммом гўлаҳида пиширилган ёғлик, димлама иссиқ шўрвани оппоқ патир билан ичиб ўтирардилар.

Чап томондаги ганчдан ясалган сўрида, лўнги ўраган ва баданларидаги тернинг қуришини кутиб турган ўнтача киши бошини қуйи солган ҳолда «Биз ғариблар мушқилини ўзинг осон қил!», «Бола-чақаларимизни бу қаҳратон қишдан эсон омон чиқазгин, парвардигор!» деб пичирлардилар. Баъзилари эса бойваччалар ўтирган сўридаги иссиққина сандалга, косадан буғи чиқиб турган иссиқ шўрвага, дастурхондаги оппоқ нонларга зимдан қараб қалтираб ўтирардилар...

Абдулазиз кўришини билан бойваччалардан бири:

— Э, аттанг, бу ер ҳаммом бўлмаганда, гизиллаб дугорни олиб келтирардик-а, — дейди.

Абдулазиз унинг кинояли сўзларига парво қилмасдан бир чеккада якка ўзи оғир нафас олиб ўтирган ходим олдига боради. Чарчаб ҳориган ходим бошини зўрға кўтариб Абдулазиз билан кўришади, «Меҳтар бормилар?» деган саволига нидамасдан бош қимирлатиб, «Бор» деган ишорани қилади, яна сукутга чўмади.

Абдулазиз чап томондаги пастак эшикдан ҳаммомнинг ювинди сувлари тўкиладиган торгина йўлакка (партавга) чиқади. У қамиш, янтоқ, гўзалоя ғарамларидан ўтади ва кўлмак ёнидаги қор остида қолиб кетган бостирма эшигини қоқади. Ичкаридан йўтал аралаш «Қиринг!» деган овоз эшитилади, Абдулазиз эғнидаги қорларни қоқиб ҳужра ичига киради.

Шин ва деворлари қурумдан қоп-қорайиб кетган ҳужранинг ичи аччиқ тутунга лиқ тўлганди. Ҳужра ўртасида сепоя турарди. Унинг устидаги чўли маиқалда тутаётган қайрағоч тол, терак аралаш дарахтларнинг ҳўл кундачаларидан чиқаётган тутун кўз, бурун, томоқни ачиштирар ва димоққа уриб йўталтирарди. Ҳужра тўғрисида ерга кўмилган тўртта ҳачча (айри)нинг устида қатор ётқизиб терилган ходалар устида увадаси чиққан бўз кўрпа билан ёстиқ аранг кўрипарди.

Мирзо Меҳтар зах ерга тўшалган эчки терисининг бурдаланган пўстаги устида оёқларини йиртиқ кўрпачага ўраган ҳолда тутаётган гулханга қўлларини иситиб ўтирарди.

Меҳтар Абдулазизни кўриши билан ўрнидан турмоқчи бўлади, аммо Абдулазиз тездан унинг олдига боради ва тургани қўймасдан қўл бериб кўришади. Меҳтар чорпоядаги увадани кўрсатиб:

— Мирзожон, ўзинг олиб сола қол! — дейди.

Абдулазиз чордопа қургач, белбоққа ўроғлик таомларни Меҳтар олдига очиб қўяди.

— Ота, бу қаҳратон қиш сизни анча қийнаб қўйганга ўхшайди.

— Бу ҳам яратганининг хоҳиши, ундан болиб бўлармиди.

Ҳаммаси майли-я, лекин рӯзанинг бу қаттиқ қиш билан қўшилиб келиши ноқулай бўлди-да, ўғлим. Мана рӯза бошланганига йигирма кун бўлибди: на тўй, на томоша. Бозори шабга чиқиб азонгача сурнай чалишга кучим ётмай қолди. Шунисигаям шукур, яна ўн кундан кейин ризқу-рўзимизни берадиган кунлар бошланиб, ишимиз юришиб кетар.

Сухбат давомида Меҳтар Раҳматхўжа билан бораётган дутор машғулотларининг тафсилотини, Абдулазизнинг уй-ичини ва шахсий ҳаётига алоқадор яна бир қанча саволларни бериб турди ва охирида:

— Қайси мақомлардан машқлар ўргандингиз?

— Сегоҳ мақомининг мушқилот қисмидаги Гардунни.

— Мушқилотларнинг таснифларини ташлаб Гардунидап бошладиларингизми?

— Устознинг кўрсатгани шулар-да.

Мирзо Меҳтар юрагида бор гапларни айтгиси келмай, нима-лариндир яширарди, чунки у мақом машғулотлари тартибини яхши билар, бу соҳада жуда кўп устоздаларни кўрган ва таълим олган эди. Аммо Раҳматхўжа тутган йўл бошқаларникига ўхшамаса ҳамки, ҳар қалай Абдулазизни мақомга тобора яқинлаштирар ва уни ўзинга кўпроқ жалб қилиши мумкин эди.

— Мирзо, сиз ўрганаётган йўллар мақомга кирадиган парчалар, холос. Ҳали жуда кўп нарсани ўрганишга тўғри келади.

— Ота, ахир мен мақомларнинг кўпчилигини ўргандим-ку,— дейди Абдулазиз.

Меҳтар ошиқмай нонни синдиради, кундачалар орасида қайнаб турган қоп-қора чойжўшдан иккита пиёлага қайноқ сув қуяди, кейин кулимсираб Абдулазизга жавоб қайтаради:

— Сиз ҳали мақомни бошлаган ҳам эмассиз, унинг кичик шохобчаларини ўрганаёйсиз холос, унинг ҳақиқий танасини Бухорода биладилар. Мақомни охиригача ўрганиш учун камида умрнинг ярмини унга бағишлаш лозим бўлади. Уни тугал биладиган ҳофиз ёки машшоқ бори-йўғи иккита ёки учта.

— Ахир сиз-чи? Уни сиз ҳам тугал биласиз-ку.

— Мен фақат сурнай йўли билан чалинадиган мақом усулларини биламан, у ҳам бўлса чала-чулпа. Мақомнинг мушқилот деган чолғу йўли ҳамда Сарахбор деган ашула йўллари борки, уларга уч юзга яқин кўй киради. Устозларнинг айтишига қараганда Арабистон ва баъзи мамлакатларда мақомни уд деган қадимги асбоб билан чалар эмишлар. Болалигимда бир марта эшитган эдим. Жуда оромбахш асбоб.

Абдулазизнинг Мирзо Меҳтар олдига келишдан мақсади биринчидан унинг ҳол-аҳволидан хабар олиш бўлса, иккинчидан бўлажак узоқ сафари тўғрисида маслаҳатлашиш эди.

Абдулазиз пиёладаги чойни ичиб бўлиб:

— Ота, мен олдингизга бир маслаҳат билан келган эдим.

Шаҳримиздан 10—15 киши узоқ сафарларига мени ҳам олиб кетишмоқчи, — деди.

Мирзо Меҳтар ўнгайроқ ўтириб олади, унинг кўз олдида болалигида аранг эсида қолган узоқ элатлар, қишлоқлари, унинг томлари, биргалашиб куча чангитиб юрган болаларнинг юз қиёфаси бирма-бир ўтади. Унинг аламзада сўлғин юзлари, нурсизланиб киртайган кўзларида аллақандай ўзгариш пайдо бўлади, у дона-дона қилиб шундай дейди:

— Ўзингиз нима дейсиз, бормоқчимисиз?

— Ҳозирча бирор қарорга келганим йўқ. Онам касалманд, бунинг устига ёш келинчак. . . Хуллас, маслаҳатингизни билмоқчи эдим.

— Шунинг билан, бу ҳолдаги саёҳат кишига камдан-кам nasib бўлади. Биринчидан, у хатарли ва кўн маблағ талаб қилса, иккинчи томондан, бу катта бир сабоқ бўлади. Турли ўлкалар ва халқларни кўриш, улардан яхши ибрат олиш, илм, ҳунарни ўрганиш, кейин уларни ўз болаларнинг, шогирдларнинг, ҳамшаҳарларининг ҳам мерос қолдириш ёмон бўлмайди. Агар саёҳатга чиқсангиз янги куйларга, оҳангларга, машку наволарга, шеър-ятга бой бўласиз, айтиб юрган ашулаларингиз оҳангини янги-ча жилодор қиласиз. Фурсатни қўлдан бой берманг.

Хуллас, Мирзо Меҳтар Абдулазизнинг бўлажак сафарга бориш ҳавасини орттиради ва уни эшиккача кузатиб қўяди.

Ҳаш-паш дегунча бир ҳафта ҳам ўтади. 1880 йил март ойлари бошида, йигирмага яқин йўловчига қўшилиб, Абдулазиз ҳам сафарга жўнайди.

Йўловчилар бир неча ой давомида йўл машаққатларини торта-торта охири Маккага етадилар.

Абдулазиз ҳам бошқа кишилар қатори, зиёратгоҳнинг барча урф-одатларини бажаради ва шу билан бирга турли халқларнинг музыка маданияти намуналарини синчиклаб кузатиб юради.

Зиёрат баҳонаси билан Маккага борган ҳар хил миллат кишилари орасида ашулачи ва созандалар ҳам бор эди.

Маълумки, соз билан қўшиқ, умуман, музыка одамларни бири-бири билан иноқлаштиради. Абдулазиз ўзига ўхшаган аҳли созларни учратган замон, уларнинг даврасига кирар, дутор чалар ва қўшиқлар айтарди. Ўзи ҳам уларнинг қўшиқлари, ашулалари ва ранг-баранг чолғу куйларини эшитиб дилига жойларди. Бу давраларда турли миллатларнинг тилида айтилган ва чолғу асбобида чалинган ҳар бир куй ва ҳар бир қўшиқ унинг учун бутун бир янгилик бўлиб туюларди.

Айниқса, Африка мамлакатлари — Гана, Гвинея, Уганда, Нигерия ва бошқа мамлакат халқларининг меҳнат процесси ва турли маросимлари билан боғлиқ бўлган ва араб музыка маданияти билан қўшилиб кетган жозибадор рақслари, тўхтовсиз ўзгариб ва тобора мураккаблашадиган зарблари, ритмлари, завқ-шавқ билан кескин ва бурро-бурро қилиб айтиладиган қўшиқлари Абдулазизда кучли таассурот қолдирганди. Юқорида айтиб

ўтилган халқларнинг уриб чалинадиган там-там, маримба, цан-ца, гонг, шақилдоқ сингари ҳар хил асбобларининг хилма-хил садолари уни ҳайратда қолдирганди.

Абдулазиз Ироқ мамлакатининг пойтахти Бағдодга борганида музика сапъатининг яна бошқа турлари билан танишади.

Абдулазиз турли шаҳарлар ҳар хил халқларининг музикасини, меҳнат процесси, ҳар хил маросимлар, табиат манзаралари, пок муҳаббат ва бошқа мазмунлардаги жуда кўп қўшиқларини эшитишга муяссар бўлган эди.

Масалан, арабларнинг сувсизлик, доимий ташналикни қондириш, шариллаб суви оқадиган жойларга интилиш ва тўйиб-тўйиб сув ичиш орзулари ифодаланган қуйидаги сингари қўшиқлар ҳам бор эди:

«ТАШНАМАН»

Ташнаман ҳой, гўзаллар,
Қудуқ йўли кўрсатинглар!
Ташнаман ҳой, гўзаллар,
Фонтан йўли кўрсатинглар!
Нилдан бўлса ҳамки,
Сув беринглар ҳой, қизлар.
Келтиринглар сув, ҳой қизлар,
Чанқоғимни қондиринглар!
Порлаб турар кўзларингиз
Менинг кўзим қайғуда
Азим шаҳар бу — Асьют
Узоқдан келар кемалар*

Бу хилдаги халқ қўшиқларининг оддий кишилар — ёш ҳам, кекса ҳам, ашулачи ҳам, ҳаваскор ҳам, кўчаларда кўплаб учраган гадолар ҳам куйлаб юришарди.

Абдулазиз кўпинча ана шу кўча-кўйда юрадиган сайёр қўшиқчи, чолғучиларни ва Мирзо Меҳтар айтган уд асбобини нахсан кўради, бу асбобда моҳирлик билан чалувчиларни ҳам кўриб маҳлиё бўлади...

Абдулазиз бошқа миллатларда эшитган куйларини ёдда сақлаш, сўнгра дўстларига дуторда чалиб кўрсатиш ҳамда шу эшитган араб куйларига мослаб бошқа бир янги куйларни басталаш қобилиятига ҳам эга бўлган.

Абдулазизнинг бу хусусияти тўғрисида шогирди Қори Сирож шундай дейди:

«Ҳожини акам узоқ сафардан келганларидан кейин ўз меҳмонхоналарида бўлган ўтиришларининг бирида қаторасига бир печта қўнғак айтдилар, дуторда куйлар чалдилар. У киши мана шу даврада икки-учта янги куйларни ҳам чалдилар.

Мана шу даврада чалинган куйларнинг иккитаси бизларга

* Русчадан автор таржималари.

мутлақо нотаниш эди. Айниқса менга ўхшаган яқин шогирдлари ҳам ҳеч қачон эшитмаган эди. Куйлар жуда таъсирли бўлиб, оҳанг ҳам бизларнинг чалиб ёки эшитиб юрган куйларимизга ўхшамасди. Шунда мен:

— Ҳожи ака, бу куйларни сиз бирор даврада бизга чалиб бермаган эдингиз, улар бизнинг куйларга ўхшамайдику, — дедим.

Ҳожи ака дуторни тиззалари устига қўйиб, бир оз хаёл суриб нималарнидир эслагандай бўлдилар ва кейин менга шундай тушунтирдилар:—Тўғри, бу куйларни сизлар олдин эшитмагансизлар. Бағдод кўчаларида, бозорда, растама-раста томоша қилиб юрганимда заргарлар дўконн олдида соз чалиб ашула айтиб ўтирган кўзи ожиз бир тиланчинини кўриб қолдим ва унинг қўшиқларинини анча вақт ўтириб эшитдим. Эртаси кунни унинг олдига яна келдим ва менга ёқадиган куйни чалиб беришини сўрадим. У яна ва яна чалди. Хуллас, охири шу куйни ёдлаб олдим ва дуторга мослаб чала бошладим. Бошқа бирини бўлса, Мисрда эшитиб ўрганганман. Шунинг учун уларнинг бирига «Гадойй» ва бошқа бирига «Мисрий» деб ном қўйдим».*

Ҳожи Абдулазиз ҳаётида бу хилдаги мисолларни кўн учратиш мумкин. У санъаткорлик маҳоратини тобора ривожлантириб, ҳормай-толмай ижодий иш олиб борарди.

Ҳожи Абдулазиз бу саёҳатдан жуда кучли музикавий таассуротлар билан қайтади. Ранг-баранг музикавий интонациялар, турли халқлар музикасидаги хилма-хил форма, усул ҳамда оҳанглар унинг ижрочилик услубига жило беради.

Бир кун Оқилхон ака меҳмонхонасида Самарқанддаги таниқли созанда ва хонадаларнинг ўтириши бўлади. Бу даврада Самарқандга меҳмон бўлиб келган бухоролик чолғучи ва ашулачи меҳмонлардан ҳофиз Қори Камол ва танбурчи Ҳожи Абдурахмон ҳам ўтирганди. Даврада саркарқандлик чолғучилар, ашулачи ва қизиқчилар меҳмонга ўз санъатларини кўрсатадилар, ҳар хил қатор машқ чаладилар, қўшиқ ва яллалар айтадилар. Атоқли қизиқчи Ҳожи там-там ўз ҳажвияларини кўрсатади. У, куйларнинг бирида Ёқуб деган ҳофиз билан қишлоққа тўйга борганлигини, Ёқуб ашулани баланд авжларда чийиллаб айтганини, тўйхона томида ётган катта бир кўппак итининг Ёқуб билан бараварига улиганлигини тақлид қилиб, ўтирганларни кулдиради.

Шундан кейин мезбонлар меҳмонларга павбат берадилар. Қори Камол Бухоро мақомида ашулалар айтади, унга Ҳожи Абдурахмон танбур чалиб жўр бўлади.

* Ҳожи Абдулазиз ҳаётигида 1930—1931 йилларда бу иккита куйни Самарқанд музика ва этнография институтининг бошлиғи Н. Н. Мионов нотага ёзади ва китобда нашр қилади. Уни Ҳожи Абдулазизнинг Қори Сирож ва бошқа шогирдлари ҳам ўрганиб, дутор ва бошқа хил чолғу асбобларида чала бошладилар.

Қори Қамолнинг ширали овозидан Ҳожи Абдулазиз жуда таъсирланган эди. Қори Қамол билан Ҳожи Абдурахмон Ҳожи Абдулазизни Бухорога бориб ўзларида меҳмон бўлиб келишга ва устозлар билан танишишга даъват этади.

Ҳожи Абдулазиз бу учрашувдан кейин Бухородаги устоз, хонанда, созандаларнинг мақом йўлларини, ашула ва наволарини эшитиш орзусида юрар эди. Ниҳоят 1895 йилда Бухорога борадиган бўлади.

ҲОЖИ АБДУЛАЗИЗ БУХОРОДА

Ҳожи Абдулазиз Бухорога боришни, у ердаги санъат усталари—ҳофизлар, ашулачилар, чолғучилар ва айниқса мақом устозларининг ижрочилик санъати билан танишишни ёшлигидаёқ орзу қиларди. Ҳожи Абдулазиз Бухорога илгари уч-тўрт марта борган бўлса ҳамки, булар қисқа муддатли саёхатлар бўлиб, унинг орзусини тўла қондирмаганди.

Атоқли ёзувчи Садриддин Айний Ҳожи Абдулазизнинг 1918 йилларда Бухорога бориши тўғрисида кўрган-билганларини қуйидаги саҳифаларда жуда образли қилиб ёзган эди:

«Биз Арбоб лабиҳавузи мадрасачасидаги кечки суҳбатларнинг ҳамма иштирокчилари музикани севар эдик. Бухородаги кўп ҳофиз ва чолғучи созандаларни кўрган, уларнинг шўх, жўшқин овозларини эшитган эдик. Аммо самарқандлик санъаткор Ҳожи Абдулазизни кўрмай, фақат таъриф-тавсифини музика ишқибозларидан эшитган эдик. Айниқса, Самарқандга қатнаб туриб, уни кўрган ва базмларида бўлган сандиқсоз Ашрафжон оғзидан қўймай мақтаб гапирар, дилларимизда унинг дийдорини кўриш ва қувноқ овозини, дуторининг мақомини эшитиш иштиёқини уйғотарди.

Аммо унинг базмини кўриш учун Самарқандга боришга қурбимиз етмас, сози билан дилрабо овозини эшитиш учун Бухорога таклиф этишга пулимиз бўлмас эди.

Биз унинг ҳасратида мана шундай адо бўлиб юрган вақтда «Бухоронинг катта бойларидан бири тўй қилармиш, тўйига яқин-йироқдаги шуҳратли созандалар қатори Самарқандлик машҳур Ҳожи Абдулазизни ҳам келтирармиш», деган овоза тарқалди. Бу овоза бизга янги умид, беҳад шодлик бахш этди, «доирахабарлар» қаторида бўлса ҳам унинг базмини бориб кўрмоқчи бўлиб, у қувноқ кунни зўр умидворлик билан кутдик ... «Доирахабарлар» деб тўйга чақирилмаган ва доиранинг товушини эшитиб, ўз-ўзидан кесладиган, умуман, кутилмаган меҳмонларга айтишади.

Ниҳоят, бу қувончли кун ҳам етиб келди, кечки пайт тўйхонадан доираларнинг кўкка ўрлаган садоси эшитилди. Базмга жўнаётган шаҳар одамлари қатори биз ҳам чақирилмаган бўлсак-да, Бухоронинг расм-одати бўйича, доира шовқинини эшитиш билан «доирахабар» сифатида тўйхонага бордик.

Бойнинг ҳовлиси жуда кенг эди, аммо томошабинлар кўп-лигидан игна санчийдиган жой топилмасди. Ҳовлининг ўртасида зиғир ёғи тўлдирилган ўғир (бочка) да эски-туски латталардан товланган пиликлар ловиллаб ёниб, бутун ҳовлини кундек равшан этар, лекин кундузги шамол чанг-тўзони сингари зиғир ёғидаги эски латта пиликларнинг аччиқ қуюқ тутуни кўз очишга қўймас ва димоғларни ачиштирарди.

Томошабинлар ёпирилиб келгандан ўғирдаги машъал атрофида торгина доира жой қолганди. Унинг бир четида доирачилар қатор тизилишиб чирманда овозини осмонга кўтарар, рақ-қослар рақс қилган бўлиб, қуюқ тутун заҳридан паноҳ излаб кўзларини ишқалаганча ўғир атрофида айланишиб чопишарди.

Биз «доирахабар» кишилар қаторида кечикиб келиб, бир бурчакда тик туриб Ҳожи Абдулазизнинг чиқишига интизор эдик...

Базмнинг биринчи фасли тугади, ўртадаги машъал кўтарилди, «жонга» теккан қуюқ тутун ва губорга тўлган кун» ойсиз қоронғи тунга айланди. Энди бизга ўхшаш чақирилмаган «доирахабарлар» меҳмонларнинг жўнаш пайти етганди.

— Хўш, Ҳожи Абдулазиз қани? — дедим жўнашга отланаётган ўртоқларимга.

— Меҳмонхонада бўлса керак! — деди уларнинг бири.

— Ҳеч бўлмаганда дийдорини кўрардик? — деб орзу изҳор қилдим.

— Ҳовлининг ўртасидан кесиб супа ёнidan меҳмонхона ёнига ўтамиз, — деди ўртоқларимдан бири, — агар шу меҳмонхонада бўлса, деразадан қараймиз, узоқдан туриб бўлса ҳам уни бир кўрармиз.

Биз ҳовлининг бухороликлар «таафдон» деб атайдиган чуқурлик жойидан ўтиб, баланд супага чиқдик ва гўё супа бегидан кечиб унинг бошқа тарафидаги зинапоядан пастга тушмоқчи бўлиб меҳмонхона девори тагидан юрдик ва уйнинг деразасига яқинлашгач тўхтаб, ичкарига кўз ташладик. Меҳмонхонанинг шифтида қирқинчи осма лампалар қатор ёниб турар, меҳмонхона атрофида бойлар, бойваччалар қимматбаҳо кийимларда ясаниб мағрур ўтирарди. Уларнинг ҳаммаси бухоролик бўлиб, биз уларни шахсан танирдик. Аммо хонанинг четида паст бўйли, бети кичик, кўзлари тор, соқоли калта, қорачадан келган киши ўтирар ва унинг қиёфасидан ўзини катта тутиш ва худписандлик сезилиб турарди. Биз уни танимасдик ва илгари кўрмагандик. Бу одамнинг устма-уст, қават-қават кийган кийимлари жуда қимматбаҳо эди. Ҳаво иссиқ, қирқинчи осма лампалар уйни ҳаммомга айлантирган бўлса ҳам, у одамнинг устида авраси Қарши шоҳисидан тикилган аъло кундуз пўстин бор эди, уйнинг иссиғига чидолмаган бўлса керак, у пўстинининг бир егини ечиб қўйган ва пўстини остидаги қимматбаҳо кийимлари кўришиб турарди. Эҳтимол, у Бухоронинг ўзига оро берадиган мағрур бойларига кўз-кўз қилиш учун епги чиқарил-

ган пўстинининг этакларини ағдариб ташлагандир, унинг қимматбаҳо мўйнаси кишилар кўзига намойишкорона жилвалаларди.

Бу одам чордана қуриб ўтирарди, тиз чўкиб ўтирган бухоролик бой ва бойваччалар эса, ундан кўз узмай, унинг ҳар бир қараши, ҳаракати ва сўзига, гарчи, ўзлари кеккайган бўлсалар ҳам, қўл қовуштириб таъзим қилар ва унга эҳтиром кўрсатарди.

Бу одам ўтирган жойнинг тепасида, тоқчада қопланган дутор кўпдаланг турарди, буни кўриб ўртоқларимиздан бири:

— Эҳтимол, шу одам Ҳожи Абдулазиз бўлса керак, — деди.

Аммо менинг кўнглим шу тахминга ишонмасди, чунки бу одамнинг бўйсисмон башараси, ёвуз тор кўзлари, аччиқ қазаб аниқиб турган манглайн, такаббур қиёфаси, ўзига зеб-аро бериб кеккайиб туриши дилимга ёқмай, менда пафрат ҳиссини уйғотди, қалбим бу манфур башарани, кўп йиллардан бери нуроний сиймисини хаёлимизда ғойибона равишда мужассам этганимиз Ҳожи Абдулазизнинг руҳафзо қиёфаси ўрнига асло қабул этмасди. Мен ўзимча: агар Ҳожи Абдулазиз шу манфур башара бўлса, мен ундан воз кечдим, дедим.

Шу аснода супанинг бетигаги кигизларни йиғиштириб юрган тўйчи бойнинг хизматкори ёнимизга келди. Мен уни имо билан ёнимга чақирдим, тўрда ўтирган ҳалиги одамни кўрсатиб:

— Дуторчи Ҳожи Абдулазиз Самарқандий шу киши бўладими? — деб сўрадим.

— Йўғ-э, — деб чўзиб жавоб берди хизматкор ва мени нофаҳмликда айблаб, таъна қилган бўлди: — Созанда киши шунчалик шайну шавкат ва ясан-тусан, зебу зийнатни қасрда топарди? — деди ва менга қилган таънасини равшанроқ изохлади.

Хизматкор бу сўнгги сўзи билан гўё: «Наҳот сен дарбадар юрувчи созандани киборли улуг кишидан фарқ қилолмайдиган бефаҳмасан» — дерди. Сўнгра хизматкор қўшимча қилиб, шундай деди:

— Бу киши самарқандлик Мадраҳим Тойча, дунёнинг машҳур бойларидан, Ҳожи Абдулазизга ўхшаган бир қанча етим ва хизматкорлари бор. Бу киши хўжайинимизнинг азиз меҳмонлари бўладилар, у кишини тўйга таклиф қилиш учун бойнинг катта ўғли шахсан Самарқандга бориб, зўр иззат-икром билан олиб келди.

Мен бойнинг бу лаганбардор айтган аввалги таънамуз гапласидан кўп ранжиган бўлсам ҳам, лекин унинг сўнгги сўзлари, даҳшатли туш кўриб ётган кишини тўсатдан уйғотгандек, шодлик бахш этди. «Яхшиям бу одам Ҳожи Абдулазиз эмас экан», деб дилимда шукур қилиб хизматкордан дарҳол сўрадим:

— Бўлмаса, тўйга махсус чақирилган Ҳожи Абдулазиз қани, қасрда ўтирибди?

— Ҳа, келтирилган! — деб у деразадан меҳмонхона пойгаҳига қараб, боя кўзимиз илғамаган кишини кўрсатди, биз Ҳожи

Абдулазизни пастда ўтирармиди, деб пойгаҳ томонга кўз ташламаган эдик. Хизматкор бизга:

— Мана шу одам Ҳожи Абдулазиз! — деди.

Биз шу одамга илгари замон куёвлари ўз қаллиғини том бошидан ёки эшик-тешиклардан энтиқиб қарагандек зўр шавқ, ҳавас билан дераза ойнасидан кўз узмай қарардик. Унинг сочлари хурмо ранг, бетлари оппоқ ва пешонаси кенг бўлиб, меҳрибон кўзлари хандон лаблари сингари гўё табассум қиларди. У оддий, озода кийинган, ҳамниша кулиб, яйраб ёнидагиларни аллақандай ширин сўзлар билан кулдириб турарди.

— Нега у бу базмда чертиб куйламади? — деб хизматкордан таажжубланиб сўрадим.

Бойнинг ювиндихўри менга истехзо билан қараб қўйгандан сўнг:

— Қори ака, сиз содда одам кўринасиз? — деди. — Ахир ҳўжайин катта пул сарф қилиб, уни «доирахабар» оёқ ялангларга базм бериш учун келтирган эмас, улар учун ҳовли майдончасида берилган чирманда базми ҳам етиб ортади. Бизнинг ҳўжайин Бухоро бойлари ва бойваччаларига махсус хонаки базм бериш учун катта харажат қилган.

Шундан кейин бойнинг уйида Ҳожи Абулазизнинг дилрабо овозини эшитишга умидимиз қолмади. «Доирахабарлар» кетиб, ҳовли бегона одамлардан бўшай деб қолган эди. Биз яна пича тўхтаганимизда «чақирилмаган азиз меҳмонлар, ҳуш келибсизлар!» дейишлари муқаррар эди. Биз бу малолли базмдан қўнгилсиз чиқиб кетдик.

Йўл-йўлакай, Қори Усмон ҳужрасида ҳамма гап ва ҳасратимиз Ҳожи Абдулазиз ашулаларини эшитишдан маҳрум қолганимиз устида борарди. Биз шу вақт чашма бошидан ташна ёки лаззатли овқат олдики, оч қайтган одамларга ўхшардик.



Сандиқсоз Ашрафжон поччасининг меҳмондорчилигида банд бўлганлиги сабабли, биз билан базмга бормаганиди. У меҳмондорчиликдан бўшаб Қори Усмон ҳужрасига келди, бизнинг ҳасратлашиб, афсус чекиб турганимизни кўриб, шундай деди:

— Афсус ва надомат қилиб туришининг ҳожати йўқ, дуруст, Ҳожи Абдулазизни Самарқанддан олиб келиш қийин эди, энди у шу ерда экан, бирон зиёфат тайёрласанглар, мен уни келтираман, махсус хонаки базми жамшид қураимиз. Бойнинг хонаки базми бошини есин.

— Ҳожи Абдулазиз учун муносиб зиёфатни бундай бесомон-бечора аҳволимиз билан қандай тайёрлаймиз? — деди ўртоқлардан бири.

— Ҳожи Абдулазиз учун ортиқча ташвиш керакмас, ҳар биримиз танҳоликда ёки ота-онамиз олдида ейдиган овқатимизни бир жойга тўплаб, пиширсак кифоя, — деди Ашрафжон.

— Мен у билан Самарқандда таниш ва сирдош бўлганим туфайли, агар «бир неча нафар санъатпарвар қашшоқ мулла-вачча ва шонр сизни кўриш орзусида интизор» десак у киши келаверади.

— Ҳўш, у келганда қадам ҳақиға нима берамиз ва ким тўлайди? — деб сўрадим.

— Бундай мавридда унга қадам ҳақи тўлаш шарт этмас, — деди Ашрафжон. — агар бирон нарса берганимизда ҳам у олмайди, ҳатто ранжийди.

Ашрафжоннинг бу гаплари бизнинг сўнган умидимизни қайтадан уйғотди, маъюсликдан ғамгин бўлган кўнглимиз яйради, бу мажлисининг ўзидаёқ ўртоқларнинг ҳар бири бирон масаллиқ олиб келишга сўз берди. Зиёфат ва базмни Қори Усмоннинг мадрасачадаги энг кенг ҳужрасида қиладиган бўлди. Зиёфатнинг қайси вақтда бўлиши Ҳожи Абдулазиз ваъдасига боғлиқ бўлиб қолди. Ашрафжон Ҳожи Абдулазиз бойнинг тўйдан бўшаган куниек, ундан ваъда олажагига сўз берди.

Ниҳоят, кўтилган кун ҳам келди. Ашрафжон Ҳожи Абдулазизни шу кеча олиб келаман деб хушхабар келтирди. Ўртоқлар ҳам ваъдаларига мувофиқ зиёфат масаллигини муҳайё этдилар.

Ошнинг сувини қуйгандан кейин, Қори Камол ва Қори Нажм кириб келди. Улар бу ерга ҳамиша келиб юрганлардан бўсалар ҳам, бу кеча Ҳожи Абдулазиз шарафига махсус чақирилган эдилар.

Бир соатдан сўнг Ашрафжон Ҳожи Абдулазизни, унинг дуторини кўтариб, олиб келди. Шу кеча тонг отгунча ҳақиқатан базми жамшид бўлди, аммо бу камбағалларнинг базми жамшиди эди. Чунки бунда овқатликдан фақат палов билан нон дастурхонимизни «безатар», ичкиликдан эса кўк чой билан фамил чой ва қанд муҳайё бўлиб, ёруғликдан фақат еттинчи чироқ ёнар эди, холос.

Баъзан Ҳожи дам олиб турган пайтда Қори Камол билан Қори Нажм қанча ғазалхонлик қилса ҳам, базмни аслида, Ҳожи дутор чертиш ва жўшқин ғазаллар айтиш билан қизитар — боғ бўлбуллариининг рашкини келтирарди.

Ҳожи шу кеча нуқул тожик классикларининг шеърларидан кўйлади. Жумладан, Бедилнинг «Ноз» радифли лирик ғазалини айтди...

Шунингдек, у Камол Ҳўжандийнинг лирик шеърларидан бир неча ғазал айтди. Унинг хотиримда нақш боғлаган «натавон кард» («қилиб бўлмас») радифли ғазалининг уч байтини ҳам ўша базмни эслаб, бу ерда ёзишни лойиқ кўрдим:

Дўст таъна этса ҳам, ёв тиг урса ҳам,
Сендан ва ишқингдан ҳеч кечиб бўлмас.
Ўғзаллик чоғингда қўлларга раҳм эт,
Бу ишни эртага қолдириб бўлмас.

Камол кўксидаги ишқнинг дардига,
Сендан бошқа дармон кўрсатиб бўлмас.

Ҳожи Абдулазиз билан биринчи учрашувим ва танишувим мана шундай бўлди».

Атоқли ёзувчи Садриддин Айнийнинг хотирасида қолган бу образли саҳифалардан, Ҳожи Абдулазизнинг ўша, яъни ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ номи машҳур дуторчи ва ашулачи сифатида биргина ўз шаҳри Самарқандда эмас, балки шашмақом Ватани — Бухорога ҳам танилганлиги кўриниб турибди. Юқорида келтирилган эпизодларда бу моҳир санъаткорнинг камтарлиги, барча музика мухлисларини бир кўзда кўриши, катта-кичик ёки камбағаллигига ажратмаслиги, ҳамма оддий кишилар билан хушмуомалада бўлишлиги яққол сезилиб туради.

Бухоро кўпчилик хонанда, созандаларнинг бориб таълим оладиган макони эди.

IX—X асрлада ал-Форобий, Абу Али ибн Сино замонида соз чалиш, мақом айтишда мусобақалашардилар. Бухорода XVII—XVIII асрларда Бухоро Шашмақоми мукамал шаклга эга бўлади. Бухоро шаҳри ҳаётининг ажралмас қисми бўлган халқ музика ижоди ва ижрочилиги турли халқларнинг музика мероси билан боғлиқ ҳолда ривожланиб боради. Шунинг учун ҳам бу шаҳарда музиканинг ўша даврдаги кўзга кўринган машҳур намоёндалари тупланган эди. Уларнинг бир қисми халқнинг бой музика меросини сақлаш, ижро этиш билан бирга, янги ижод ва Шашмақомни маълум бир тартибга келтириш борасида ҳам иш олиб борардилар.

Ҳожи Абдулазизнинг шундай йирик музика маркази Бухорога интилиши бежиз эмасди, албатта.

Ҳожи Абдулазиз Бухорога бора туриб, йўлда дастлаб Каттақўрғон, Хатирчи, Қармана, Ғиждувон, Вобкент ва Ромитондаги таниш-билишлари ҳузурида беш-олти кундан меҳмон бўлади ва бир ойчадан кейин, қоронғи тушишга яқин Бухоронинг ўн бир дарвозасидан бири—Ўғлоп дарвозаси ёнига етиб борди, лекин дарвоза аллақачон беркитилган эди.

Бухоронинг урф-одати бўйича, қоронғи тушиши билан шаҳарнинг ҳамма дарвозаси бараварига беркитиларди. Шаҳарга киришга кечикканлар ҳавонинг иссиқ-совуқлигилан, қор-ёмғирдан қатъи назар, тонг отгунча шаҳардан ташқарида тунашга мажбур эдилар. Ҳожи Абдулазиз ҳам кўп қатори дарвоза орқасида тонг оттиришдан бошқа иложи қолмаганди. У отини чироқ шуъласи тушиб турган хужрага қараб етаклайди. Бу кичик бир карвонсарой бўлиб, пастақкина бостирмадан иборат эди. Унинг қурум босган тўсинларидан бирига еттинчи пилта лампа осиглиқ бўлиб, аранг ёруғлик берарди. Ҳожи Абдулазизга ўхшаш кечикканлардан йиғирматача одам у ерда тўда-тўда бўлиб, чой ичиб ўтиришарди.

Ҳожи Абдулазиз отини карвонсарой қўрғони нинга бойлаганидан кейин, бостирмага кириб, бурчакдаги холироқ ерга жой-

лашади. Отда узоқ йўл юриб ҳориган Ҳожи Абдулазиз хуржунини боши остига қўйиб, қаттиқ уйқуга кетади. У чарчаганлигидан тапналик ва очликни сезмаган эди.

Ҳожи Абдулазиз кўзини очганда тонг эндигина ғира-шира ёришиб келмоқда эди.

Уймакор ёғочдан ишланган икки табақали баланд ва кенг Уғлон дарвозасининг очилишини кишилар сабрсизлик билан кутарди. Жума куни бўлганлиги учун шаҳарга кирувчилар ҳар қачонгидан ҳам кўп эди. Ниҳоят дарвозабонлар ошиқмасдан олдин дарвозасининг бир табақасини, кейин иккинчисини очадилар. Ҳожи Абдулазиз ҳам бошқалар қатори урди-сурди қилиб, отини етаклаганича шаҳар ичига кириб олади.

У юз қадам чамаси юргандан кейин, ўнгга—чорбаққол томонга бурилади ва ундан иссиқ нон, ҳил-ҳил қилиб пиширилган қўй почаси ва Бухоронинг мақталган қаймоғини олиб, самоварга қиради. Самовар кишилар билан лиқ тўлганди. Айрим чойхўрларнинг олдида доира, сурнай, ноғора сингари чолғу асбоблари ғилофларига ўроғлик ҳолда турганди.

Бу самовархона аслида Юсуф Қовоқ деган машҳур ноғорачига қарашли бўлиб унда ҳар куни эрталаб Бухоронинг ноғорачилари, сурнайчилари, доира дастлари, қўғирчоқбозлари, дорбозлари ва масҳарабозлари тўпланишарди. Юсуф Қовоқ уларнинг оқсоқоли эди. У йиғилган меҳтар, қўғирчоқбозларни уч-тўрт кишилик тўдага бўлиб маҳалла ва гузарларга тақсимларди. Бирор тўда билан ўзи ҳам чиқарди. Тўдага бўлиниб чиққанлар кўчама-кўча доира чалиб юришарди. Кўчаларда ўйнаб юрган болалар уларга тўйхоналарни кўрсатишарди. Шу билан бир қаторда улар, 20—30 баркашда тўёна кўтариб бораётган хотинлар олдида, баъзида бешик тўйига кетаётганлар олдида доира-сурнай чалиб боришарди. Кечга яқин меҳтарлар яна Юсуф Қовоқ самоварига йиғилишиб, пул, нон, белбоғ, дўппи сингари топган-тутган бир кунлик даромадларини ўртага чиқариб қўйишарди.

Юсуф Қовоқ ҳам ўз топганини ўртага ташларди. У ҳамкасбларининг шу бир кунда бирор нарса топиб келганми, йўқлигини сўриштирмасдан, ўртадаги бор нарсаларни ҳаммага тенг тақсимлаб берарди. Хуллас, уйдан умид билан чиққан ҳар бир меҳтар бола-чақаси олдида қуруқ кириб бормасди.

Юсуф Қовоқ ниҳоят катта гавдаси, кенг елкалари, кексалиги (ёши тўқсондан ошган эди), оппоқ узун соқоли, анордай қип-қизил юзи, нуронийлиги, доим кулиб турган тим қора кўзлари билан бошқалардан ажралиб турарди. У ниҳоятда ҳалол ва покиза, ростгўй, сахий, раҳмдил, очик кўнгил, ҳаққоний кишилиги ва ўз даврининг энг машҳур ноғорачиси бўлганлиги учун, ҳамманинг диққат-эътибори ва ҳурматига сазовор эди.

Регистондаги арkning дарвозахонаси устида махсус хона бўлиб, бу хонада ҳар хил тантаналар, рўза, қўрбон ҳайитларида

ва бошқа шунга ўхшаш маросимларда чалинадиган карнай, сурнай, ногоралар сақланарди ва шунинг учун ҳам бу хонани ногоракхона деб юритишарди. Юсуф Қовоқ билан бир неча йиллар давомйда ҳар хил тўй ва томошаларда қизиқчилик қилиб (огзидан ўт чиқариб ўйнайдиган, ёғоч оёқда юрадиган ва ҳ. к.) юрган Бақожон меҳтарнинг айтишича, мана шу ногоракхонада косалари атрофига олтин суви югуртирилган битта қўс ногора бўлган. Уни «тилло қўс қўс ногора» деб аташар экан. Мана шу ногорада фақатгина Юсуф Қовоққа чалишга ижозат берар эканлар.

Юсуф Қовоқ ҳамма меҳтарларни кузатиб, сўнгра бегона кўринган Ҳожи Абдулазиз ёнига лаълича устида бир чойнак чой ва пиёла олиб келиб қўйгандан кейин қўл бериб кўришадди. Сўнг йўгон ҳамда таъсирли овози билан дона-дона қилиб савол бера бошлайди:

— Хуш келибдилар, меҳмон, қани, зиёратгами?

— Шундай, саёҳат қилиб келган эдик.

— Узоқдан келганга ўхшайдилар?

— Ҳа, Самарқанддан.

— Ҳай, ҳай, ҳай, Самарқанд, обу ҳавоси бисёр мусавффо шаҳар ва одамлари ҳам кўп яхши-да. Ҳа, айтгандай, Самарқандда Мирзо Меҳтар номли бир асл оғайним бор эди. Билмайманки, сиз уни танийсизми, йўқми экан?

— Танийман, яхши танийман, ота.

Юсуф Қовоқ жонланиб, кўзларида севинч аломатлари пайдо бўлади:

— Бечора Меҳтар, тирикми ўзи, тани-жони саломатми ахир?

— Саломатлар, отахон.

— Кўрмаганимга қирқ йилча бўлгандир. Яхши сурнайчи эди. Сурнайда мақомларни камондай чунон эзиб чалардики — нафасини айтмайсизми, бебаҳо шаҳнафас эди ўзи, — деб мақтагач, Ҳожи Абдулазизнинг ҳуржунидаги ғилофга ўроғлик дуторга кўзи тушгандан кейин, — ўзлари ҳам аҳли созмилар? — деб қўшиб қўйди.

— Ҳа, шундай.

— Исми шарифларини сўрасак, айб бўлмас...

— Абдулазиз.

— Э, э, э, дуторчи Ҳожи Абдулазизмисиз? Абдурасул Саллабофнинг ўғли-я?

— Ҳа, шундай ота.

— Овозангиз шаҳримизга ўзингиздан олдин етиб келган эди. Барака тошинг, Бухорога келиб яхши қилибсиз. Бухорода музиканинг асл шинавандалари жуда кўп топилади. Ҳозир кимникига бориб тушасиз?

— Қори Камолникига тушсаммикин, деб турибман?

— Ҳа, ҳа, танийман. Ҳофизини Қори Камол. Кўп яхши одам.

Ҳожи Абдулазиз самовархонадан чиқаётганида, Юсуф Қовоқ уни кузатаётди:

— Ҳовлимиз тўпхона маҳалласида, аммо ҳар куни мана шу самовархонадамиз. Келинг, албатта келинг! Борди-ю ишингиз юришмаса ёки бирор кутилмаган муҳтожлик бўлиб қолгудек бўлса, тўғри мана шу самовархонага ё бўлмаса уйимизга тортишмасдан кела бering. Сизни кутаман, албатта, фурсат топиб келинг, — деб тайинлайди.

* * *

Ҳожн Абдулазиз Бухоронинг Лаби ҳавузи, Арбоб маҳалласидаги Қори Камол ҳовлисига борганда, у уйда эди. Қори Камол Ҳожн Абдулазизни энг азиз дўсти сифатида қабул қилди ва шу кечасиёқ узоқ-яқин, хонанда-созандаларни чақириб, меҳмонхонасида шинамгина ўтириш ўтказди.

Ҳожн Абдулазизнинг Бухорога келганлиги тўғрисидаги овоза эртаси кўшнинг ўзидаёқ шаҳарнинг таниқли зиёлилари ва санъат мухлислари, атоқли олим ва шоир Аҳмад Дониш, Шарифжон Маҳдум, Садриддин Айний, машҳур танбурчи Қори Каромат, Раҳматча, сарой ҳофиси Ота Жалол сингариларга бориб етганди. Шу билан бир қаторда, Қори Камол ҳовлисига келиб, Ҳожн Абдулазизни ўз уйига таклиф қилган косиблар, мулла-ваччалар ва айниқса Бухорода истиқомат қилувчи самарқандликларнинг сони анчагина эди.

Хуллас, Ҳожн Абдулазиз Бухорога келиши билан санъат мухлислари даврасининг тўридан жой ола бошлайди.

Ҳожн Абдулазиз келгуси ҳафтанинг чоршанба куни Латифжон Маҳдумнинг ҳовлисига меҳмондорчиликка боради. У ерда меҳмонлар эндигина йиғила бошлаганди. Бу ҳовли Бухоронинг Чорхарос гузарига жойлашганди. Меҳмонхона ўн бир тўсинли катта бир уйдан иборат бўлиб ҳовлининг шимол томониغا қараб солинган эди. Уйнинг даҳлизинда идиш-товоқ, қазноқда эса ҳар хил китоблар тахлашганди. Ҳовлининг шарқ томонида Латифжоннинг онаси, хотин-болалари, синглиси ва аёл хизматкорлар турадиган ичкари ҳовли бор эди.

1891—1892-йилларда Садриддин Айний бу ҳовлида бошқа учта хизматкорларга қарашар: ҳовли супурар, меҳмонлар учун чой тайёрлар, бозордан харид қилинган нарсаларни кўтаришиб келар ва шунга ўхшаган бир қанча юмушларни бажарар эди.

Латифжон узун бўйли, оқ юзли, қўй кўз, қўнғир соқол киши бўлиб, ёши шу маҳалда ўттизлардан ошган эди. У хушхатлилик, саводлилик, шеършунослик, маърифатпарварликда Бухоро муллазодалари орасида ажралиб турарди.

Латифжон Маҳдумнинг уйида ҳафтанинг сешанба, чоршанба ва пайшанба кунларида шоирлар, шеършунослар, латифа айтувчилар ва қизиқчилар йиғилишарди. Мана шу кунлари мулло Нарзулло Лутфий, Абдулмажид Zufунун, Яҳёхўжа, Содиқхўжа Гулшаний, Ҳомидбек Ҳомид, Абдуллохўжа Таҳсин, мулло Бурҳон, Муштоқий, Қори Абдулкарим, Офарин — «Дўза-

хий», Мирзо Азим Сомий Бўстоний, мулло Раҳмат сартарош, Азизхожа Азиз сингари шоир ва шеършунослар тўплалиниб, шеърхонлик қилишарди.

Ҳожи Абдулазиз Латифжон Маҳдумнинг мана шу меҳмонхонасида Бухоронинг юқорида айтилган шоир ва шеършуносларининг бир талайи билан танишишга муяссар бўлган эди. Ҳожи Абдулазиз бу суҳбат давомида бештача қўшиқ айтди. Бу даврада музиканинг нозик шинавандалари саварқандлик дуторчи санъатига қойил қолган бўлсалар ҳам, бухороликларга хос одат бўйича вақтинча сир бермай ўтирадилар.

Ўтириш тугай деб қолганда, Латифжон Маҳдум меҳмонхона түридаги ўнг бурчақда, орқасига пар ёстиқ қўйиб ўтирган кишига танбур келтириб тутқазади. У кишининг ранги сариқ ва нурсиз эди, кўзлари чўкиб кетган, ниҳоят озғин танасида мадор қолмаганди, унинг учун энг кичик ва арзимаган ҳаракат ҳам малол кўринарди. Эғнида оқ сурп кўйлақ, яхтак, оёғида янги амиркон маҳси, ўнг қўли бармоғига катта ёқут кўзли узук тақилганди. У узатилган танбурни қўл қайтармасдан олар экан, Маҳдумга «Ахири қўймадингизда» деган маънода қараб жилмаяди, Маҳдум эса икки қўлини кўксига қўйган ҳолда «Ҳеч бўлма-са битта машқ эшнтайлик» деб узр сўрагандай бошини қимирлатиб қўяди.

Танбурни қўлига олган созанда танбур қулоғини бураётиб, симларга битта нохун чертиши биланоқ ўтирганларнинг бадани жимирлаб кетади. Танбурни созлаб бўлгач, ёнидаги доирачига қарайди, доирачи «тайёрман устоз» дегандек доирани қўлига олади.

Ҳожи Абдулазиз ёнида ўтирган Қори Камолдан «Бу киши ким бўладилар?» деб сўрайди, Қори Камол «Бу киши Қори Қаромат дилкаш, ёнларидаги эса Ёғжудувонлик Мулло Ҳомид Савтхон» деб шивирлаб қўяди.

Қори Қаромат «Ироқ» мақомининг мушкilot қисмидан иккита машқ чалиб беради. Танбурдан шу қадар ёқимли садо чиқилиши Ҳожи Абдулазиз биринчи бор эшитиши эди. У ҳаётида жуда кўп танбурчиларни эшитган, аммо, бу чолгучи башқалардан чертиши билан, ғайри-табiiй нолалари, усулининг ғоят текислиги, ҳар бир парданинг ўзига хос жарангли чалиши билан мутлақо фарқ қиларди. Абдулазиз кўнглида «Боруки Қалҳак айтган нохунтилло шу бўлса керак?» деган гапларни ўтказиб қўяди. Дарҳақиқат, Қори Қаромат ўз замонасининг камдан-кам учрайдиган нохунтилло созандалиридан ҳисобланарди. У лақабига мос, дилкаш наволарни ниҳоят таъсирли қилиб чаларди.

Ҳожи Абдулазиз машқ тугагандан кейин бошини кўтариб:

— Ташаккур устоз! Сиз чалган кўйларнинг нолалари қулоғимда умрбод жаранглаб турса керак, деб ўйлайман. Менда жуда ҳаяжонли таассурот қолдирди, — деди.

— Сизга раҳмат меҳмон, биз учун жуда кўп янгиликларни келтирдингиз. Дутор қўлингизда эртақлардаги афсонавий дутор-

га ўхшаб сайрайди. Мен ҳозиргача иккита машҳур дуторчи Турсунхожа билан Ҳожихонлар деб юрсам, учинчиси — маана сиз ҳам бор экансиз. Сизга ҳам ташаккур!

Қори Каромат ўтириш охирига етганлигини пайқаб:

— Қори Камол, янаги ҳафта жума куни меҳмонни ўз ҳузурларига олиб келишни Аҳмад Дониш мен орқали сўратиб юбордилар. Меҳмон ҳам марҳамат қиладилар энди, — дейди. Қори Камол шу заҳотиёқ Ҳожи Абдулазизга қараб туриб:

— Аҳмад Донишга бизлардан дуойи салом етказинг! У кишининг таклифларини албатта бажо келтирамиз, — дейди.

Ҳожи Абдулазиз ҳам маъқуллаб бош қимирлатади.

Қори Каромат томонидан Аҳмад Дониш уйига бошқа бирор кишининг таклиф қилинмаганлиги сабаби ўтирганларга маълум эди: нозик табиатли Аҳмад Дониш ўз меҳмонхонасига дидига ёққанларни танлаб-танлаб чақирарди, холос.

Кеч кира бошлайди. Ўтирганлар ошиқиб уй-уйларига тарқала бошлайдилар, чунки биринчи табл (узунчоқ ногора) чалингандан кейин Бухоро кўчаларида миршаб, табиб ва доялардан бошқа бирор кишининг ижозатсиз юришга ҳаққи йўқ эди. Борди-ю, миршаб қўлга тушиб қолгудек бўлса, ундан қутулиш қийин эди...

Уйга кета туриб, Ҳожи Абдулазиз Қори Каромат танбурининг садоси ҳамон қулоғида янграб турганини Қори Камолга айтганда, у Қори Кароматнинг ўтмишини ҳикоя қилиб беради:

«Қори Каромат, — деб шивирлади Қори Камол оғир хўрсиниб қўйиб ва атрофга ҳадиксираб қараб, — ҳали бери қаримасди, касалга ҳам мубтало бўлмасди. У ҳозир сил касал бўлган, уни лаънати амир сил қилди, амир! Қори Каромат жуда озода, табиати нозик, донм парҳезда юрадиган киши. У авваллари кўйлагини бир кунда уч марта алмаштирарди. У Бухоронинг гердайган бой-амалдорлари меҳмонхонасига борганида ҳам ундаги духоба, кимхоб кўрпача, пар ёстиқлардан жирканарди ва ўтирганда албатта ёнидан белбоғ чиқариб, остига ташларди, сўнгра ўтирарди. Аммо у жуда зўр чолғучи, барча меҳмонхонада унинг иштирокисиз давра қизимаслигини амалдор-бойлар яхши билардилар, шунинг учун унга ҳеч нарса дея олмасдилар. Лекин кунларининг бирида кимдир унинг бу одатини амирга етказади. Амир уни синаш учун саройнинг махсус ҳофиз ва чолғучилари суҳбат қурадиган жой-рикобга чақиртирганда ҳам, у амир кўрпачаси устига белбоғини ташлаб ўтиради. Бундан газабланган амир қаматиб каналарга талатади, сўнгра Кармана шаҳридаги бошқа бир саройига жўнатади ҳамда шу билан уни Бухоро ҳофизлари, чолғучилари, унинг мухлислари, қариндош-уруғларидан узоқлаштириб, жудолик изтиробида қийнайди.

Орадан беш-олти ой ўтгач, тасодифан Қори Кароматнинг тапишларидан бири уни Карманадаги саройда кўради. Қори Каромат озиб-тўзиб кетган, ҳамма ери ямоқ, жулдири кийимда, соч-соқоли ўсиб, ҳаммомнинг гўлаҳига ўт ёқадиганларга

ўхшаш аҳволда овқат тўла қоп-қора қозончани бошига кўтариб борарди. Юзлари қозонкуя, ниҳоятда кир эди. У шунда тўхтаб: «Мана, қаранг, мени амир нима аҳволга солиб қўйди. Мен совуқда, қор-ёмғирда очиқ даладаги чайлада ётиб тураман. Ўпкам қаттиқ шамоллаган. Худо мени шу кунга солгандан кўра жонимни тезроқ олса бўлмасмиди?» — деганича юриб кетади. Бу хабарни эшитган Аҳмад Дониш амирга яқин кишиларни ўртага солиб, Қори Кароматни Бухорога олиб келтиради. Шундан бери у Аҳмад Донишникида истиқомат қиляпти» — деб ҳикоясини тугатди.

* * *

*

Ҳожи Абдулазиз Қори Камол меҳмонхонасида пастлатиб қўйилган чироқ шуъласига анча маҳалгача қараб ётди. Унинг кўз олдида Мирзо Меҳтарнинг ҳаммом орқасидаги хароба кулбаси, Қори Кароматнинг бошига қозонча кўтариб бораётган ҳолати, бойлар уйидаги ўтиришларда учратган амалдорларнинг қиёфаси, буларнинг ҳаммаси, унга уйқу бермасди... Нега шундай? — деб ўйланарди...

АҲМАД ДОНИШ ВА ҲОЖИ АБДУЛАЗИЗ

Ҳожи Абдулазиз билан Қори Камол янаги ҳафтанинг жума куни тушга яқин Аҳмад Дониш уйига боришга тараддуд кўради.

Аҳмад Дониш ўз замонасининг жуда билимдонлиги, турли соҳаларда чуқур илмий асосларга эга бўлишлиги, математика, география, тарих, мусиқа илми соҳасида бир қанча назарий-илмий асарлар яратганлиги ҳамда донолиги билан жуда қўп вилоятларга таниқли эди.

Унинг исми Аҳмад — Маҳдум, тахаллуси Дониш ва лақаби Қалла бўлиб, 1827 йилда Бухоро шаҳрида саводсиз камбағал Носир oilасида туғилади. Аҳмад ота-онасининг ягона фарзанди бўлганлиги туфайли ота-онаси унга маълумот бериш йўлида бор кучлари билан ҳаракат қилгандилар. У 6—7 яшарлигида ўқимишли онасидан савод ўрганади, шарқ классик шоирларининг шеърларини ўқийди, уларнинг айримларини ёд олади.

Сўнгра Аҳмад тўққиз яшарлигида бошланғич мактабда ўқийди. Ота-онаси уни қорликка ўргатмоқчи бўлишади, лекин Аҳмад буни истамагандан кейин уни 14—15 яшарлигида мадрасага берадилар. Мадрасада у араб тили, мантиқ, динга оид илмлар билан бир қаторда мустақил равишда тиб илми (медицина), ҳисоб (арифметика), хандаса (геометрия), нужум (астрономия) ва астрология фанларини ўрганади. Мана шу сабабдан ҳам у ўша даврда Бухоро олимлари орасида кенг билим даражасига эга бўлган пешқадам олим ҳисобланарди.

Шу билан бир қаторда у, рассом, наққош, лавҳакашлик (китобларни безаш) ва меъморчилик санъатини ҳам ўзлаштирган етук санъаткор эди. Амир Насрулло (1828—1860) даврида

амир саройида, устози вафотидан кейин, сарой наққоши бўлиб хизмат қилади, шунда у амир даргоҳидаги барча қабих ва разилликларни кўради, улардан нафратланади.

Аҳмад Дониш 1857 йилда биринчи марта Петербургга Бухоро элчиси сифатида боради. Бунда у рус маданияти билан Бухоро маданияти ўртасидаги катта фарқни кўради. Бухоронинг қолақлигига сабаб чириётган феодал амирлик системаси эканлигини тобора кўпроқ тушуна бошлайди ва ниҳоят сарой хизматидан чиқиб кетади.

Аҳмад Дониш Петербургга яна икки марта — 1869 ва 1874 йилда элчи сифатида бориб рус маданияти, турмуши, ҳаёти ва илм-маърифати билан янада кўпроқ тапширишга муяссар бўлган эди.

Аҳмад Дониш ўз замонасида кўпгина нодир асарлари билан илм-фан ва маданиятга катта ҳисса қўшган олимлардан ҳисобланади. У «Манозир-ул-Қавокиб» (Юлдузлар манзараси), «Рисола фи Аъмол-ил-ўз Курра» (Ер шари ҳақида рисола), «Чомеъ-ул-Ҳикоят» (Адабиёт ва ўз таржimai ҳоли), «Наводир-ул-Воқеъ» (Нодир воқеалар), «Тажримай ҳоли амирони Бухорон шариф» (Бухоро амирларининг таржimai ҳоли) сингари илмий асарлар, бир қанча шеърлар ёзган.

Аҳмад Дониш илмга асосланган ўз дунёқараши билан Бухоро мадрасаларининг тор ҳужраларидаги нодон мударрислардан кескин фарқ қиларди. Унинг халқ ўртасидаги обрўси, ўткир илми, ақл-идроки, донолиги ва қатъийлиги билан сарой амалдорлари, ҳаттоки амирнинг энг яқин кишилари ҳам ҳисоблашшга мажбур эди.

Бухоронинг барча шоир ва санъаткорлари Аҳмад Донишга зўр эҳтиром билан қарардилар. У табиатига яқин шоир, созанда ва хонадаларни меҳмонхонасига чақириб, улар билан тез-тез суҳбат қуларди. Одатда бундай суҳбатларга келган ҳар бир меҳмон кечани завқ билан ўтказарди. Садриддин Айнийнинг айтишича, баъзилар мушоира, баъзилар тахтабозлик (Эрон ва Кавказ халқлари орасида «нард» номи билан тарқалган ўйинларнинг бир тури), баъзилари музика чалиш ва эшитиш билан машғул бўлардилар.

Аҳмад Дониш санъатга фақатгина ҳаваскор ёки ишқибоз сифатида эмас, балки танбурда куйлар чаладиган ва созандалар билан бемалол қўшилиб чалиш қўлидан келадиган созанда ҳам эди.

Аҳмад Донишнинг мана шу хусусиятлари тўғрисида Қори Камол Ҳожин Абдулазизга батафсил гапириб берганди. Шу сабабдан ҳам Ҳожин Абдулазиз Аҳмад Дониш уйидаги суҳбатда қатнашишни ўзи учун катта воқеа деб ҳисобларди.

Қори Камол Ҳожин Абдулазиз билан тушга яқин Мир Араб мадрасасидан шарққа бурилиб, Жаъфархожа маҳалласида бўлган боши берк бир кўча охиридаги чиройли дарвозага етдилар.

Дарвозанинг жанубида тик йўлак бўлиб, икки томонида ариқча қазилган. Ариқчалар бўйида қатор устунчалар ўрнатилган бўлиб, улар устидан узум сўриси тортилган, сўрининг икки томонига мевали дарахтлар ўтқазилган. Сўри остидаги йўлак болохонали айвончага олиб борарди.

Аҳмад Дониш кўпинча мана шу болохонача устида ўтириб ишларди, келаётган ҳар бир киши унга кўринарди, борди-ю, кселаётган киши ўзининг маҳмадоналиги, мантиқсиз гаплари билан вақтни бекорга банд қиладиган ёки ҳасадгўй, ғийбатчи ва шунга ўхшаганлардан бўлса, ичкаридан бировни дарвоза олдига чиқариб «уйда йўқ» деб жавоб қилишни буюрарди. Йўлак устидаги болохона деворларига дунё хариталари ёпиштирилган, икки тўғарак курсича устида ер юзининг глобуслари турарди. Болохона тоқчаларида доира, танбур, дутор сингари музика асбоблари жойба-жой қилиб қўйилганди.

Қори Камол билан Ҳожи Абдулазиз очиқ дарвозадан ичкарига кирадилар. Уларни меҳмонхона эшиги олдида Аҳмад Дониш қарши олади.

Кенг ва озода меҳмонхонанинг ярми меҳмонлар билан тўлганди. Ҳожи Абдулазиз тўрдаги кўрсатилган жойга, ёстиққа суяниб ўтирган Қори Каромат ёнига бориб ўтиради. Даврада Латифжон Маҳдум, ўша даврда эндигина майдонга чиққан ёш ҳофиз гиждувонлик Шодихон, таниқли дуторчи Тоҳиржон Давлатзода, бир шоир ва бошқа санъат мухлислари ўтирардилар.

Фотиҳа ўқилгандан кейин Аҳмад Дониш Қори Кароматга: — Суҳбатимизни танбур машқи билан очсангиз ҳам бўларди, — деди.

Суҳбат давомида Қори Каромат бештача машқ чалади, кейин Шодихон, Қори Камол биргаликда мақом сарахборларидан айтадилар, уларнинг ашулаларига Қори Каромат танбур чалиб жўр бўлади.

Машқу ашулалар навбати тугагандан кейин Қори Каромат шоир Лутфийга ўз ҳажвияларидан ўқиб беришни сўрайди.

— Бажону дил ўқиб берардим, — дейди Лутфий ўйланиб туриб, — лекин бугунги суҳбатда мен кўп вақтдан буён бетоб ётганлиги туфайли бу даврага қатнаша олмаётган дўстимиз шоир Ҳайратнинг саломатлигини тилаб, сизларнинг ижозатингиз билан унинг янги ёзган ҳамда ўз аҳволини баён қилган битта мусаддасидан парча ўқисаммикин, деган эдим...

Шоир Ҳайратнинг ижодини ҳурмат қиладиган кўнгина меҳмонлар Лутфийнинг бу илтимосини қувватлайдилар. Лутфий қўйин чўнтагидан букланган қоғозни олиб очади ва қўйидаги мусаддасни ўқийди:

Ҳароб бўлди кўнгил, йўқ, ўзимда зарра фароғат,
Бутун эмас юрагим ҳеч, ҳамма жойи жароҳат,
Дилимда қолмади ишрат қилурга хоҳишу ният,
Ичиб сўрур шаробин, қадаҳ йўқ олгали лаззат,

Димоғ нохушу йўқ сайри боғ қилгали рағбат,
Нетай гул искагудек менда йўқ димоғ ила ғайрат,
Бу рўзгор ғаму андуҳига банди чунонмен,
Отилса зулм ўқи ҳар қаёп, мен унга нишонмен,
Алач ҳужумидан афгор ошқору ниҳонмен
Қуролмағум мақсад паривашиини бир он мен.
Агар кун ўлса, паринону дарду қайғуга кон мен,
Кеча насибим эрур ҳажру бечироғ қора зулмат.
Менинг мурод кафимдан ул айш жоми тукилди,
Вале бу шишан кўнглим тамом қон ила тўлди,
Зиёд бўлди ғам кунн, ғамимга гусса қўшилди,
Ғар олдин ўлмаса ҳам энди дил тамом хун ўлди.
Бошимдин учди ҳаваслар дил орзуси кўмилди,
На бош бор энди, на дил қолди, не ҳавасдан асорат.

Аҳмад Дониш шеърнинг мазмунидан қаттиқ таъсирланган ҳолда бошини қўйи солиб, ўйланиб ўтирарди:

— Муҳтарам Лутфий, — деди Аҳмад Дониш хушёр тортиб, — бу яқин орада шоирнинг олдиларига борсангиз мендан дуойи салом етказинг ва менинг ҳам шу яқин кунларда боришимни айтиб қўйинг! Яна айгингки, қўлимдан келган ёрдамни қилишга тайёрман. Албатта етказинг! Ҳурматли меҳмонлар, ўтиришни совитмайлик, навбатни Тоҳиржонга берайлик!

Тоҳиржон шошилмасдан дуторини созлай бошлайди.

Негадир меҳмонлар олдиларидаги чойнак-пиёлаларни қўлларига олиб, деворларга яқин жойларга четлаша бошлайдилар. Ўрта борган сари кенгая боради. Ҳожи Абдулазиз Қори Камолнинг қулогига «Нега ўртани бўшатишаётир, ё дутор чалатуриб ўзи ҳам ўзинга тушадими?» деб шивирлади, Қори Камол «Ҳозир кўрасиз» деб қисқа кулиб қўя қолди.

Тоҳиржон Давлатзода Бухоронинг машҳур дуторчиларидан бири. У жуда ёшлигида Бухорога Эрондан қул сифатида келтириб сотилган, ота-боболарини эслай олмайди. Қўлликдан озод бўлганидан кейин шираварпазга шогирд тушади. Ҳолва пишириш касбини ўрганади. Шу орада у бир дуторчи устозга ҳам шогирд тушиб, ундан дутор чалиш санъатини ўрганади.

Тоҳиржон оқ яктаги сингини тирсагигача шимариб, дутор торларини бир-бир текшириб кўргач, «бошласам майлими?» дегандай ҳаммага бирма-бир қараб чиққандан кейин, чалишга бошлайди.

Ҳожи Абдулазиз ҳамкасби Тоҳиржоннинг усталар ясаган «қозма дутори» га овози қандай эшитиларкин? деган маънода кўз узмай қараб турарди, чунки у доим косахонаси елимланган дуторларда чалган ва ундан бошқа хилини учратмаган ҳам эди. Бир бутун яхлит тут ёғочидан ясалган танбур сифат қозма дуторини у бирипчи кўриши эди.

Бухорода мақомни дуторда чалиш жуда камдан-кам расм бўлганлиги учун бўлса керак, Тоҳиржон қаторасига майда машқлар: Чорпот, Сарбозча, Гирён қазоқ сингари чолғу йўллари

чалади. Дуторнинг жарангли садоси бутун меҳмонхонани қоплайди. Тоҳиржон учинчи машққа ўтганда шу қадар берилиб кетдики, ҳатто даврада меҳмонлар борлигини ҳам унутди. Ниҳоят, у дуторини чалар экан, ўрнидан қўзғала-қўзғала меҳмонхонани гир айланиб чиқади, сўнгра ўз ўрнига қайтиб келиши билан машқлар ҳам тугади.

Ҳожи Абдулазиз давра ўртасининг бўшатилиш сабабини мана шундагина билган эди. Ҳожи Абдулазиз бу чолғучининг бунчалик забардастлигини биров айтса ҳечам ишонмасди.

Шундан кейин яна бир қанча янги шеърлар ўқилади, латифагўйлик бўлади. Булар ҳам тугагандан кейин Қори Қаромат Ҳожи Абдулазизга қараб туради ва сал жилмайиб:

—Менингча, меҳмонларнинг орзиқиб кутган дамлари яқинлашгандир... Энди ўзлари ҳам аҳли соз бўлгандан кейин ҳаваслари келиб туради-да,—дейди.

Ҳожи Абдулазиз ўтирганларни ортиқча қистатмасдан дуторини созлай бошлайди. У Самарқанд йўллари билан айтиладиган қўшиқлардан ва ўзи басталаган Бозургоний, Гулузорим, Бебокча, Гуллар боғи сингари бир нечта қўшиқни қаторасига айтади. У ушшоқни айтаётганда Аҳмад Дониш бутун вужуди билан берилиб эшитди. Қўшиқ тугагандан кейин у:

—Бугунги ўтириш, айниқса сизнинг айтган ушшоқингиз хотирамдан асло чиқмайдиган бўлди. Бисёр маъқул бўлди-да. Қойилмиз Ҳожи, қойилмиз! Бу ушшоқни ким айтмаган дейсиз, уни тошкентлик ҳофиз Мулло Тўйчи ҳам, хўжандлик ҳофиз Содирхон ҳам айтган. Мана энди сиздан ҳам эшитдик. Ҳар бир устоз бу ашулага ўзича жило берган, бойитган, янада гўзал ва мазмундор қилган. Яна бир бор офарин сизга, меҳмон! — дейди.

Намозгар пайти ҳам яқинлашиб қолади. Меҳмонлар ўринларидан қўзғала бошлайдилар. Аҳмад Дониш меҳмонхона тоқчасида олдиндан тайёрлаб қўйилган тугуни ечиб, ундаги банорас тўғри Ҳожи Абдулазиз елкасига ёпади. Ҳожи Абдулазиз миннатдорлигини изҳор қилиб хайрлашади ва Қори Қамол билан кўча эшигига қараб юради.*

*

Йўлакдан катта кўчага бурилишда улар 4—5 йигитни учратадилар. Йигитлар Қори Қамолга таниш эдилар, чунки Қори Қамол биргалашиб қўшиқ айтадиган ҳамкасби ҳофиз Қори Нажм билан бу йигитлар турадиган мадрасага тез-тез бориб, суҳбатларида иштирок этиб турарди. Йигитлар олдин Қори Қамол кейин Ҳожи Абдулазиз билан кўришадилар. Уларнинг мадраса муллаваччалари эканлигини пайқаш қийин эмасди. Қори Қамол улардан биринга қараб:

*Латифжон маҳдум билан Аҳмад Дониш ҳовлиларининг тафсилотларида С. Айнийнинг «Эсдаликлар» китобидан фойдаланилди — М. А.

— Ҳа, Салимжон, бу маҳаллага бирор иш билан келганга ўхшайсизлар, шундайми? — деди.

— Ҳа, шу ерда сизларни кутиб тургандик. Бизнинг қароргоҳда 10—15 самарқандлик ва бухоролик дўстлар йиғилишиб, Ҳожини акамиз иштирокларида суҳбат қўймоқчи бўлдик, агарда ўстоз биз камбағал самарқандлик мусофир муллаваччалар даврасига қадам ранжида қилсалар, жуда хурсанд бўлардик, — деб жавоб берди Салимжон.

Ҳожини Абдулазиз Самарқандга қайтиб борганида ундан таниш-билишлари, Бухорода ўқиётган ёки истиқомат қилаётган ўғиллари, қариндош-уруғларини кўрган-кўрмаганларини суриштирганларида берадиган жавобларини ўйлаб туриб, шу заҳоти:

— Хўп-хўп, биродарларингиз хотиржам бўлсинлар, албатта борамиз. Индинга даврангизда бўламиз, — деди.

Йигитлар «Раҳмат, раҳмат, албатта кутамиз» деб хайрлашадилар.

Ҳожини Абдулазиз ваъдасига кўра индинига Қори Камол билан Салимжоннинг уйига боради. Уларни Салимжоннинг ўзи бориб, Қори Камолникидан бошлаб келади.

Салимжон турган уй Равғангарон кўчаси бўйлаб оқадиган ариқнинг бўйида жойлашганди. Улар дарвозадан ичкаридаги айвон шаклидаги усти ёпиқ жойдан ўтадилар, сўнгра ўнг томондаги кичкина эшикка кирадилар. Унда узунлиги ва эни ўн метрча келадиган ҳовлича бор эди.

Бу майдон ёппасига пишиқ гишт билан қопланган. Тўрда битта катта уй, ўнг ва чап томонларида даҳлизга ўхшаш иккита уйча бор эди.

Бу ҳовлини эгалари қишлоқдаги ёзги боғларига кетганлиги сабабли Салимжон 3—4 ойга ижарага олган эди. Салимжон мана шу ҳовлининг эгаси Жаббор ҳолвогарга шогирд тушган бўлса ҳам, ўзи уста даражасига етиб қолганди ва шу сабабдан тирикчилиги ҳам бошқа ўртоқларига қараганда яхши ўтарди. Салимжон тузуккина хат-саводли бўлиб, шеърни яхши тушунар эди. У шоир ва санъатчиларни жуда ҳурмат қиларди, улар билан дўст тутинар, ўзи гапга ҳамда ишга чечан шинаванда йигит эди. У ҳали ёш бўлиб хотин, бола-чақаси йўқлиги сабабли топган-тутганини кийим-бошга сарфлаб, яسانيб-тусаниб юришни яхши кўрарди. У ўқишга келганидан кейин отаси, сўнгра онаси вафот қилган, битта синглиси турмушга чиқиб, бошқа қишлоққа кетиб қолганди. У танҳо қолганига қарамасдан самарқандлик таниш-билишлари билан борди-келди қилиб туради, баъзида Ургутга ва синглисининг олдига ҳам бориб туради.

Салимжон Ҳожини Абдулазиз билан Қори Камолни меҳмонхона ҳисобланган тўрдаги катта уйга бошлаб киради. Унда ўн бештача ўспирин йигит ўтирарди. Ўртада хонтахталар, йўл-йўл матодан қилинган дастурхон, унинг устида нон, патир, кулча, ўрик, жийда, допашўрак, 4—5 хил ҳолва қўйилганди.

Йигитлар меҳмонларни ҳурматлаб ўринларидан турадилар,

Ҳожи Абдулазиз билан Қори Камол ҳамма билан қўл бериб кўришадилар ва ўтиргандан кейин фотиҳа ўқилади, Ҳожи Абдулазиз уларнинг ўқишларига, касбу корларига кушойиш тилайди, бирма-бир самарқандлик йигитларнинг оталарини суриштиради, уларнинг кўпчилиги Ҳожи Абдулазизга таниш чиқади, йигитлар орасида Оқилхон самоварчиннинг ҳам узоқ қариндошларидан бирини танийди.

Ҳожи Абдулазиз бир-икки пилёла чой ичгандан кейин Қори Камолга:

— Мана, танишиб ҳам олдик, бу ёшларга хусандчилик керак, шундай эмасми? — дейди ва аввал якка дуторда бирин-кетин иккита уфорга ўхшаган енгил ўйин куйларидан чалади, кейин Қори Камолга қараб туради-да, секин-аста даромад қилиб, юқори пардалардан, худди Фарғонанинг «катта ашула» лари йўлларига ўхшатиб қуйидаги халқ шеъри мисраларини куйлайди:

Жонон бўламан деб ҳаммани куйдирасанми?
Қуйган бу фақирларни яна ёндирасанми?
Эй, офатигон, юз йилга довр шундай турасанми?
Ёш бошинг ила севмай мана шундай юрасанми?
Эй, Меҳри Қулол кўчасидан ўтмаганим, кел!
Шоядки сени тушумда кўрсам,
Кел ўргилайин дебон югурсам,
Дардингни олиб, ғамингни сўрсам,
Дарду аламингда чиқди жоним,
Ўртанди жисмим ҳам устихоним.
Мен кўрганим онда сен ёшгина эрдинг,
Ҳам эркаю мунис, ёввошгина эрдинг.
Оқ юзлигу холдор, қалам қошгина эрдинг,
Бир ишқи санам бўйнима, йўлдошгина эрдинг,
Кел, Меҳри Қулол кўчасидан ўтмаганим, кел!

Ўспирин йигитларнинг қалбида севинч ҳислари уйғониб, кўз олдиларидан ғойибона ёр васли бир-бир ўтиб турарди.

Ҳожи Абдулазиз мана шу ўтирган йигитлар тушунчасига, ички руҳий кайфиятига хос енгил, шўх ва ишқий қўшиқларни бирин-кетин айта берди. Ҳожи Абдулазиз ўзининг «Дала куйлари» номи билан басталаган қўшиқларидан бирини шундай мисралар билан айтади:

Юр, десам бог сайлига,
Ул ёр «бормайман» деди,
Арзим айтиб куйласам,
Такрор «бормайман» деди.
Жону дил бирлаи сўраб,
Юз минг тавозуъ айласам,
Нозланиб, аччиқланиб,
«Зипҳор бормайман» деди.
Минг хижолатга қўйиб,

Рангимни этди заъфарон,
Ҳажрида бўлдим, нетай, —
Бемор, «бормайман» деди.

Ўтирганлар терма қўшиқларнинг ҳазиломуз, нозланиб караш-
ма билан айтилган мисраларини эшитиб, гоят завқланиб, бара-
варига қарсак чаладилар.

Ҳожи Абдулазиз ўтириш тугай деб қолганда Навоийнинг
шўх, жозибали рақс руҳидаги шеърини ҳаводор рақс куйига
солиб куйлайди:

Бир печа гул барги қабо, яли-яли,
Айлагали бизни адо, яли-яли,
Тузмоқ учун савти наво, яли-яли,
Жамъ бўлинг моҳлиқо, яли-яли;
Бўлди қизиқ базм саро, яли-яли.
Кеча очиб орази тобонини,
Равшан этиб ғанр шабистонини,
Рашкка ёқиб Юсуфининг жонини,
Хаста Навоийни тўкуб қонини,
Қўлларига қўйди ҳино, яли-яли.

Ҳожи Абдулазиз даврадаги шинавандаларнинг талабини
қондиршдаги сезгирлиги билан машҳур эди. Шу сабабдан ҳам
бу даврадаги қўшиқлар шу пайтгача Бухоронинг мана шу ёшлар
даврасидан бошқа бирор даврада айтилмаганди. Бу қўшиқларни
ҳатто Қори Камол ҳам биринчи бор эшитиши эди.

Икки соатчадан кейин дастурхонга йнгитлар томонидан меҳ-
мон шарафига пиширилган ҳарфона палов келтириб қўйилади.
Ошни татиб кўрган Ҳожи Абдулазиз бошини чайқаб:

—Бай, бай, бай, бай! Паловнинг шу қадар мазалик бўлишини
биринчи кўришим. Буни пиширганга офарин!—деди.

Салимжон пойғаҳда тортниб, лом-мим демасдан ўтирган
хомуш бир йнгитни кўрсатиб:

—Бунақа ширин паловларнинг устаси мана бу Ниёзжон
бўладилар, — деди.

Ҳожи Абдулазиз ошпазга офаринлар айтган эди...

* *

*

Ҳожи Абдулазиз бир зиёфатда Бухоронинг машҳур кекса
ҳофизи Ота Жалол билан танишади.

Ота Жалол Бухородаги барча санъаткорларнинг устози эди.
У аслида Бухорода туғилганди. У ёшлигида мақом шеърлари ва
айрим куйларини дастлаб онасидан ўрганади, чунки онаси савод-
ли, шеърятни ва санъатни севган ва мақом йўлларига солиб
куйланадиган шеърлардан ҳам хабардор бўлган хотин эди. Ота
Жалол йнгирма ёшида Бухоро мақомларини муқаммал ўрганиш-
га муваффақ бўлади ва ижрочиликда ҳам шўҳрат қозонади, ке-
йин у саройга чақирилади ва у ерда ўттиз йилдан зиёд хизмат
қилади.

Саройдаги ашулачи, чолғучиларнинг кўпчилик қисми турли район ва қишлоқлардан танланарди, дастлаб улар сарбозлик қиларди, кейин бирор кекса устозга бириктириб қўйилар, улар ўз вақтининг кўпчилик қисмини сув ташиш, отларнинг тагини тозалаш, супуриш-сидириш ва шунга ўхшаш ҳар хил юмушларни бажариш билан ўтказар ва бу ишлардан қўли бўшаган маҳалдагина музика билан шуғулланардилар.

Улар ҳар кун амир ҳузурига чақирилишни кутиб ўтиришга мажбур эдилар. Баъзи кунлари улар эрталабдан тушгача ва намозгардан ярим кечагача бекорга кутиб ўтириб, кейин қайтиб кетардилар. Улар амир амалдорларининг рухсати бўлмагунча саройдан ташқарига қадам қўёлмас эдилар. Мабодо саройга қарашли бирор ҳофиз ёки чолғучи бошқа жойдаги тўй ёки базмда иштирок этса, жазоланарди. Масалан, атоқли ҳофиз Леви Бобохонов (Левича) амир олдида айтадиган қўшиқларини граммофон пластинкасига ёздиргани учун ҳожатхонага қамаб қўйилган эди.

Ёшлигида зўрлик билан саройга келтирилган ўнлаб моҳир санъаткорлар амирдан шафқат кўрмай, оиласиз, уй-жойсиз, қартайиб беҳудага умр ўтказишга мажбур эдилар. Шу сабабдан кўпгина адабиёт ва санъат арбоблари сарой хизматида бормасликка ҳаракат қилардилар.

Ота Жалол мана шу йилларда Бухоро мақомларини маълум усулга солади, тартибга келтиради, олдинма-кетин ижро этиш тартибларини жой-жойига қўяди ва ҳозирда биз эшитаётган «Шашмақом» формасини юзага келтиради. 1923 йилда бу устоздан ва унинг касбдоши танбурчи Ота Ғиёс Ғаниевдан рус фольклористи ва композитори В. А. Успенский Шашмақомни нотага (текстсиз) ёзиб, сўнгра уни нашр қилган эди.

Ота Жалол ўнлаб хонанда ва созандаларга мақом йўлларини ўргатган, уларни машҳур мақом ижрочилари қилиб етиштирган устоз эди. Уша даврда Бухоро Шашмақомининг олти тарахбори, яъни ҳар бир мақомнинг бошланғич ашула қисмини Ота Жалолдан бошқа бирор хонанда тўлиқ билмасди ва унинг иштирокисиз айтилмасди.

Ота Жалол зиёфатда «Сегоҳ» мақомининг сарахборини бошлайди, ҳамроҳлари ва шогирдлари — Қори Нажм, Абдусамад Беғижон ва Шодихон танбур ва доирада жўр бўлиб туришади. Ота Жалол сарахборни айтиб тугатгандан кейин, тарона ва бошқа шохобчаларига ўтади. Бошқа ҳофизлар ана шунда унга қўшилишиб турадилар.

Ҳожи Абдулазиз Бухоро шашмақомининг бир неча қисмини мукаммал билса ҳамки, лекин ижрочиликдаги бундай текис усулни, нозик фразировкани, кутилмаган жойда гулпартав қилишни, яъни зебопарий, чоргоҳ муҳайяр, авжи турк сингари қўшимча авжлар киритилишини, ниҳоят балад пардаларнинг кучанмасдан силлиқ ва ёқимли айтилишини кўриб, ҳайратда қолади.

Сегоҳ мақомидан сарахбор ва тароналар айтилиб бўлгандан кейин ғижжакчи Туробқулга навбат келади.

Туробқулнинг ёнида аллақачон созлаб, чалишга тахт қилиб қўйилган иккита ғижжак турарди. Унинг бири ҳинд ёнғонидан ясалган, ниҳоят кичик кесахоналик бўлиб, иккинчисининг кесахонаси сариғ мисдан ясалганди. Туробқул навбати билан иккала ғижжакда гоҳ «Наво» мақомидан, гоҳ «Ироқ» мақомидан мушкilot йўлларини чалади. Қамонча унинг қўлида шу қадар майин ва бир текисда сурилардики, у бошдан бу бошга ўтилгани сира ҳам сезилмасди. Туробқул тўртинчи кўйни чалиб тугатади.

Меҳмонлар Ҳожи Абдулазиздан ашула эшитишни илтимос қиладилар. Ҳожи Абдулазиз созланган дуторини яна бир бор кўриб чиқади ва кичик бир машқ бошлайди. Ундан кейин тўхтамасдан бирин-кетин иккита шўх ва енгил қўшиқни айтади, сўнггра:

Дўстларим бир нозанин ишқи бу ҳол этмиш мени,
Зулф савдоси алиф қаддимни дол этмиш мени,
Лола гул рухсори ҳажр ашкимни ол этмиш мени,
Бир нари пайкар ғамн ошифта ҳол этмиш мени,
Элга аҳволим демакда гунгу-лол этмиш мени.

мисралари билан Навоий мухаммасини бошлайди. Қўштор созидаги дутор Ҳожи Абдулазизнинг овозига ниҳоят ёпишарди. Дуторда чалинган ўйноқи, шўх паузалар даврадагиларни жонлантиради, ҳамма енгил нафас олади, чунки Ҳожи Абдулазизга қадар чалинган кўйлар ва айтилган ашулалар шашмақомнинг қатъий форма ва услубида ижро этилиши лозим бўлган вазмин йўллар эди.

Ҳожи Абдулазиз олдидаги пиёлага қўйилган чойни бир-икки ҳўплаб, атрофга қарайди. Шунда Ота Жалол:

— Чарчамаган бўлсангиз, яна бир оз айтсангиз... — дейди.

Ҳожи Абдулазиз дуторин олиб, тожик тилида «Ироқ», кейин «Бузрук» мақомидан ашула йўлларини айтади ва охирида «Ушшоқ» ни Бухорода эшитилмаган ҳамда ўзи томонидан басталанган хилма-хил қочирим ва даромадлар билан ўриплатиб айтади.

Уни диққат билан тинглаб ўтирган устоз хонанда ва созандалар унга тасанно айтадилар.

— Бисёр яхши, завқбахш санъаткорсиз, — дейди Ота Жалол — Абу Али ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Амир Навоий, Дарвешали сингари устозларимиз қадимда мақомлар чанг, қонуи, уд ва бошқа асбобларда чалиб айтиларди деганлар. Мақомни танбурда чалиб айтиш фақат Бухорода, кейин Хоразм ва бошқа жойларда расм бўлди. Модомики, мақом шу маҳалгача хилма-хил асбоблар жўрида айтилиб келган экан, бундан кейин ҳам бошқа асбоблар жўрлигида айтилиши турган гап. Шашмақомни дутор чалиб айтишни самарқандлик меҳмон Ҳожи Абдулазиз бошлабдилар. Лекин бундай ишга улуг санъткор жазм қила

олади. Менинг фаҳимча, бундай улуғ устоз Ҳожи Абдулазиз бўлиб чиқдилар. Офарин! Бошлаган хайрли ишларига кушойиш тилаймиз.

Ўтирган сапъаткорлар Ота Жалолнинг бу сўзларини Ҳожи Абдулазизни устозлар қаторига қўйиш деб тушунгандилар. Аслида шундай ҳам эди.

* *
* *

Ҳожи Абдулазиз зиёфатдан чиқа туриб, йўл-йўлакай Ота Жалолдан унинг олдига бориб Шашмақомнинг баъзи бир қисмларини ўрганиш истагини айтади ва улар учрашиб туриш вақтини белгилайдилар.

Ҳожи Абдулазиз Самарқандга кетишига қадар олти ойгача Ота Жалолдан таълим олади. Мана шу олти ой ичида асосан Ота Жалол билан бўладиган машғулотлардан холи бўлган кунларида Қори Камол билан бирга Бухоронинг қадимги ёдгорликларини бориб кўради. Янги дўстлар орттиради ва ҳар хил давраларда бўлади, Бухоронинг тарихи, адабиёти ва ҳар хил музика намояндалари тўғрисида бир қанча маълумотлар олади.

Қиш кетиб, баҳор ҳам бошланган эди. Ҳожи Абдулазиз Қори Камолнинг ҳовлисида қўй сўйиб, зиёфат беради. Зиёфат охирида Ҳожи Абдулазиз устози Ота Жалолнинг олдига қимматбаҳо сарпо қўяди. Устози Ота Жалол ва бошқа яқин дўстлари билан хайрлашиб, Самарқандга жўнайдн.

ҲОЖИ АБДУЛАЗИЗ ҚОСИМБОЙ ТҲИИДА

Саратон ойи. Тонг ғира-шира ёришмоқда. Самарқанднинг Тошкент томонга кетадиган йўли устида отининг боши гоҳ ўннга, гоҳ чапга чайқалиб бораётган арава устидаги аравакашдан бошқа бирор жонзод кўринмасди... Эгнига кўк бўз қўйлак-иштон ва оқ сурп ятак кийган аравакаш отининг пешопасига, эгари устига тақилган ярашиқларга завқланиб қараб боради. Эгарининг орқа томонида от қорни устига осилиб турган илгичка тасмага қадалган мис тангачалар қуёш нурида товланиб турарди. Аравакашнинг тўриқ оти бир меъёردа текис қадам ташлаб борарди.

От Зарафшон дарёси устидаги тор ёғоч кўприкнинг ярмидан ўтгач, от эгасига бўйин бермай чопқиллаб кета бошлади. Арава кўприкнинг нариги томонига ўтгандан кейин, тўппа-тўғри дарёга интилди. Аравакаш отини зўрга тўхтатиб, йўлғунга боғлади ва арава остидаги михга илтиган челагини олиб, аллақачон нами қочиб қолган соҳилдаги қумдан юриб, дарё ўртасига боради. Сувга энгашганида челақ аранг тўлади ва шу маҳал аравакаш сувдан кўзини узмай хаёл сура бошлайди...

У бундан беш йил олдин ҳам сув худди шу хилда танқис бўлганини, сув жанжалларини, ана шундай жанжалларнинг

бирида отасининг бойдан сўкиш эшитганлигини, ҳатто калтак ҳам еганлигини, бели чиқиб бир йил тўшакда бетоб ётганлиги ва охирида дунёдан ўтганлигини оғир хўрсиниш билан кўз ўнгидан ўтказди.

Отининг устма-уст депсиниб кишнаши аравакашни ўрнидан туришга мажбур қилади. Аравакаш отини суғорди-да, қолган сувни араваканинг гулчагига сеппиб йўлига равона бўлди. Унинг кўз ўнгида ҳамон сув жанжалли, отасининг тўшакда ётгани ва зўравонларга лаънатлар ўқигани барала эшитилиб турарди. Ниҳоят, у чуқур бир оҳ тортиб, ҳазин ашуласини хиргойи қила бошлади.

Арава орқасидан икки чақирим узоқликда бир отлиқ ҳам келарди. Отлиқ бир чақиримча масофани ўтгандан кейин, аравакашнинг мунгли хиргойисини эшитиб, унга етиб олди. Аравакаш ёлма-ён келаётган отлиқни кўрмасдан хиргойисини завқ-шавқ билан авжига чиқаради. Отлиқ аравакашни таниб:

— Ҳорманг, Ҳасанбой! — деди.

Аравакаш қайрилиб отлиққа қарайди-да, сакраб аравадан тушиб у билан сўрашади:

— Э, э, э, ассалому алайкум, Ҳожи ака, йўл бўлсин?!

— Ваалайкум ассалом, сизга йўл бўлсин?!

— Қомбойга, озроқ хизмат бор экан...

— Қосимбойнинг тўйигани?

— Ҳа, Ҳожи ака, сиз ҳам ўша ёққа боряпсиз шекилли? — деди отлиқ ва яна аравага чиқиб олди.

— Ҳа, биз ҳам ўша ерга. Хасис Қосимбой бир ойдан олдин тайинлаб уйимга одам юборган эди. Ўтган кеча яна одам устига одам юбориб, жонимга тегса бўладими. «Бетобман» десам ҳам ҳоли-жонимга қўймади. Ҳаво исимасдан манзилга етиб олай деб, барвақтроқ йўлга чиққан эдим. Яхшиямки сиз учраб қолдингиз, гўрунглашиб етиб оламиз.

Аравакаш Ҳасан ўз хиргойисини эслаб хижолат бўлади:

— Ҳожи ака, эшитиб роса кулгандирсиз. Зерикканда унча мунча зам-зама дегандай...

Ҳожи Абдулазиз Ҳасан аравакашни хижолатдан чиқармоқчи бўлиб:

— Йўқ, йўқ, Ҳасанбой, ундай деманг! Мен ашулангизни орқадан ҳузур қилиб эшитиб келдим. Ростини айтсам бунчалигини билмаган эканман. Овозингиз жуда ширали; дуторми, танбурми, бирор созда чалишни ўргансангиз яна ҳам яхши бўларди.

— Ие, биз қасерда-ю, ҳофизлик қасерда. Биз аравакашларга отимиз тўқ ва йўл теп-текис бўлса бўлгани.

Ҳожи Абдулазиз уни санъатга қобилияти борлигига ишонтирмоқчи бўлди:

— Нега ундай дейсиз? Сиз яхши ашулачи бўласиз! Сизнинг овозингиз баланд, ёқимли, ашула усулингиз тўғри, қочиримларингиз дилкаш, — дейди.

Улар ҳар тўғрисида гаплашиб, Жомбой яқинидаги бир қишлоқчага қандай етганларини ҳам сезмай қолдилар. Қишлоқ аҳолиси эндигина қўй-қўзи, сигир-бузоқларини уйларида чиқариб, бирин-кетин йўлдаги подага қўшаётганди. Қўлига узун таёқ ушлаган, жўлдур кийинган подачи тобора кўпайиб бораётган подани ҳай-ҳайлаб ҳайдаб, қишлоқ йўлининг дам у томонига, дам бу томонига чопарди...

Қишлоқ ўртасидаги арава йўли бир пастда шовқин-сурон бўлиб, чанг-тўзон билан қопланди. Подачи иккала йўловчи олдидан ўтатуриб Ҳожи Абдулазизга кўзи тушгач, уни таниди:

— Ассалому алайкум, Ҳожи ака, бу кеча дилкаш наволарини эшитарканмиз-да, — деганича тўхталмасдан ўтиб кетади. Шунда Ҳасан аравакаш:

— Ҳожи ака, сизни танимайдиган кимса борми, бу дунёда?

— Қишда бу қишлоқда икки кун туриб кетган эдим, шунда кўрган бўлиши эҳтимол.

— Ҳожи ака, эшитишимча, Қосимбойнинг тўйи бир ҳафтага чўзилармиш.

— Э, Ҳасанбой, соддасиз-да. Бу дағ-дағанинг ҳаммаси «хўжа кўрсин» учун, хасис бойнинг икки кўзи келган меҳмонларнинг қўлида. Тортиқ билан келган бойлар тўрдан жой олади, қуруқ келганлар бир бурчакда шумшайиб етимчадай ўтира беради. Бойнинг фикри-зикри шу тўй баҳонаси билан одамлардан бирор нарса ундириш. Мана шунинг учун ҳам хасислар тўйига оёғим тортмайди.

Ниҳоят, йўловчилар Жомбойга яқинлашадилар.

Аҳолиси у қадар кўп бўлмаган бу ўртача қишлоқда тўйхона-ни топиш унчалик қийин эмасди, албатта.

Йўловчилар ўнгга қараб кетадиган йўл рўпарасида тўхташлари билан бир бола чопқиллаб келди:

— Ассалому алайкум, тўйгами, мулла ака?

— Ҳа, Қосимбойнинг тўйига, — деб жавоб қайтаради Ҳожи Абдулазиз.

— Менинг кетимдан юра беринглар! — деб бола ариқ ёқалаб йўл бошлади. Юз қадам чамаси юрилгандан кейин Ҳожи Абдулазизнинг кўзи томига ғўзапоё, маккажўхори ва шох-шаббалар уюлган хароба кулбанинг деворига суяниб ўтирган чолга тушади. Отини тўхтатиб, синчиклаб қараб, чолни танигандай бўлади. Эгардан тушиб, чолнинг олдига боради.

— Ассалому алайкум, ота!

Чол кўзини қўли билан қуёшдан пана қилиб жавоб беради:

— Ваалайкум ассалом!

— Ота сиз Мирзо Меҳтар эмасмисиз?

— Ҳа, мен ўша айтганингиз Мирзо Меҳтарман. Ўзингиз ким бўласиз?

— Сиз мени ҳалиям танимаяпсиз, шекилли?

Чол бир пас тикилиб, очиқ, сержун кўкрагига тушиб турган узун соқолини силар экан:

— Қўзим хиралашиб қолган, овозингиздан Расул саллабофнинг ўғли Абдулазиз дуторчига ўхшайсиз, — дейди.

— Ҳа, шундай, Абдулазизман ота, — деб жавоб қайтаради.

Ҳожи Абдулазиз ёши тўқсонларга етиб қолган нуроний чолнинг тарам-тарам ёрилган қўл-оёқлари, етмиш ямоқ кўйлак-иштонини, оёқ панжаларини кўриниб турган йириқ ковушни ва увадасини чиққан дупписига қараб, ич-ичидан ачиниб кетди.

— Меҳтарлиқни ташлаганингизга анча бўлгандир-а, ота?

— Ризқи-рўзим ўтсин деб яқин кунларгача чалардим. Охири ярамай қолдим. Бу сурнай дегани ўпкани еб, адоий-тамом қилди...

— Яқинда Бухорога борган эдим. Сизга Юсуф Қовоқ ва Тўпхона маҳалласидаги меҳтарлар кўндан-кўп дуойи-салом айтишди.

— Ҳа, ҳа, ҳа. Бухороини Шариф... Ундаги меҳтарлар... Эҳ, қанақа зўр меҳтарлар ўтган у Бухороини Шарифда. Тилло кўб кўс ногорачи Юсуф Қовоқ... Ногорачиларнинг пошшоси. Ўзиям юзга киргандир?

— Ҳа, яқинлашибдилар. У киши ҳали тетик, онда-сонда ногора ҳам чаладилар.

— Қўли гул, қалби гулзор, юзи гул, турган-битгани гул, у одам. Қани энди дунёда ҳамма одамлар ҳам Юсуф Қовоқдек ростгўй, виждонини пок, ўз ҳунарин билан, ҳалол меҳнати билан пон топадиган бўлсайди... — деди чол, ёшланган кўзларини қўлларининг кафти билан арта-арта, — раҳмат ўғлим, Юсуф Қовоқдай дўстларимни ёдимга солиб, яхши қилдингиз. Яхши кишиларнинг йўллаган саломлари, мени эслаб тилга олганликларидан беҳад хурсандман. Яна минглаб раҳмат сизга, ўғлим. Агарда яна Бухорога боргудай бўлсангиз мендан ҳам... У ёғини ўзингиз тушунасиз... (Мирзо Меҳтарнинг ўпкаси тўлиб, бошқа бирор сўз деёлмасди...)

— Хотиржам бўлинг, отажон, албатта етказаман, — деди чолни юзатиб Ҳожи Абдулазиз ва кейин ундан сўради:

— Ие ота, экиннингиз қовжираб қолибди-ку!

— Қовжираяпти болам, қовжираяпти. Сув йўқ, сув!

— Ахир мана сув! Бу ариқнинг суви билан суғорсангиз бўлмайди-ми? — деди Ҳожи Абдулазиз кулба яқинидан шариллаб оқаётган ариқни кўрсатиб.

— Дейдиларкин жаннатда кўрмоқ бор-у емоқ йўқ. Шунга ўхшаб бу сувни кўрамиз, холос, аммо уни ичишга ва у билан ер суғоришга ҳаққимиз йўқ. Бир хўпламни ичгани борганда ҳам орқа-олдимизга қараймиз. Борди-ю Қосимбой кўриб қолса, бизни балога қўяди. Бу ариқларни ўз қўлимиз билан ковлаб сув келтирганмиз. Агар кўшимиз шу бойга қолса, бу йил чорак таноиб ерда унадиган жўхорининг зогорасидан ҳам маҳрум бўладиганга ўхшаймиз. Қосимбой онадан туғилганида бориб сурнай чалдим, қўғирчоқ ўйнатдим, суннат тўйида бир ҳафта қайроқ ўйнаганман. Эндичи, энди кексайиб бир парча нон билан овуна-

диган мендек кекса бир чолга ариқда оқиб турган сувни ҳам раво кўрмайди.

Ҳожи Абдулазиз ғазабини чолга билдирмай, у билан хайр-лашади ва отига миниб йўлида давом этади. Сал юрилгандан кейин тўйхонага қайриладиган йўл кўринди. Сурнай ва ногора садоси бутун қишлоқни қоплаган эди. Ҳожи Абдулазиз билан Ҳасан тўйхонага яқин келиб отдан тушадилар. Ҳожи Абдулазизнинг олдига биринчи бўлиб кекса ногорачи келади, илиқ кўришади. Сўнгра башанг кийинган бой ва бойваччалар билан Қосимбой ҳам келади. У кўришгандан кейин меҳмонхонага таклиф қилади.

Башанг кийинган сармаст бойваччалар билан лик тўлган меҳмонхонадан мусаллас ҳиди анқиб турарди.

— Тўйхона деб майхонага келибман-ку, — деб пичирлайди даҳлиздан ичкари кириб Ҳожи Абдулазиз ва кўрсатилган жойга бориб ўтиради. Меҳмонлар олдига солинган йўл-йўл дастурхон бошқатдан тузатилади, иссиқ нон, ширинлик ва чой келтирилади.

Ҳожи Абдулазизнинг гапини эшитиб қолган чала маст бир бойвачча пала-партиш жавоб қайтариб: «Онда-сонда шунақасиям бўлиб туради-да», «Бу дунёнинг лаззатларидан бири май эмасми, ахир?» дейди. Ҳожи Абдулазиз унга жавоб қайтармай тескари қарайди.

Меҳмонлар орасида икки киши Ҳожи Абдулазиз кириши билан хомуш бўлиб қолади. Булар Турғун Сариқ билан Розик Дароз эди.

Аслида Турғун Сариқ билан Розик Дароз музика санъатига тасодифан ўралашиб қолган шахслардан эди. Турғун Сариқнинг отаси Самарқанд яқинидаги қишлоқларнинг биридаги масжидда сўфилик қилган. У ўғлини қорилик мактабига ўқишга берган, аммо бола уни эплай олмагандан кейин уни этикдўзга, сўнгра челангарга шогирдликка берган. Турғун Сариқ бу касбларни ҳам ўргана олмади. Отаси вафотидан сўнг, ямоқчилик билан кун кечира бошлади.

Розик Дароз ҳам бир қанча касбларга кириб чиққан ва бирор-тасини ҳам поёнига етказа олмаган эди. Охири ҳаммомда ходимлик қила бошлайди.

Буларнинг иккаласи тасодифан ҳаммомда танишиб қоладилар. Турғун Сариқ билан Розик Дароз кун кечиришнинг бирор осонроқ йўлини топиш устида бош қотира бошладилар. Шунда Турғун Сариқ қорилик мактабида сал-пал савод чиқарганлигини ва айрим ғазалларни ёддан билишлигини айтганда, Розик Дароз ҳам бешик тўйларида доирани наридан-бери гупиллатганлигини айтади, хуллас, Турғун Сариқ билан Розик Дароз санъатчи бўлиш пайига тушадилар. Чунки куз кириши билан қишлоқларда тўй-томошалар бошланар, тўйчилар шаҳарга келиб самоварма-самовар дайдишар, санъатчиларни излашарди...

Мана шундай пайтларда чала-чулпа ўрганилган 5—6 та

ашула айтиб, озроқ даромад қилиш имконияти туғиларди. Бу иккала оғайни ўз «хунарини» шаҳардан узоқ қишлоқларда кўрсата оларди, холос. Улар бир тапишлари орқали Ҳожи Абдулазизнинг ашулаларни ёзилган грампластинкаларни топиб, ундаги ашулаларни ярим-ярти ўрганиб олгандилар ва шунинг дастмоя қилиб юрардилар.

Аммо улар Ҳожи Абдулазизга ўхшаган устозларни ёқтирмасдилар. Чунки мўмайгина даромад берадиган ҳашаматли тўйларга ва давраларга бу икки «санъатчи» ни ҳеч ким чақирмасди ва назар-писанд ҳам қилмасди. Турғун Сариқ билан Розик Дароз «Агарда Ҳожи Абдулазиз бўлмаганда эди, биз шаҳарнинг «ҳурматли санъаткорлари» қаторидан жой олар, сердаромад жойларга чақирилар ва аллақачон бойиб кетган бўлар эдик. Ҳожи Абдулазиз жуда кўп ашула, қўшиқ ва куйларни билади, даврадагиларни ёқимли овози, хилма-хил қочирмалари билан лол қилади, дутор чалганда кишининг бутун вужудини кўзғатади. . . Ҳожи Абдулазиз сеҳргар, унинг даврадагиларни ўзига тортадиган сирни бор» — деб ўйлашарди.

Мана шу сабабдан ҳам Ҳожи Абдулазизнинг келиши уларни тоқатсизлантириб қўйган эди.

Хуллас, Турғун Сариқ билан Розик Дароз чалаётган асбобларини ноилж деворга тираб қўйгандан кейин кўкариб-бўзариб:

— Хуш кўрдик! Сизни кеча кутган эдик, — дейди. Ҳожи Абдулазиз уларнинг гапларини қоқ белдан бўлиб «бетоб эдим» деб қўя қолди.

Турғун Сариқ бунга ичидан севинса-да, лекин сир бой бермаслик учун:

— Э, э, худо сақласин! — деб қўяди.

— Бир насадан кейин кўрасан бу бетобнинг хунарини! — деб пикирлайди Розик Дароз шеригига. — Яхшиям кеча келмади, оз-моз чой чақа туширдик. Оғайни, энди кавшни қўлтиқлаб, жуфтани ростласак ҳам бўларди.

— Гапинг тўгрику-я, бир оз ўтирайликчи, мусаллас яна бир пиёладан айлангандан кейин, зора Ҳожидан бизга ҳам бир пор нарса ортиб қолса деймап.

— Ишқилиб охири бахайр бўлсин-да!

Дастурхондаги шириликлар билан бир-икки пиёла чой ичилгандан кейин, ўтирганлар «Ҳожи ака, сиздан бир жуфт эшитсак бўларди», «Дамингизни олгандирсиз», «Ҳа, шундай бўлсин!» дея бошладилар. Ҳожи Абдулазиз мулоимлик билан «хўи-хўп» деса-да, хаёли ҳамон кекса меҳтарда эди, пойгаҳда ўтирганлардан бири Ҳожи Абдулазизнинг даҳлизга тез-тез қараб қўйганини сабабини пайқади шекилли, эшикка қараб:

— Ҳой, Ҳожи аканинг дуторини келтирмайсизларми? — деб бақиради. Унинг ёнидаги сал кайфи ошиб қолган меҳмон йигит Турғун Сариқнинг табурини олиб:

— Дуторми, мана дутор, олинг, чалинг! — дейди. Бошқа бири эса, доирани узатиб:

— Буниси-чи, бўлмайдимми? — безбетлик билан Ҳожи Абдулазизга бақрайиб қараб туради.

Ўз ҳаётида бундай шилқим мастларни кўп кўрган Ҳожи Абдулазиз уларнинг гапини эшитмаганга олиб, пинагини бузмай бир қиёмда ўтирарди. Ниҳоят, Ҳожи Абдулазизнинг отини етаклаб келган меҳтар бола дуторни олиб киради.

Ҳожи Абдулазиз дуторни авайлаб олиб, зангори духоба ғилофдан чиқаради ва учга ажраладиган қисмларини бир-бирига бураб улайди, кейин енгини шимариб, созлашга киришади. Унинг қўллари дуторга шу қадар ёпишардики, гўё бу ингичка, нозик, озгун узун бармоқлар биргина дутор чалиш учун яратилгандек туюларди. У ён чўнтагидан дастурмолчини чиқариб, дутор торлари устидан уч-тўрт марта юритиб бўлгач, ўнг қўли панжалари билан харракнинг тўғри-нотўғрилигини ўлчаб кўради, дуторни қулоғига яқин келтириб, созини обдан тобига келтиради ва пиласига эндигина қуйилган иссиқ чойни бирикки хўплайди-да, ўтирганларнинг тинчишини кутгандай қараб туради.

Ғала-ғовур секин-аста тинади. Ҳожи Абдулазиз меҳмонларнинг сал тинчиганлигини кўргач, ажойиб бир оҳангда:

Қора кўз бирла бир ғамза қилиб юз минг жафо қилма,
Қарашма бирла оламни менингдек мубтало қилма

сатрларини бошлаганида меҳмонхона сув қуйгандай жим-жит бўлиб қолди. Тўрдаги Турғун Сарик ва Розик Дароз бир-бири билан секин шивирлашиб қолади:

— Бошлашини қара, эшитаяпсанми?

— Қуй энди, нимасини айтасан, шўримизни қуритиши турган гап.

— Биз ҳам бўш келмаймиз, ака!

Ҳожи Абдулазиз қўшигини яна давом эттиради:

Охир бегона, деб гирён эшигингдан қувар бўлсанг,
Кулар юз кўргузуб аввал кишини ошино қилма.
Бағир қон айладинг жабру жафолар бирла, султоним,
Кўзим ёши била ҳардам юзумдим можаро қилма.

Ҳожи Абдулазиз ашула бошлаши билан меҳмонхона даҳлизи тўйда хизмат қилиб юрган ошпазу, попвою, фаррожу, мешкобу, қассобу, умуман хизматкорлар билан лиқ тўлган эди. Ҳожи Абдулазиз уларга табассум билан қараб кетма-кет тўрт-бешта енгил уфар тароналаридан айтади.

Меҳмонларнинг кайфи тобора ошиб борди.

Даврадаги бойваччалардан бири гандираклаб қўлидаги мусалласини Ҳожи Абдулазизга узатади, Ҳожи Абдулазиз мусалласини олади ва ичмасдан дастурхон устига қўяди, Ҳожи Абдулазиз диққат бўлади. У бу кишилар ўртасида ўзини хор қилишни истамай, қабзиятини ёзиш учун меҳмонхонадан чиқади-да, ҳовлидаги

катта дош қозондан ош сузаётган таниш ошпази олдига боради ва унинг қулоғига пичирлайди:

— Носир ака, Мирзо Меҳтарга ҳам бир оз ош чиқартирдингизми?

— Ие-ие, буни қаранга, хотиримга ҳечам келмабди. Аттанг! Хотиржам бўлинг, паловни сергўлит қилиб сузиб 5—6 та нон ва ширинликлар билан бирга ҳозирнинг ўзидаёқ жўнатаман, — дейди ошпаз ва чойнакни Ҳожини Абдулазиз олдига яқинроқ қўйиб, ўзи ҳовлидаги хоналардан бирига кириб кетади.

Меҳмонларнинг гурунги борган сари авжига чиқарди, шовқин-сурон, кулги бутун маҳаллага эшитилиб турарди...

Меҳмонлар яна ашула эшитмоқчи бўлишди, аммо Ҳожини Абдулазизнинг ўрни бўш турарди. Меҳмонлардан бири Турғун Сарикқа қараб дейди:

— Ҳой Сарик, Ҳой Дароз, мум тишлаб ўтирабегасизларми? Қани сизлар ҳам ҳунарларингизни кўрсатинг ахир!

Розиқ Дароз билан Турғун Сарик бундай таклифга маҳтал бўлиб ўтиргандай «хўп-хўп ҳозир-да, бажону-дил, қўшиқ бўлса қўшиқ-да, бир пастда қойил қилиб ташлаймиз» деб асбобларини созлай бошлайдилар.

Улар «Ушшоқ» ни Ҳожини Абдулазиз айтадиган йўл билан айта бошладилар. Турғун Сарик жон-жаҳди билан танбурга ёпишиб, бошини дастага яқин келтириб, кўзларини пардадан узмасдан, тиришиб чаларди. Унинг калта қирқилган малла соқол-мўйлови, дум-думалоқ юзига жуда мос эди. Кажавадай ялпайиб осилган қорни букланган тиззаларини қоплаб турарди. У оғир нафас олганида бухороча танбурининг кичкина жигар ранг косахонаси, унинг осилган қорни устида гоҳ тепага кўтарилиб, гоҳда пастга сирғалиб кетиб, мудом уни безовта қиларди. Ашуланинг авжига келганда чап қўли парда устига ёпишиб қолгандай ҳаракатсиз турарди. Турғун Сарик эчкининг маърашини эслатадиган ингичка ёқимсиз овозини кўрсатишга бор кучи билан тиришар, кўзини юмиб, бошини у ён, бу ёнга чайқарди.

Унинг чўккалаб ўтирган бесўнақай шериги — Розиқ Дароз лақабига яраша жуда новча эди. Доира чалганида унинг узунчоқ юзидаги қоп-қора соқоли доира билан бир усулда силкиниб турарди. У ашула айтганда қоққан қозикдай ҳаракатсиз ўтирар, на тебранар, на чайқалар ва на тўлқинланарди. Ашула айтганда бўйинини янада баландроқ чўзар ва кучанганидан қавариб чиққан бўйин томирлари яққол кўриниб турарди. Авжга келиб юқори пардаларни олганда пари куйган кулангир, хўрознинг кеккайиб қичқиришини эслатарди.

Меҳмонлар ўз-ўзи билан овора эди. Умуман биров боғдан, биров тоғдан гапириб, қулоғига ашула ҳам кирмасди. Хуллас, чала-чулпа қилиб айтилган ашула ҳам тугади.

Шу орада Ҳожини Абдулазиз меҳмонхонага кириб, ўз ўрнига ўтиради. Янгидан дастурхон тузилади, ош тортилади, ошдан кейин чой устида Ҳожини Абдулазиз яна уч-тўрт жуфт дилкаш ашула

ва қўшиқ айтади. Сўнгра Қосимбойдан узр сўраб, шаҳарга қайтмоқчи бўлади, аммо Қосимбой жавоб бермасликка тиришадди ва ҳеч бўлмаганда яна икки кеча қолиб, базмларни ўтказиб беришни сўрайди, у Ҳожи Абдулазизнинг хизмат ҳақини икки-уч баравар ошириб, рози қилишни ҳам қистириб қўяди. Лекин шу пайтда Ҳожи Абдулазизнинг хаёлидан Мирзо Меҳтарнинг аянчли ҳоли, сувсизликдан қовжираб ётган жўхоризорлари бирма-бир ўтади. Қосимбойга нисбатан нафрати янада зўраяди.

Бир сўзлик Ҳожи Абдулазиз бўш келмасдан Қосимбойнинг илтимосини рад қилади, дуторини ғилофига сола бошлайди ва меҳмонлар билан хайрлашиб кўчага чиқади. Унинг кегидан Қосимбой ва унга тугун кўтарган киши ҳам чиққанди.

Қосимбойнинг одамлари тугунларни Ҳожи Абдулазизнинг оти устидаги хуржунга жойлай бошлади. Шунда Қосимбой бир миқдор пулни хасислик билан қўллари қалтираб Ҳожи Абдулазизга узатади:

— Ҳожи ака, сизнинг келишингиз туфайли тўйимизнинг довуғи оламга тарқалди, меҳмонлар олдида бошим осмонга етди. Энди мана шу арзимаган назримизни ҳам қабул қилсангиз, қолганига биз қарздор.

Ҳожи Абдулазиз бир оз ўйланиб туради-да, сўнгра атрофдаги кишиларга эшитиларли қилиб:

— Бой ака, бу пулни миробга беринг, у бунинг эвазига Мирзо Меҳтарнинг қовжираган жўхори поясини 2—3 суғоришга етарли сув берса, мен жуда хурсанд бўлардим, — дейди. Бу гапга хасис Қосимбой олдин ажабланиб туради, кейин рози бўлиб, пулни дарров яна ўз ҳамёнига солади.

Ҳожи Абдулазиз хуржундаги тугуннинг биттасини кекса ногорачига беради ва хайрлашиб, тўғри Мирзо Меҳтарнинг кулбасига боради. Мирзо Меҳтар елпиниб, иссиқдан нолиб ўтирарди. Олдида йиртиқ дастурхон, тўйхонадан юборилган ошнинг ярми ейилган, қолгани устига нон ёпиғлик ҳолда турарди. Меҳтар Ҳожи Абдулазизни кўриши билан қувониб кетади:

— Келинг, келинг Мирзожон. Мени йўқлаб юбортирган ошингиз учун сизни дуо қилиб ўтирибман.

— Ота, мен энди уйга қайтаётиман, сизни яна бир кўриб ўтай дедим. Мана бу сарполарни сизга олиб келдим, — деб хуржундаги тугунлардан бирини очади, ундаги кўйлак-иштон, дўппи ва бошқа кийимликларни чолнинг олдига қўйди. Бу меҳрибонликдан чолнинг кўзида ёш томчилари кўринади, севинганидан нима дейишини билмасдан, гангиб қолади... Ҳожи Абдулазиз меҳмонхонада тушган пулларни ҳам олиб унинг олдига қўяди.

— Тўрт кунлигим, бе-бе-беш кунлигим қолган, бир оёғи срда ва бир оёғи гўрда бўлган бе касу, бе наво чолга бунча пулнинг нима кераги бор?

— Олақолинг ота, бир кунингизга яраб қолар, насиб бўлса ерингиз ҳам сув ичадиган бўлди. Хайр ота, менга жавоб, кеч кирмасдан уйга етиб олмақчиман.

Мирзо Меҳтар қалтироқ қўлларини юзига яқин келтириб, Ҳожи Абдулазизни дуо қилади:

— Мартабангиз бундан ҳам баланд бўлсин, мени сийлабсиз, сизни худо сийласин, уйингизга беҳатар етиб боринг!

— Устоз, энди сиздан тез-тез хабар олиб тураман.

Ҳожи Абдулазиз Меҳтар билан хайрлашиб, қишлоқнинг суқмоқ йўлидан катта арава йўлига чиқади ва рўпарадан йўлни чапгитиб пода келаётганини кўради. Подага яқинлашганда уни кўрган подачи ҳанг-манг бўлиб қолади.

— Ие, буниси қандоқ бўлди, Ҳожи ака? Ахир қўшиқларингизни биз эшитолмадик-ку, — деб афсусланади. Бу гап Ҳожи Абдулазизга жуда қаттиқ таъсир қилган эди. Чунки подачининг бу сўзлари шу қадар самимий қилиб айтилгандики, гўё у ҳаётидаги энг лаззатбахш дамларининг биридан ажралгандай бўлиб туюларди. Бир ҳисобда, Ҳожи Абдулазизнинг фикрича ашула ва қўшиқнинг ҳақиқий мухлислари ва шинавандалари меҳмонхонадаги олифта бойваччалар эмас, балки қалби чўккан, меҳнатда беги бўклиган, ўзини хоксор олиб юрадиган мана шу подачи сингари кишилар эди.

Ҳожи Абдулазиз афсуслана-афсуслана подачига қолган битта тутунни бериб:

— Хафа бўлма ука, яна шу қишлоқдан ўтганимда албатта сенга хабар бераман, — дейди.

Подачи «Эй аттанг, аттанг» деганича қолади. Ҳожи Абдулазиз ноилож ўз йўлида давом этади.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИДАН KEYIN

Улуғ Октябрь революцияси ғалаба қозонганда Ҳожи Абдулазизнинг ёши олтмишдан ошган эди. Бу даврда унинг музика ижрочилик ва ижод маҳорати юксак даражага етади, кўпгина машҳур созанда-хонадалар томонидан юқори баҳоланади.

1924 йилда Ўзбекистон Совет социалистик республикаси тапикли топгандан кейин, ҳофиз яшаган шаҳар — Самарқанд музика ҳаётида республикамизнинг барча шаҳарлари музика ҳаётидаги сингари бир қатор ташкилий ишлар йўлга қўйилади; 1924 йилнинг ўзидаёқ Самарқанднинг Мирзо Пўлат маҳалласида музика ҳаваскорлари тўгараги ташкил топади, овчилар клуби, милиция клуби ва бошқа жойларда оммавий-бадний кечалар ўтказила бошланади. Шаҳардаги маҳаллаларда, хотин-қизлар кулубларида, қизил чойхоналарда хотин-қизлар озодлигига ва бошқа шунга ўхшаш турли хил оммавий-сиёсий тadbирларга бағишланган йиғилишлар тез-тез ўтказилиб туриларди. Бу йиғинларга кенг жамоатчилиكنи жалб қилиш мақсадида йиғилишлардан олдин ва ундан кейин ашулачи ва чолғучилар соз чалиб, қўшиқлар айтардилар. Уларда Ҳожи Абдулазиз ҳам қатнашиб турарди.

Ана шу йилларда Тошкентнинг собиқ эски шаҳридаги музика техникумининг битирганлар орасида Юнус Ражабий, Ризқи Ража-

бий ва Имомжон Икромов ҳам бор эди. Уларни Самарқанд ўзбек билим юрти ҳузуридаги музика мактабига ишлаш учун юбордилар. Бу учта тошкентлик санъаткор Самарқандда, дастлаб Ҳожи Абдулазиз билан учрашадилар. Бу учрашиш тўғрисида Юнус Ражабий қуйидагиларни эслайди:

«Мен, Ризқи акам ва Имомжон Ҳожи Абдулазизнинг олдига борганимизда у бизларнинг овозимизни эшитиб кўрди, биз билан бир оз суҳбатлашди, кейин бизни Регистон яқинидаги уйига олиб борди, ҳовлисидаги меҳмонхонага жойлаштириб: «Мана шу меҳмонхонада ҳеч тортинмасдан худди ўз уйингиздагидек бемалол яшайверинглар». — деди.

Биз бу ҳовлида тўрт йил турдик, соз чалдик, ашула-қўшиқлар айтдик, Ҳожи аканинг ашула айтиш йўлларини ўргандик, Бухоро Шашмақомини ҳам мана шу ерда тушуниб олдик. Бир сўз билан айтганда унга шогирд тушдик».

Ҳожи Абдулазиз бу бўлажак устозларни тарбиялаб вояга етказишда кучини ҳам, музика соҳасидаги илмини ҳам аямади. Уларга оталарча меҳрибонлик кўрсатар, уларни қишлоқларга олиб чиқар, тўй ва томошаларга бошлаб юрар, уларга халқ санъатининг янги-янги намуналарини ўргатарди. Юнус Ражабий бевосита Ҳожи Абдулазиздан «Бузрук», «Ироқ», Ироқнинг талқинчалари, қашқарчалари, «Ушшоқ» ва унинг бир неча вариантлари, «Гулузорим», «Бозургоний», «Бебокча», «Гуллар боғи» сингари ўнлаб ашула ва чолгу йўлларини ўрганади.

Устоз Ҳожи Абдулазиз ўзининг кексايиб қолаётганлигини, халқ музика дурдоналарини мана шу маҳоратли ёшлар сақлаб қола олишини яхши тушунгани учун бу ёшларни жуда авайлаб тарбиялар ва ўрни келганда ниҳоят талабчан ҳам бўларди.

«Кечалари, — дейди Юнус Ражабий, — тўйдан қайтиб келиб ҳаммамиз бир меҳмонхонада ётардик. Мен Ҳожи ака айтган қўшиқлардан таъсирланиб азонгача ухлай олмасдим ва унинг бирор куйини дилимга жойлаш учун секин хиргойи қилиб такрорлаб ётардим. Борди-ю бирор жойини хато қилсам, Ҳожи ака ётган тўшагида менга қайрилиб, «ундоқ эмас, мана бундоқ, Юнусвой», — деб ўзи айтиб берарди. Мен Ҳожи аканинг ҳар қандамда бизга кўз-қулоқ бўлиб юрганини ва авайлаб тарбиялаётганлигини пайқардим, қойил қолардим ва ўзим ҳам шундай бўлишим кераклигини дилимдан ўтказардим».

Юнус Ражабий 1923 йилда Самарқанддаги музикали драма театрида музика раҳбари бўлиб ишлаган даврида бир қанча драмаларга куйлар киритган эди, бунда у, устози Ҳожи Абдулазиздан ўрганган бойликдан унумли фойдаланган эди.

1924 йилнинг август ойида тўкин-сочин ҳосил шарафига Каттақўрғон шаҳари боғида катта сайил ўтказиладиган бўлди. Бу сайилда Ўзбекистоннинг кўзга кўринган санъат намоёндалари қаторида Ҳожи Абдулазиз ҳам иштирок этади. Сайилдан кейин Ўзбекистоннинг биринчи президенти Иўлдош Охунбобоев Ҳожи Абдулазиз билан суҳбатлашаркан:

— Отаҳон, овозангизни эшитувдим-у, ўзингизни кўрмагандим. Қойилман! Халқимизнинг сизга ўхшаган машҳур санъатчилари билан бутун оламга фахрланса бўлади. Мана инқилоб туфайли меҳнаткашларимиз озод бўлди, янги замон бошланди. Энди район ва қишлоқларга чиқиб, ашула айтиб, соз чалиб, уларни хурсанд қилиш, меҳнат ғалабаларига руҳлантириш керак...— дейди.

— Хўн, хўп, бажону дил, — деб жавоб қайтаради, Ҳожи Абдулазиз.

У шу суҳбатдан сўнг ёнига Қори Сирож сингари йигирмага яқин ашулачи, чолғучи шогирдларини олиб Пастдарғам, Қонимех, Хатирчи, Кармана, Гиждувон, Вобкент, Ромитон сингари район ва қишлоқларда ашула-қўшиқлар айтиб концерт томошалари кўрсатиш учун отланиб бир ойга яқин юриб келган эди.

Унинг бу саёҳати қишлоқ меҳнаткашларини жуда хурсанд қилди, аммо Самарқанддаги ички душманларнинг газабини қўзғаб юборди. Бир гуруҳ собиқ рансу қозилар, уламолар ҳофизга нафрат кўзи билан қарай бошлайдилар. Улар Ҳожи Абдулазизни бойларнинг ҳашаматли меҳмонхоналарини қаёқдаги чоракорлар даврасига алмаштирганликда, бойлар нону-намакини хотирдан чиқарганликда, ҳожилик номига исвод келтирадиган ишлар қилаётганликда, масжиду мадрасадан юз ўғирган, дин ва шариатни поймол қилаётган диёнатсизларга хизмат қилишда айблайдилар.

Ҳофиз уларнинг бу дағдағалари, киноя-пичинглари, хилма-хил бўҳтонларига ларво қилмай ўз фаолиятини давом эттира беради. Ҳофиз уларнинг давраларидан узоқлаша бошлайди, кўпларининг тўйларига бормай ҳам қўяди.

Ниҳоят, маърифат душманлари ҳофиздан ўч олишга қаттиқ бел боғлашади. Улар ҳофизнинг чиройли қизи Зухрани мўлжалга оладилар. Зухра бир мутаассиб қассобнинг ўғли билан тинч-тоҳув турмуш қиларди. Душманлар ҳофиз қудасининг шариат фатволарига иҳлосмандлигидан фойдаланиб, унга Зухра тўғрисида ҳар хил уйдирма хабарларни бирига ўн қўшиб етказиб турдилар ва асабига тега бошлайдилар. Бу уйдирмаларга ишонган қассоб ўғлининг ширин турмушини издан чиқара бошлайди, кейинчалик ҳофизнинг олдига бориб, унинг Зухрани қайтиб уйига олиб кетишини узил-кесил талаб қилади.

Орадан кўн вақт ўтмасдан Ҳожи Абдулазиз сеvimли кенжа қизи Зухра жасадини шаҳар ташқарисидаги боғнинг олма дарахти остига кўмилган ҳолда топади. Душманлар қизни отаси ўлдирган деб гап тарқатадилар. Бундай кўнгилсиз ҳодиса ҳофизга қанчалик қаттиқ таъсир қилганлиги ўз-ўзидан маълум, албатта. Бу овоза тергов органларини ҳам ишга солган эди. Аммо ўша даврда ҳукумат бошида турган Файзулла Ҳўжаев тергов ишларига аралашади ва: «Ҳожи Абдулазиз сингари машҳур санъаткорлар ҳар юз йилда бир марта тугилади. Ҳақиқий санъаткор-

нинг қўлидан бундай жоҳиллик келмайди» деб ҳофизни озод қилади.

Аммо Ҳожи Абдулазизнинг иродаси мустаҳкам эди. У қисқа муддатли руҳий тушкунликдан кейин, яна ўзини қўлга олади, шогирдлари, ёш санъаткорлар унинг атрофига тўпланишади, унинг олдига тез-тез бориб кўнглига далда берадилар, уни хилма-хил оилавий ўтиришлар, қизил чойхоналар, клублар, ҳаваскорлар тўгараклари концертларига етаклай бошлайдилар. Натижада ҳофизнинг овози эшитилиб, сози янгидан янграй бошлайди.

1927 йил 26 февралда Тошкентда Коллизей театрида Мулло Тўйчи Ҳофизнинг 45 ёшга тўлиши муносабати билан тантанали юбилей ўтказилади. Бунда Тошкент, Фарғона, Андижон, Қўқон, Самарқанд, Марғилон ва Бухородан ашулачи, яллачи, раққосу раққосалар қатнашадилар. Юбилей муносабати билан чиқарилган жуда ёрқин ва ҳашаматли афишада: «...Тўйга махсус чақирилган самарқандлик машҳур ҳофиз Ҳожи Абдулазиз ҳам иштирок этади» деб ёзилганди. Дарҳақиқат Ҳожи Абдулазиз бошқа санъаткорлар қатори юбилейда иштирок этади, қўшиқлар айтади ва юбилейдан кейин яна бир неча ҳафта Тошкентдаги дўстлари ва таниш-билишларининг азиз меҳмони бўлади.

1928 йилда Самарқандда Ўзбек музыка ва хореография институтининг ташкил топиши, ҳофизнинг санъат оламига ўзидagi бор куч-қувват билан янгидан астойдил киришишга ундаган эди. Чунки мана шу даврда Самарқандда республиканинг барча областларидан атоқли санъаткорлар: ҳофизнинг устози, машҳур мақомдон Ота Жалол Носиров, атоқли ҳофиз Домла Ҳалим Ибодов, моҳир қўшайчи Аҳмадjon Умурзоқов, машҳур найчи Абдуқодир Исмоилов, Бухоронинг кўзга кўринган танбурчиси Ҳожи Абдурахмон Умаров сингарилар тўпланишган эди. Мактаблардаги музыка таълими, хилма-хил концерт бригадалари, музикавий саҳна спектакллари, ҳар хил ансамбллар шаҳар музыка ҳаётини янада жонлантириб юборади. Музыка санъати олдингидан ҳам кенг миқёсда оммавий тус олади.

Шу даврда Ота Жалол Носиров ҳамшаҳар ва шогирдлари Домла Ҳалим ва Ҳожи Абдурахмон Умаров билан биргаликда Растайи Навдаги чойхонада ашулахонлик қиларди. Бу санъаткорлар Ҳожи Абдулазизни ҳам ўз давраларига олиб, биргаликда ашула-қўшиқлар айтадилар. Айниқса ёши тўқсонга яқинлашиб қолган машҳур устоз Ота Жалол қўлига соз олиб ҳофизлик қилгандан кейин, Ҳожи Абдулазиз ҳечам қараб туролмасди, албатта. У ҳам ўз шогирдларини ёнига олиб Ҳавзи Баланд гузаридаги чойхонада, ҳар хил жамоат йиғинларида, митингларда иштирок эта бошлайди.

Ўзбек музыка ва хореография институти 1930—1932 йиллар завомида Ҳожи Абдулазизнинг ижрочилик фаолияти устида иш олиб бориб, ундан «Ироқ», «Қашқарчайи Ироқ», «Уфори Ироқ», «Гулёр», «Арзимни айтай», «Орази Гулёр» сингари йиғирмадан ортиқ ашула ва қўшиқларни фонографга ёзиб олган эди.

Умуман, Ҳожи Абдулазиз шу даврда бирор театр ёки концерт бирлашмасида муттасил ишламаган бўлса ҳам шаҳар музика ҳаёти билан чамбарчас боғланган эди. Музика ва хореография институтида ҳам ишлаб, ҳам ўқиб юрган шоғирдлари Толибжон Содиқов, Қори Сирож унинг олдида ҳар ҳафтада икки марта бориб турардилар. Ҳожи Абдулазиз уларнинг ишларини кузатар, камчиликларини кўрсатар, қимматли маслаҳатлар бериб турарди. Ҳожи Абдулазизни шахсан биладиган, ундан таълим олган етук бастакор, чолғучи, Ўзбекистон халқ артисти Набижон Ҳасанов шундай дейди:

«Мен 13—14 яшар эдим. Биз мактаб ўқувчилари байрамга аталган пионерлар қўшиғини мактаб ҳовлиси ўртасида гир айлана туриб ўрганаётган эдик. Тасодифан Ҳожи бобомиз кириб келдилар. У киши ҳаммамизнинг ҳурматли бобомиз эдилар. Ҳовли эшиги олдида туриб бизнинг бир текисда оёқ тепишимизга, ҳаммамизнинг бир хил усти-бошимизга (шунда биз оқ кўйлак, труси ва шилпак кийгандик), бўйнимиздаги қизил галстукка завқ билан узоқ қараб турдилар. Биз қўшиғимизда опозимизни барала чиқариб айтишга тиришардик. У киши бир оз эшитдилару, бизга яқин келиб, бизни қўшиқ айтишдан тўхтатдилар: «Болажонларим, бу қўшиқнинг усули мана бунақа бўлади», — дедилар ва кейин унг қўлларини марш усулида бир текисда гоҳ кўтариб, гоҳ тушириб, «бир икки, бир икки» дердилар. Биз жуда завқланиб кетдик, Ҳожи бобомиз бўлса ошпоқ соқолларини селкилатиб даврамиз ўртасида қўшиқ айтардилар. Қўшиқ тугагандан кейин кулимсираб, биз билан хайрлашиб чиқиб кетдилар».

1933 йил 19 февралдан 24 февралгача Тошкентда Бутуп Ўзбекистон санъат ходимларининг биринчи сўёти бўлиб ўтади. Сўётда Ўзбекистоннинг барча область, шаҳар ва қишлоқларидан келган санъат намояндалари иштирок этади. Бунда «Ҳалима», «Видирамиз», «Тарих тилга кирди», «Қўзибулоқ қишлоғи» сингари сахна асарлари ва катта концерт программалари кўрсатилаган эди. Бу сўётга Ҳожи Абдулазиз ҳам чақирилади. У 19 февралда бўлган концертда Домла Ҳалим, Мулло Тўйчи, Мадюсов Харротов ва Юнус Ражабий билан биргаликда «Ушшоқ» ашуласини айтади. 20 февраль кuni бўлган уч бўлимли катта концертининг биринчи бўлимини «Наво» мақомидан «Қашқарчайи Ушшоқ» (Навоний шеъри) ашуласи билан бошлаб беради.

— Шунда бу машҳур ҳофиз саксон ёшга тўлган эди.

Сўёт тугагандан кейин грампластинкага «Қашқарчайи Ушшоқ», «Уфори бебоқча» сингари мақом йўллари ёзиб олинади. Мана шу сўётдан кейин Ҳожи Абдулазиз ва Домла Ҳалим Ибодовга Ўзбекистон халқ артисти унвони берилади.

1935 йилда Ҳожи Абдулазиз яна Тошкентга чақирилади. Саксон уч ёшар ҳофиз ўзи томонидан басталанган ва ҳозирги кунгача ўнлаб ижрочиларнинг ҳамда шинавандаларнинг сеvimли асарлари қаторидан ўрин олган «Гулузорим», «Бозургоний», «Бебоқча», «Таронайи Ушшоқ» ашулаларини грамзаписга ёздирлади.

Бу — ҳофизнинг грамзапись учун энг сўнгги марта айтган ашула ва қўшиқлари эди. Лекин биз грамзаписга ёзилган бу дилкаш ашула ва қўшиқларда, нуроний чолнинг хириллоқ, бир оз бўлса ҳам завқ бағишлаши қийин бўлган чарчоқ овозини эмас, балки абадий навқирон, хушовоз устознинг эстетик завқ бағишловчи унлаб, юзлаб ёшларга сабоқ бўладиган таъсирли мусаффо овозини эшитиб ҳайратда қоламиз.

Умуман, Ҳожи Абдулазизнинг мана шу 1935 йил кузида Тошкентда бўлиши ҳофиз ва созандалар ҳамда юзлаб томошабинлар билан учрашуви унинг билан видолашув таассуротини қолдирган эди.

Ҳофиз Самарқандга қайтиб боргач, ижрочилик фаолиятини давом эттиради. У қишнинг совуқ кечаларидан бирида шамоллаб, 1935 йилдан 1936 йилга ўтар янги йил кечаси оғриб қолади ва 1936 йил 9 январь кеч соат 12 да оламдан ўтади.

Ҳожи Абдулазиз Расулов XIX аср иккинчи ярми ва XX асрнинг ўттизинчи йилларигача ўзбек ва тожик халқлари музика маданиятида эришилган барча ижодий ютуқларга катта ҳисса қўшган заковатли машҳур санъаткордир.

Ўзбек совет адабиётининг атоқли намояндаси, халқимизнинг севикли шоири Мақсуд Шайхзода 1936 йил декабрь ойида Ҳожи Абдулазизнинг вафотига бир йил тўлиши муносабати билан қуйидаги шеърни ёзган эди:

У нозик лабларда қатраланган ун
Нега эшитилмас бўлибди бугун?
У завқли нидолар, оҳангли ҳусун
Балки-да сўнибди, сўнибди бугун?
Бу оқшом кўринмас ориқ қомати
Қалласин чайқаб-да айтмас «Дугоҳ» ни.
Овознинг қапотли париларини
Хаёлда кўрай деб юммас нигоҳни.
Хатто кечагина юзлаб қулоқни
Сийлади у илиқ овозла ҳофиз.
Юмшоқ савтлари ҳавода ўйнаб
Рақс этиб чиқарди ҳалқа-ҳалқа из.
Бу оқшом хастадир-хастадир оғир.
Сезади бу иллат сўнгги иллати.
Борлиқнинг қонуни дерки: дунёга —
Олдинроқ келганлар олдин кетади.
Ёстиққа ёстаниб кўрпада ётар
Ажални ҳадиксиз кутади ҳофиз,
Ийғини яшириб туриб атрофдан
Болалар ўраган... эмас у ёлғиз.
Бир замон кўкракдан бемалол қайнаб
Чиқарди гупуриб ғазалдан аруз,

Энди кўп энтикиб олар нафасин
Олтмиш йил «Ушшоқ» ни кўтарган бугуз.
Одамлар соядай кўринар унга,
Сўнди зарралаб кўзининг нури;
Фақат хаёлида учмай жонланар
Деворда қозиққа осиглик дутори.

Гулузорим

М.М. = 112

Ду́ст ла-рим(ай) би́р ю-за-на-е
 (о) иш-қи бу хол
 эт-миш ме-ни, зул(ай)
 сав-до-си(я) а-лиф
 қа-дим-ни дол (до-па) эт-миш ме-ни,
 ло-ла гул (ё-ра)
 рух-со-ри ҳаҷр аш-ким-ни
 ол (до-да) эт-миш ме-ни,
 би́р па-ри(я) пай-кара-ға-ға-

мѣ о - ширѣ - га хол (до-да)

эт- миш ме-ни,

эл- га ах- во-ли-мѣ) де-

мак- да гу-нгу дол (до да)

эт-миш. мени (ѣ-ра ни-го- рим

гул у-зо- рим во-ей рахмѣла ни-го-

рим, гул у-зо- рим, во-ей

рахмѣла ни-го римей, куи- ма ме-

ни зор ѿи-ла-ти-о(о) ни-го-

рим ней)

ишк ет- кур- миш ме-ниш-

дек тел- ба-ни (я)









бу ер- га ким, телли-





кур кук-си-м(о)на- до-

мат ѱ- кидино) не ер- га ким,


ишк ма-

жо- лим, ѱи- ла, хо-









ким, ха







е — (и)



Бозургоний

М. М. $\text{♩} = 120-126$



мѣ-та суз ко-тѣб (о),
ку-зи кнѣри-

тѣ у-кѣ -- ни о-тѣб,

ко-ши ѣ -- та -- рѣн о-тѣб уѣ-на-тѣб, (ур-
ме-нѣ дѣн -- жѣ -- мо -- та-на во-ла-тар (ур-

тѣ-та-мѣ-но) ме-нѣ уѣ-ла -- рур -- та -- та-
тѣ-та-мѣ-но) ки-та-курѣн -- фон -- и -- та

мо -- ши-дур- де -- ма-ким -- ши-
но -- та-тар,

фак, фѣ-так зв -- жи-ла (ур-

тѣ-та-мо-но) а-нипѣ-рѣ-ти да -- хи-

ро -- ши-дур. (ох, ѣ --

рѣй, аѣ -- на-ла-ман ур -- тѣ-ла-ман о)

а-нипѣ-рѣ-ти -- да -- хи-

ро -- ши-дур. (о -- ох, ох, ох,

о -- о














но -- за-ни -- на-ме),

ке-ча -- тар ха -- ѣ -- та-ла уѣ -- ро-мѣб,

ча-ла-жѣ-и -- тон ка-би

туѣ -- ро-мѣб, чѣ-мѣб о. ху)-

тар а -- нипѣ-нипѣ -- ки-ла,




Ушшоқ

М.М. $\text{♩} = 92$

Музыкальный текст песни «Ушшоқ» (Ушшоқ) в 2/4 такта, темп 92 удара в минуту. Музыка записана на нотном стане с ключом F (два фалсы). Под нотами даны русские транслитерированные слова.


ро а а
ё - ро а
жо — ним)
Ба
су - йи май - ка да рин-до-на (ё
о ме - гу
заштам дўш, ку - шо - да чаш-ми та-
вақ - қуь-(ё - ро), ба дас-ти

бо - да фу - рӯш,
 Ба гӯ - ши маъ ни-и
 там - ҳи - ди ман (эй) ра -
 сид (и) су - руш, ра - сонд
 но - ла-йи тан - бў - рам
 ин ни - до бор - гӯш, аз -
 ин жа - ҳон ки са - ро -
 сар фа - ност ди - да би нӯш
 (эй, а а а а)



ро - ку А - жам(е)


ме - ра -



ви (ей)


ба сӯ - йи Ҳи - жоз,

гар




аз

И - ро - ку А - жам...



га раз И - ро - ку А - жам(е) -




ме - ра - ви (ей)

ба сӯ - йи Ҳи -



жоз (ей,

до - дей)



ва - ле

ба




пар - да

би


бӯ -

си жа -




мо - ли

шо - ҳид - боз,



(а

о






жо



но)



Бу -



бни

ки

зах - ми

ди-ли



зах-м(и) си - на ме - жў



ад,



ба об - и ко - са - йи



тан - бў-р(и) занг



ме - шў - яд.



Бу - бин ки



нар - да - йи ни

тор



то чи ме - гу - яд



ба шус -



та - ве ки а-ҳиб - бо



на - шас - та ме - рӯ -



яд, ки ҳар - қа - дар ки то -



во - ни ба айб - пӯ - ши



хӯш.

(во



ей,

эй

а -



жо - не).





зи гуф_та - не - ки на - яф_тад



ни - сан - ди) бо - ши) ха -



мӯш, ей,

о



жо

не).



Ба



сух_ба_те ки а_хиб_бо на_шаста



мас - ту ғу - рур, фи - то - да мух - та - рам



аз аҷзи хеш - тан мағ - рур




чу



им


ти - ёз

ба наб - зи - (ен)



ма - ри - зи


ах - ли шу -



у - р(е)


(а жо

ней)



ма - ни

ка - ми - на Ма -



си - хо

зи нағ -

ма - йи тан -



бур

чу - нин

хи - ко - я - ти



жон - сӯз

фаҳ - ми



кар - дам


душ,

ҳай ёр,





ёр

о



Дала куйлари

М.М. $\text{♩} = 108$




Faḍou

Con mestizia

$\text{♩} = 72$





«Дала куйлари» ни Н. И. Миронов потага ёзган. Қолган мисоллар Ю. Ражабийнинг «Ўзбек халқ музикаси» тўпламидан олинди — М. А.

На узбекском языке

МАХМУД АХМЕДОВ

ХОДЖА АБДУЛАЗИЗ РАСУЛОВ

Издательство «Ўқитувчи»
Ташкент — 1974

Редакторлар Аҳмедов Й., Аҳмаджонов К.

Муз. редактори Қўлдошев Л. Ҳ.

Баллий редактор Алиев Қ.

Техредактор Ананина Т.

Корректор Ибрагимов Р.

Теринга берилди 10/IV-1974 й. Ўсишга рухсат этилди
6/XI-1974 й. Қогоз № 3. 60X90¹/₁₆ Физ. б. л. 6,0.

Нашр. л. 6,04. Тиражи 5000. Р-12687.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.
Шартинома 276-73. Ваҳоси 21 т.

ЎзССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг
2-босмахонаси. Янгийул, Самарқанд кўчаси, 44. 1974 й.
Зак № 64

Типография № 2 Государственного Комитета Совета
Министров УзССР по делам издательства, полиграфии и
книжной торговли. Янгийоль, ул. Самаркандская, 44.

